

Р. ВОҲИДОВ



НАВОИЙ БАРҲАЁТ

83.3 | 6-H

B74 | Вохитов Р.

Навоий барҳаёт

1091 50T

83.3

Б74

Раҳим Воҳидов

НАВОИЙНИНГ НОМИ БАРҲАЁТ

(НАВОИЙШУНОСЛИК
ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР)

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН ССЖ «ФАН» НАШРИЁТИ
1991

Рисола совет навоийшунослиги тарихига бағишланади. Унда Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли, айниқса шоир ҳаётининг Машҳад ва Самарқанд даври, Абуллайсийлар хонадони билан яқинлашиш сабаблари, Абдураҳмон Жомий билан илк учрашуви, улкан алломанинг дастхатига доир илмий мақолалар таҳлилга жалб этилади. Шунингдек, Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти, «Хамса» ҳамда хамсачилик анъанаси мавзuidaги баъзи тадқиқотлар диққат марказида туради. Уртага қўйилган мазкур масалаларни ёритишда айрим навоийшуосларнинг илмий кузатишлари таянч сифатида қабул қилинади.

Улуғ ўзбек шоири таваллудининг 550 йиллик тўйига тўёна сифатида пайдо бўлган рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори О. С. САФАРОВ

Тақризчилар:
филология фанлари доктори Н. КОМИЛОВ,
филология фанлари номзоди Т. ҚОРАЕВ

В 4603020000-387
М355(04)-91 288-91 © Ўзбекистон ССЖ «Фан» нашриёти,
1991 й.

ISBN 5-648-01386-8

МУҚАДДИМА

Шеърят — мўъжиза. Эҳсосот ва тафаккур олами. Инсон қалбининг калити. Уни жунбушга солиш, қитқлаш, беҳисоб имкониятларини уйғотиш воситаси. Шеърят — абадийт машъали. Унинг ёлқини ва ёғдуси сўнмасдир. Юксак лавозимлар, дабдабали шон-шарафлар, ҳисобсиз хазиналар шеърятнинг боқий қудрати олдида маҳкумдир. Шеърят — машаққат, изтироб ва дард фарзанди. Саховатли, покиза юракнинг эҳсони. Шеърят — сафо маскани. Унинг мусаффолиги дахлсиздир. У — сўнмас, мангу барҳаёт бўстон. Шеърят чаманининг рангу таровати, муаттар димоғларга хуш ёқувчи ҳиди замон ва маконни писанд билмайдн. Шарқ шеъряти ана шундай ажиб бўстондир... Унинг бунёдга келиши Абу Абдулла Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Дақиқий, Бухорий, Манучехрий, Масъуд Саъди Салмон, Санойй, Амъақ Бухорий, Муъиззий, Низомий Ганжавий, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Шайх Саъдий, Хожа Ҳофиз, Амир Хисрав Деҳлавий, Мавлоно Лутфий, Абдурахмон Жомий каби устод ижодкорларнинг табаррук номлари билан узвий боғлиқдир. Булар Шарқ шеърятининг сардафтарларидир. Шу сафда улуғ бобокалон шоиримиз Алишер Навоийнинг борлиги қалбларни ифтихор туйғусига тўлдиради.

Алишер Навоий даҳоси — шеърят оламининг ноёб дурдонаси. Мўъжизалар олами ичра беназир мўъжизадир. Шундай сеҳрли қалам соҳибининг адабиёт майдонида жавлон урганлиги юксак бахт, она табиатнинг нодир тухфаси, саховат ва адолат рамзидир. Алишер Навоий ер фарзанди эди. Лекин у савқи табиийсн билан ерликлардан юксак турарди. Шунинг учун у адабиёт даргоҳида, хусусан, туркий халқлар бадийй сўз санъати оламида инқилобий ўзгаришлар ясади. Туркий тилдаги адабиёт нуфузини самовий кенгликларга кўтарди. Бадийй тафаккур оламини завол билмас жа-

воҳиротга тўлдирди. Ҳақли ифтихор учун қонуний замин яратиб қолдирди. Бугун ҳам ҳазрат Алишер Навоий фахримиз боисидир. Улуғ Алишер Навоийнинг дилбар шеърияти уйғотган ўша фахр жуда кўп назмий яратмаларга асос бўлиб келди. Бироқ Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов улкан сўз санъаткори маънавий мероси бахш этган ифтихорни айрича талқинда жилолантириб берди. Унинг «Ўзбегим» қасидасидаги мана бу мисраларни ички ғурур ва ҳаяжонсиз мутолаа қилиш имкондан ташқаридир.

Мир Алишер наърасига
Акс-садо берди жаҳон,
Шеърят мулкида бўлди
Шоҳу султон, ўзбегим...
Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.

Инсоният авлоди ширин орзулар оғушида яшайди. Хаёллар қанотида парвоз этади. Буюклар ёнидан жой олишни қўмсамайдиган инсон камдан-кам топилса керак. Лекин табиатнинг ўз қонуниятлари, тошу тарозуси борки, унинг олдида орзу ҳам, хаёл ҳам ожиз. Фикримизча, донишманд халқимизнинг «интилганга толе ёр» мақоли замирида она табиатнинг ўша бешафқат қонунияти ётади. Ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Зарофатли хонадоннинг фарзанди бўлган Алишернинг бахти шундаки, у умрини зое кеткизмади, орзу парвозини меҳнат ва машаққат қанотида кўрди. Закий аждодлар қаламида бунёд этилган китоблар мададига суянди, уларни жавоҳирот оламининг сирли сандиқлари сифатида тан олди. Азал-азалдан илму урфон маскани — Шарқда яратилган илмий, бадий асарлар, панднома хазинаси бўлмиш қўлёзмаларга меҳр қўйди. Низомий Арузий Самарқандийнинг «Мажмаъ ун-наводир» китобидаги мана бу ўғитларга айрича диққатини қаратди:

«Шоирнинг руҳи тоза, фикри кенг, табъи латиф, кўнгли тўғри ва зеҳни ўткир бўлмоғи лозим. У яна турли фанлардан хабардор бўлиши... керак. Чунки шеър ҳам бир илмда қўл келиши ва ҳар хил илм шеърда ифодаланиши мумкин». Шеършунос аллома мушоҳадани давом қилади. Назм ва унинг фазилатларига тегишли қимматли фикрларини баён этар экан, бўлажак шоир амал қилиши шарт ҳисобланган қатор талабларни санаб ўтади. «Агар шоир,— ёзади Низо-

мий Арузий Самарқандий,— ёшлик айёмида ва йигитлик даврониди ўтмиш шоирларининг шеърларидан *йигирма минг байтни хотирасида тутмаса*, замондошларининг асарларидан *ўн минг байтни ёд билмаса*, *устодлар девонини пайваста ўқимаса...* сўзлари буюклик томон, таъби эса юксаклик сари майл этмайди»¹. Улуғ ўзбек шоири таржимаи ҳоли саҳифаларини ва рақлаган киши, унинг ана ўша талабларни чандон ошириб бажарганлигига қаноат ҳосил қилади.

Алишер Навоий ўқиган китоблар, у ўрганган зоҳирий (дунёвий) ва ботиний (илоҳий) фанлар шу қадар кўп эдики, ўшаларнинг ўзи шоир учун бир умрга етгулик заҳмат, ташвиш ва тараддудлардир. Ёш Алишердаги ўткир зеҳн, кучли ҳофиза, меҳнатга чидам Ғиёсиддин кичкина хонадони имкониятларига қўшилиб, қувончли натижаларга олиб келди. Ҳали мактаб ёшидаги Алишер Фаридиддин Атторнинг «Мантиқуттайр» достонини ёд олганди. Тасаввур қилинг, тасаввуфнинг ғоят чигал фалсафий масалаларига бағишланган, мажозий образлар можаросини ўзида мужассам этган, мураккаб ташбеҳлар, иборалар, атамалари бўлган йирик ҳажмли асарни — бутун бошли поэмани ёд олишнинг ўзи бўлади-ми? Шунинг ўзи алоҳида таъкидга сазовор жасорат эмас-ми?! Ҳолбуки, улуғ бобокалон шоирнинг ғоят қисқа, ниҳоят мазмунли ҳаёт саҳифалари бундай шижоат ва ибратларга тўла. Яна таъкидга сазовор томони шундаки, улар устод шеършуносларнинг қўйган талабларидан неча карра ошиб тушади. Алишер Навоийдай буюклар учун ором, осойиш, етилган нуқталар билан қаноатланиш етти ёт бегона ҳисобланган. Янгиликка, билимнинг уфқли сарчашмаларига интилиш эса ҳаётий зарурият даражасига кўтарилган. Машҳад ва Самарқанд таҳсили, Абдураҳмон Жомий ҳузуридаги сабоқлар Алишер Навоийнинг дониш уммонига янги хазиналар қўшди, ижодий имкониятларини кенгайтириб юборди. Самарқандда юрган Алишернинг устоди Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубидаги мана бу сатрлар шундан далолат эмас-ми?

...Деди ўз тили бирла ул кони ганж:
«Ки, си сол бурдам ба «Шоҳнома» ранж»...
Ани дерга бўлса қачон рағбатим,
Эрур онча ҳақ лутфидин қувватим,

¹ Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Тошкент, 1985, 31-бет.

Ки, ҳар неча нутқ ўлса қоҳилсарой,
Битигаймен ўтгуз йилин ўтгуз ой.
Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти ҳолвом эрур.
Вале айт деб, ким манга тутти юз
Ки, мен юз учун демадим икки юз...²

Булар ҳар қандай муболағадан холи таъкидлардир. Алишер Навоий фаол ижодий иш билан шуғулланган йилларда уларни етарли даражада асослади. Улуғ ўзбек шоирининг «Хазойинул-маоний», «Хамса», «Лисонут-тайр», «Девони Фоний», «Назмул-жавоҳир», «Арбаин», «Хамсатул-мутаҳаййирин», «Маҳбул-қулуб», «Мажолисун-нафонс», «Мезонул-авзон», «Насойимул-муҳаббат», «Тарихи ҳукамо ва анбиё», «Тарихи мулуки Ажам», «Вақфия», «Рисолаи муфрадот» каби асарлари унга обрў-эътибор келтирди, унинг шуҳрати Хуросон сарҳадларини ортда қолдирди...

Алишер Навоий ижодига қизиқиш, унга муносабат билдириш у ҳаёт бўлган йиллардаёқ бошланган эди. Ҳатто, Гиёсиддин Хондамирнинг улуғ ўзбек шоирининг юксак инсоний фазилатлари, давлат ва жамоат арбоби сифатидаги жўшқин фаолияти, илм-фан, адабиёт ҳамда санъат равнақи йўлида кўрсатган жонбозлигини тараннум этувчи қоришиқ услубли (адабий, тарихий, илмий) яратмаси — «Макоримул-ахлоқ» асари майдонга келди. Тазкирада тарихий ва бадий китобларда шоирнинг ҳаёт ва ижод йўлига доир қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилди. Улкан алломанинг буюклигини бадий ифодаловчи қасида ва марсиялар ижод қилинди. Алишер Навоийга издошлик қилиш, ундан ўрганиш, устоз сифатида тан олиш, асарларига назира ва татаббуълар битиш, муҳаммаслар боғлаш, луғатлар яратиш, унинг шоҳ байт ва китобларини бошқа тилларга ўгириш сингари турли хил йўналишларда давом этди. Улуғ ўзбек шоирининг адабий фаолияти Ғарб мутахассислари эътиборини тортди. Бир сўз билан айтганда, улуғ шоир ҳаёт чоғидаёқ навоийшуносликнинг дебочаси қўйилган эди. Орадан кечган неча юз йиллар давомида навоийшунослик тўлқинли йўналишини давом эттирди.

Совет навоийшунослиги бу борада анчагина хайрли ишларни амалга оширди. Шоир шаънини ҳимоя қилди, у ҳақда бор ҳақиқатни айтиш таомилга айланди. Тўғри, совет навоийшунослигининг шаклланиш йўли

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. Тошкент, 1988, 529—530-бетлар.

ҳам осонгина бунёд бўлгани йўқ. У курашлар, зиддиятларни енгиб, соғлом йўналишни асослади. Айниқса, шоир таваллудининг 500 ва 525 йиллик тўйлари Алишер Навоий ижодиётини тадқиқ этишда муҳим босқич бўлди. Худди шундай гапни улуғ ўзбек шоири асарларининг нашри масаласида ҳам айтиш мумкин. Агар 20 ва 30-йилларда навоийшунослик бобида ижод аҳли ва кекса алломалар жавлон урган бўлсалар, кейинчалик бу майдоннинг доираси тобора кенгайди. Навоийшунослик яшариб борди.

30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб О. Шарафуддинов, Иззат Султон, Порсо Шамсиев, Ғ. Каримов, В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, М. Шайхзода, Ҳ. Зариф, С. Нарзуллаевалар Алишер Навоий мероси билан фаол шугуллана бошладилар. Рус шарқшуносларидан В. В. Бартольд, Е. Э. Бертельс, И. А. Орбели, И. Ю. Крачковский, А. Н. Болдирев, А. Н. Кононовлар ҳам улуғ ўзбек шоири ҳақида тадқиқотлар яратдилар. Совет навоийшунослигини ҳар томонлама бойитишда қардошларимиз — А. М. Мирзоев, Ҳ. Орасли, Б. А. Қариевлар қўшган улуш салмоқлидир. 50-йилларда навоийшунослик янада тўлишди. Унинг сафларига А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Н. Маллаев, Ҳ. Сулаймонов, Б. Валихўжаев, А. Абдуғафуров, С. Эркинов, Э. Рустамов, С. Ғаниева сингари ўнлаб истеъдодли тадқиқотчилар келиб қўшилди. Улар ўз илмий ишлари билан эл назарига тушдилар. Алишер Навоий адабий фаолиятини ўрганишда ибрат кўрсатдилар, эътиборга арзигulik мақола ва китоблар ёздилар. ЎзССР ФА мухбир аъзоси А. П. Қаюмов «Хамса» таркибидаги ҳар бир дэстонга бир китоб бағишлаб, илмий бешлик яратди. Алишер Навоий таржимаи ҳолига доир эссе жанрида китоб нашр эттирди. Проф. А. Ҳайитметовнинг шу улкан аллома ижодига доир мулоҳазалари ўнга яқин китоб саҳифаларида баён этилди. Шундай тафсилотларни рўйхатдан жой олган бошқа навоийшуносларимиз хусусида ҳам ҳеч иккиланмай айтиш жоиздир. Хуллас, бутун навоийшунослик адабиётшунослигимизнинг таркибий қисмига айланди. У босиб ўтган машаққатли йўлни ўрганиш эса адабиёт илми донишмандлари олдида кўндаланг бўлиб турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Кейинги йилларда ана шу бўшлиқни тўлдириш бобида дадил қадамлар қўйилди. Бир қатор рисоалар чоп этилди. Шу жиҳатдан проф. Н. Маллаевнинг «Асрлар эътирофи ва таъзими» (1978) рисоласи китобхонларда катта қизиқиш уйғотди.

Рисолада навоийшунослик тарихига доир бой ҳужжатлар жамғарилган бўлиб, унда навоийшунослик тарихи олдида турган мавзу ва масалалар ойдинлаштириб берилган. Таниқли фольклоршунос олим М. Муродовнинг «Навоийшунослар жасорати» (1972) номли мазмундор китобида эса Улуғ Ватан уруши шароитида, қамал ҳолатида ленинградлик навоийшунослар кўрсатган жасорат хусусида мароқ билан сўзланади. Бу билан муаллиф ғоят хайрли мавзуга қўл урган.

Навоийшуносликнинг умумий масалаларини ёритишга қаратилган ишлар билан бир қаторда, айрим тадқиқотчиларнинг шу соҳадаги хизматларини баҳолашга йўналтирилган мақола, тақриз ва рисоаларнинг майдонга келаётганлиги қувончли ҳолдир, албатта. Бироқ шу йўналишда қилинаётган ишларни етарли дейиш қийин. Бу борада тарихчиларнинг тажрибаларидан фойдаланиш, адабиётшунослик тарихига доир жиддий илмий тадқиқотлар яратиш фурсати етган, деб ўйлаймиз. Юқорида баён этилган ақидалардан келиб чиқиб, биз бу ишимизда навоийшунослик тарихидан айрим лавҳаларни ёритишга жазм этдик. Бунинг учун оташнафас шоир ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжоннинг Алишер Навоийга доир ишларига асосландик. Шунингдек, таниқли навоийшунос олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Б. Н. Валихўжаевнинг китоб ва мақолаларини асос сифатида қабул қилдик. Рисолада ҳал этилиши лозим кўрилган масалалар тақозосига кўра бошқа тадқиқотчиларнинг илмий ишларига ҳам мурожаат қилинди. Алқисса, рисола муаллифи ўз олдида икки муддаони кўндаланг қилиб қўйди. Биринчидан, навоийшунослик тарихини ўрганишга бақадри ҳол ҳисса қўшиш, иккинчидан, улуғ бобокалон шоирнинг табаррук тўйига кичик бир туҳфа ҳозирлашдир.

ХАЛҚПАРВАР ФАРҲОДГА ҚЎЙИЛДИ ҲАЙКАЛ...

Ҳамид Олимжон ҳақида гап кетганда, уни фақатгина ўзбек халқининг истеъдодли шоири, драматурги ва насрнависи, публицисти, давлат ва жамоат арбоби сифатида характерлаш камлик қилади. Чунки Ҳамид Олимжон қуш уйқусига қиёс этгулик ғоят қисқа, бироқ пихоятда мазмундор ҳаёти даврида ақлга сиғмайдиган кенг миқёсли улкан ишларни амалга оширишга улгурди. Кўп қиррали фаолияти мисолида беқиёс истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатди. Ўзбек халқи адабий-маданий ҳаётининг ранг-баранг жабҳаларини ноёб фазилатлар билан бойитиш йўлида унумли меҳнат қилди. Ҳамид Олимжоннинг ана шундай шарафли меҳнати жумҳуриятимизда адабий танқид ва адабиётшуносликни фан сифатида шакллантириш ва ривожлантириш учун ҳам синггандир.

Ҳамид Олимжон адабиёт илмининг назарий масалаларига доир йирик асарлар яратган ё шундай мақсадни ўз олдида вазифа қилиб қўйган дейиш қийин, албатта. Шундай мулоҳаза ўртага қўйилганда, адолатсизлик бўлур эди. Аммо масаланинг бир қирраси равшан. Ҳамид Олимжон адабий жараёнда фаол ҳаракат қилаётган ижодкор, кейинчалик жумҳурият ёзувчилари уюшмасининг раҳбари эди. Бир сўз билан айтганда, у янги давр адабиётини яратиш, уни ғоявий курашлардан ҳимоя қилишнинг олдинги сафларида борганлиги ҳақ. Ижодкорлик бурчи ва вазифа тақозоси уни адабиётшуносликка доир илмий-оммабоп мақолалар ёзишга, нутқлар сўзлашга ундаган. Унинг мақолаларида даврнинг зарур ҳамда илғор фикрлари ўз ифодасини топган, шунингдек, уларда шахсга сиғиниш авж олган замон иллатлари ҳам таъсирини ўтказган. Адолат билан айтганда, бошқача бўлиши ҳам қийин эди. Бугун Ҳамид Олимжоннинг айрим ишларига тош отишдан олдин, масаланинг ўша томонларини ҳисобга олсак, ёмон бўлмас эди.

Адибнинг 30- ва 40-йилларда ёзган илмий-оммабоп мақолалари, нутқларини адабиётшунослигимизнинг бугунги бўлиниши нуқтаи назаридан тасниф этадиган бўлсак, улар адабиёт назарияси, адабий танқид, ўзбек классик ва СССР халқлари адабиётига тааллуқлидир. Айтиш жоиз, ўша илмий ишларнинг ўзи бир инсон умрига етгулик меҳнат самарасидир. Тўғри, ҳаммавақт ҳам илмий кузатишларнинг салмоғи ёхуд аҳамияти уларнинг сони ва ҳажмига қараб белгиланмайди. Бироқ Ҳамид Олимжон қаламидан чиққан илмий-оммабоп асарлар ўзининг маърифий қиммати, «кўп ва хўб» лиги билан ажралиб туради. Чунки улкан адибнинг бой тафаккури тақдим этган асарлар ҳозиржавоблиги, ғоявий бақувватлиги, ҳамидона жўшқинлик билан суғорилганлиги, қамров доирасининг кенглиги, энг муҳими, пайдо бўлган даври талабларига мос келиши билан ажралиб туради. Ана шу нуқтаи назардан Ҳамид Олимжоннинг улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий адабий мероси талқинига доир ишлари муҳим аҳамиятга моликдир. Алишер Навоий мавзуи Ҳамид Олимжон адабий фаолиятида марказий ўринлардан бирини эгаллайди, десак хато бўлмайди. У ўз она халқининг содиқ фарзанди ва истеъдодли ижодкори сифатида Алишер Навоий адабий меросига зўр эҳтирос, катта шавқу завқ ва чанқоқлик билан муносабатда бўлган. Ҳамид Олимжоннинг бундай уришини тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Унинг теран маънавий илдизлари, мустаҳкам замини мавжуд. Бўлажак шоирнинг маърифатли, адабиётсевар хонадонда балоғатга етганлиги шубҳасиз, масала моҳияти анча ойдинлашиб қолади.

Жўшқин ватанпарвар шоир бугунги замон ва унинг долзарб муаммолари устида гапирар экан, фикрлари далили учун буюк Алишер Навоийнинг мағздор сатрларига, ўлмас «Хамса»сидаги мангу барҳаёт образларига мурожаат этади. Ҳамид Олимжоннинг машҳур «Шодликни куйлаганимнинг сабаби» шеъри кўпчилик китобхонларга яхши таниш. Мазкур шеър ўйноқи, дилбар ва қўйма сатрлардан тузилган. Энг муҳими, шеърда бўёқдорлик, бадийят кучли, ғоявий мақсад аниқ. Муаллиф тўлиқ мазмунни равон ва образли қилиб бера олган. Шунинг учун ҳам бу шеърни барча шинавандалар севади, ёд айтади. Шеър бадий-тасвирий воситаларга бой. Улар ижодкор муддаоларини равшан рўёбга чиқариш учун хизмат қилган. Шеърда икки тузум қиёсланади. Шубҳасиз, Ҳамид Олимжон янги ин-

қилобий тузумнинг афзалиятини улуғлаш тарафида. Шунинг учун у қаршилантириш воситасига мурожаат этади, икки тузумни юзлаштиради. Ўтмиш саҳифаларини варақлайди, тарихда ўтган бадиий сўз санъати арбоблари ва улар талқинидаги образларнинг аянчли ҳаёт лавҳаларига ишора қилади.

Фузулийни олдим қўлимга,
Мажнун бўлиб йиғлаб қичқирди.
Ва Навоий тушиб йўлимга,
Фарёд билан ўрнидан турди.
Лермонтовни ташламадим ҳеч,
Ахир қўйиб, олдим Ҳофизни.

Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч,
Йиғлаб турган бир черкас қизни.
Шекспирдан сўрадим савол,
Жавобини келтирди Хайём:
«Чунки ғамга ошнодир ҳол,
Қайғу билан тўлиғдир айём»¹.

Ҳамид Олимжон Алишер Навоийга ихлос қўйган, унинг даҳосидан нур эмган ижодкор. Унинг улуғ ўзбек шоирига тез-тез мурожаат қилишининг моҳиятини ўша садоқатдан излаш жоиздир. Таниқли адибнинг мақолаларидан бирида «Навоий лиммо-лим бўлиб оқувчи Амударёга ўхшаб бутун мамлакатни кезиб, халқни ўз она тилисида ёзилган сеҳрли дoston ва шеърлари билан сероб этди»,— деб ёзилади. Аниқроғи, мазкур парча Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбек халқининг адабиёти» сарлавҳали нутқидан олинди. У Москвада Ёзувчилар уюшмасида сўзланган эди. Мазкур нутқ олдида турган асосий мақсад пойтахт китобхонларида ўзбек адабиётининг ўтмиши ва 40-йиллардаги адабий жараёни хусусида тасаввур пайдо қилиш бўлган. Муаллиф маълум маънода ўз муддаосига эришган. Аммо гап бунда эмас. Қизиғи шундаки, Алишер Навоий асарларига бўлган зўр ҳавас ўзини кўрсатиб қўйган. Ҳамид Олимжон улуғ бобокалон шоирни таништириш мақсадида алоҳида урғу берган. Бир неча жумлада Алишер Навоий ижодиётининг шаклланиш замини, унинг қалами туҳфа этган бадиий яратмалар, шоир «Хамса»сига Абдураҳмон Жомийнинг ўз «Хиродномаи Искандарий» достонида берган баҳонинг мазмуни каби муҳим нуқ-

¹ Ҳамид Олимжон. Мукаммал асарлар тўплами. Ҳн том-лик. 1-том. Тошкент, 1979, 240-бет. Бундан кейинги иқтибослар ҳам шу нашрдан олиниб, том ва саҳифалари қавс ичида кўрсатилади.

таларни умумлаштиришга эришган. Уша мулоҳазалар давомида ўқиймиз: «Бутун мамлакатни пиёда айланиб чиққан тарихчи Ғамбери: «Навоийнинг асарлари ҳар бир ўзбекнинг уйдаги хазинадир»,— деб ёзган эди. Лекин Навоий фақат шоиргина эмас эди. У ўз мамлакати ҳаётида фаол иштирок этарди... Халқ оmmasига яқин турарди. Навоийнинг мавжуд эканининг ўзи фан, санъат ва адабиёт аҳллари учун ҳақиқий бахт эди» (VI, 272-бет).

Ҳамид Олимжон насрий асарларининг мутолааси китобхонни ҳаёлга толдиради. Фикрлашга, у ўртага қўйган мулоҳазаларни аниқлаш учун изланишга чорлайди, ўқувчида безовталиқ туйғусини уйғотади. Бу — фазилят, қалам ушладан муроддир. Ҳамид Олимжон публицистикаси, илмий-оммабоп мақола ва лавҳаларининг қиммати, даврлар учун аҳамияти ҳам шунда бўлса керак. Унинг Алишер Навоийнинг ҳамиша уйғоқ руҳи олдида қилган савоб иши кўп сонли китобхонлар назарини улуғ ўзбек шоири шоҳ асарларига қаратганлиги, тарғиб этганлиги билан белгиланади. Алишер Навоий даҳосининг кўп қамровли эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди, албатта. Ҳамид Олимжоннинг зийраклиги шундаки, у ўша масалалар занжиридан ўзак нуқталарни топа олган ва ўшаларни таъкидлашни хуш кўрган. Булар — халққа ҳамдардлик, инсонпарварлик, байналмилал ғоялар тарафида туриш, сулҳу амният, адолат, санъатсеварлик, илму адабни улуғлаш кабилардир.

Тадқиқотчининг бахти шундаки, у керакли мағзни топа ва ўз ўрнида кўрсата олган. Ҳамид Олимжоннинг навоийшуносликка доир фаолиятига назар солар эканмиз, унинг турли хил йўналишларда давом этганлигининг гувоҳи бўламиз. Адиб Алишер Навоий таваллудига 500 йил тўлишини нишонлашни уюштириш билан шуғулланувчи ташкилот уюшмасининг масъул котиби сифатида кенг жабҳали ишларни амалга оширди. Улкан шоир асарларини излаб топиш, нашрга ҳозирлаш, тарғиб қилишни йўлга қўйишда алоҳида жонбозлик кўрсатди. Бугун Алишер Навоийнинг деярли ҳамма асарлари ўқувчилар қўлига етган экан, шу катта маънавий ҳаракатнинг фаолларидан бири Ҳамид Олимжон эканлигини эътироф этиш унинг барҳаёт руҳи олдидаги қарзимиздир. Адиб мукаммал асарлари тўпламининг ўн жилдлигидаги айрим ҳужжатларнинг гувоҳлиги ўз муаллифи шаънига самимий гапларни айтиш имконини беради. Бу жиҳатдан Ҳамид Олимжоннинг та-

ниқли рус адиблари, Иттифоқ Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарлари академик ва адиб А. И. Толстой, ёзувчи А. А. Фадеев, рус шоири П. Г. Скосирев, РСФСР давлат нашриёти директори Чагин, таниқли адабиётшунос К. Л. Зеленскийларга йўллаган хат ва телеграммалари (VI, 77—80-бетлар) катта қизиқиш уйғотади. Уша ёзишмаларда Алишер Навоий номини кўп миллатли мамлакат китобхонларига танитиш мақсадида улуғ ўзбек шоири асарларининг рус тилидаги таржималарини уюштириш, нашрини йўлга қўйиш ҳақида гап боради. Ҳамид Олимжон рус адиблари асарларида Алишер Навоий образи яратилишининг ташаббускорларидан бири эди. Рус шарқшунослиги XIX асрда Шарқ халқлари адабиётини, жумладан, Алишер Навоий ижодиётини ўрганишни ўзининг фаол мавзулари қаторига киритди. У ҳақда мақола ва махсус тадқиқотлар эълон қилинди. Михаил Никитскийнинг магистрик рисоласи Алишер Навоий ҳақидаги биринчи расмий ва йирик илмий иш эди. XX асрнинг биринчи чорагида академик В. В. Бартольд, проф. Е. Э. Бертельслар «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт», «Навоий ва Аттот» сарлавҳали мазмундор илмий мақолалари билан янгича йўсиндаги изланишлар дебочасини қўйиб бердилар.

Адабиёт ва санъатнинг улкан тўйи — Алишер Навоий 500 йиллигига ҳозирлик йиллари олдиндан бошланган хайрли ишларнинг жонланишига туртки берди. Ҳамид Олимжон эса ўша хайрли қадамларнинг собит ва илдамлашувига боискор бўлди. Жўшқин шоирнинг бутун саъю қўшишлари Алишер Навоийни улуғлаш, уни умумиттифоққа, унинг сарҳадларидан олисларга ҳам таништиришга қаратилган эди. Ҳамид Олимжон қаламидан чиққан мақолаларни навоийшунослик нуқтаи назаридан икки йўналишга ажратиш мумкин.

Адибнинг бир қатор публицистик мақола ва очерклари борки, улар моҳият эътибори билан Алишер Навоийга бағишланган эмас. Ҳамид Олимжоннинг «Ҳаёт дарёси» мақоласи шулар жумласидандир. Унинг яратилишига катта Фарғона каналининг барпо этилиши сабаб бўлган. Дарҳақиқат, ҳашар йўли билан ниҳоят қисқа муддатда ишга туширилган Катта Фарғона канали халқ қудрати, чексиз жасоратининг ёрқин нишонасидир. Ҳамид Олимжон ўша иншоот қурилишида қатнашган, ўзи шоҳид бўлган ҳаётий лавҳаларни қаламга олган. Мақоланинг ярмидан кўпи «Фарҳод ва Ширин» дostonи тафсилотлари баёнига қаратилган.

Алишер Навоийнинг бу шоҳ асаридаги «Наҳрул-ҳаёт» (Ҳаёт дарёси) ва «Баҳрул-нажот»нинг (Нажот денгизи) бунёд этилишига тегишли саҳифалар Ҳамид Олимжонга қўл келган. Мақола муаллифи Фарҳод ва халқ жасорати ўртасида монандлик кўради. Мақсад ва курашлар бирлигини таъкидлаш, Алишер Навоий буюклигини яна бир карра кўрсатиш имконини берди. Ана шу тариқа Ҳамид Олимжоннинг мақола ва нутқларида Алишер Навоийнинг нуроний сиймоси кезиб юради. Уларнинг мутолааси эса дил тубидан асосли бир хулосани юзага — тилга кўчиради. Ҳамид Олимжон вужуд-вужуди билан Алишер Навоийни севган, унинг ўлмас меросига эътиқод, ишонч билан қараган, бу ноёб хазинанинг тўла рўёбга чиқишига қаноат ҳосил қилган фидойи навоийшунослардан эди. Ана шундай жўшқин фидойилик адибнинг Алишер Навоий даҳоси тадқиқига бағишланган махсус асарларида янада ёрқинроқ кўринади.

Ҳамид Олимжон сиймосида Алишер Навоий адабий меросининг толмас тарғиботчиси, унинг нашр ва таржималарининг жонкуяр ташкилотчиси намоён бўлади. Таниқли совет адиби Н. Тихоновнинг Ҳамид Олимжон ҳақидаги хотираларида шундай жумлалар бор: «Ҳамид Олимжон Алишер Навоий шеърлари ва ҳаёти, излашилари, ижодининг поёнсизлиги ҳақида сўзлар эди. Лекин у узок ўтмишнинг улуг шоири тўғрисида ҳикоя қилар экан, ҳикоясига ўзидан янги-янги тафсилотлар қўшар, фактларни мантикий тўлдираар эдики, қаршимизда оламга тийрак кўзлари билан назар солувчи улкан санъаткор турганлигини, бу навқирон қалбда тугилажак ниятларнинг сон-саноқсиз эканлигини ҳис этиб, кўриб турардик. У ўзининг ва Навоийнинг шеърларини ўқир эди... У қалбан улкан шоир эди. Шундай шоирнинг Алишер Навоий юбилейини бошқариши кишини, айниқса қувонтираар эди»². Шунда самимий, мантикий асосланган ва ҳароратли дил сўзлари Мирзо Турсунзоданинг Ҳамид Олимжон ҳақидаги қайдларида ҳам кўзга ташланади. «У Навоийнинг душманга шафқатсиз бўлиш, Ватан ва халқни севиш ҳақидаги машҳур мисраларини кўзлари ёниб ўқирди»³.

Бундай ҳароратли дил сўзларини яна келтириш мумкин. Бироқ икки улкан совет адиблари эътирофларининг ўзи ҳам Ҳамид Олимжоннинг шу жабҳадаги

² Сен элимнинг юрагида яшайсан. Тошкент, 1973, 5-бет.

³ Ўша китоб, 24-бет.

фаолиятини атрофлича характерлай олади, деб ўйлаймиз. Бу ўринда бошқа бир гапни алоҳида урғу билан айтмоқ даркор. Н. Тихонов, М. Турсунзода ва яна кўплаб адибу бадий калом муҳиблари дилида Алишер Навоий меросига нисбатан юксак меҳр туйғулари пайдо бўлган экан, бунинг учун аввало Ҳамид Олимжонга ташаккур айтмоқ лозим. Чунки у ўзидаги ҳеч қандай ўлчов бирлигига сиғмайдиган муҳаббатнинг оташин ҳароратини бошқаларда ҳам бўлишини истади, шу йўлда умр сарф этди. Ҳатто Алишер Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўли ҳақида атрофлича тасаввур пайдо қилувчи кинофильм яратиш орзусида эди.

Юқорида таъкид этганимиздек, асримизнинг 40-йилларидаёқ Алишер Навоий асарларининг рус тилида жаранглаши, нашр этилиши ҳамда шоир таваллуди 500 йиллиги тантаналарининг Иттифоқ ва жаҳон миқёсида гавжум руҳ олишида ҳам Ҳамид Олимжоннинг сезиларли улуши бор. Қувончлиси шундаки, шеърятнинг улкан ва нодир сиймоси тўйига тараддуд кўришининг ҳамма лавҳасида ҳам Ҳамид Олимжон олдинги сафларда турган. Ана шу фикрни унинг Алишер Навоий адабий меросини ҳолисона тадқиқ қилишга йўналтирилган бир қатор илмий, илмий-оммабоп ишлари мисолида ҳам равшан кўришимиз мумкин. Шу нуқтаи назардан Ҳамид Олимжоннинг «Алишер Навоий ҳақида», «Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси», «Фарҳод ва Ширин» ҳақида», «Фарҳод ва Ширин» образлари ҳақида», «Ўзбек халқининг улуг шоири Навоий», «Навоий ва замонамиз» сингари ишлари унинг бу соҳадаги фаолиятининг асосини ташкил этади. Муҳими шундаки, Ҳамид Олимжон қаламига дахлдор ушбу мақолалар ўзбек навоийшунослигининг дастлабки йирик қадамлари саналади. Тўғри, гап ўша мақолаларнинг сони ва уларда Алишер Навоий адабий мероси айрим соҳаларининг биринчи марта қаламга олинишида ҳам эмас, балки амалга оширилган ижодий ишнинг сифати ва салмоғидадир. Шу жиҳати билан юқорида саналган мақолалар аҳамиятли⁴. Ҳамид Олимжон ўз олдида махсус илмий тадқиқот яратишни вазифа қилиб қўйган эмас. У — ижодкор. Унда ҳиссиёт баланд. Мавжуд адабий асарни баҳолашда ҳам шавқ, жўшқин

⁴ Ҳамид Олимжоннинг адабий жараён, навоийшуносликка доир ишлари ҳақида айрим мақолалар чоп этилган. Қаранг: Қосимов С. Ҳамид Олимжон адабий танқидчи сифатида.— Нафосат чашмаси. Тошкент, 1970, 76—88-бетлар; Воҳидов Р. Навоий даҳосидан илҳомланиб.— «Ёш ленинчи», 1984 йил 9 февраль.

туйғу устунлик қилади. Ана шундай ифода услуби унинг Алишер Навоий ҳақидаги илмий-оммабоп асарларида ҳам ёрқин кўзга ташланади. Аслида илмий асарни ҳиссиётдан ташқарида тасаввур қилишнинг ўзи баҳсли.

Ҳамид Олимжон ўзининг Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотларида янги ижтимоий тузум бағрида шакланган адабий-илмий талаблар доирасида муносабатда бўлади, маълум адабий муҳит ва давр хусусиятларидан келиб чиқиб, улуғ ўзбек шоири маънавий меросига ёндашади, уни тўғри ва асосли баҳолашга эришади. Ўзбек классик адабиёти, шунингдек, Алишер Навоий адабий меросини ўрганишга қаратилган ва асримизнинг 40-йилларида вужудга келган бир қатор илмий, илмий-оммабоп мақолаларда чиндан ҳам масалага бир ёқлама қараш, мавжуд адабий асарларни хиралаштириб баҳолаш ҳоллари кўзга ташланиб турарди. Ана шундай уринишларни биз кўпинча Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати, унинг ўзбек адабий тилини ривожлантиришга дахлдор фаолиятини ёритишга қаратилган айрим ишларда кузатамиз. Ҳамид Олимжоннинг Алишер Навоий ҳақидаги илмий-оммабоп мақолаларида эса бундай нуқсон учрамайди. Фикримизча, улкан тадқиқотчининг бу соҳада соғлом йўналишда туришида унинг марксча-ленинча эстетика назарияси ва амалиёти талаблари билан тўла қуролланганлиги қўл келган. Зеро, ана шу омил айрим олимлар қарашидаги иккиланишларнинг Ҳамид Олимжон адабиётшунослик ишларидан узоқлашишини таъмин этган. Чунончи, тадқиқотчи «Навоий — ўзбек тилининг яратувчиси» мақоласида улуғ ўзбек мутафаккирларининг форс-тожик адабиётига, унинг улкан сиймоси Абдурахмон Жомийга муносабатини холисона ва илмий ҳал этган. Айни замонда, у Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тилининг байроқдори сифатидаги фаолиятини меъёридан ошириб баҳолашдан сақлангани ҳолда, уни етилиб келган омиллар ва XV аср адабий муҳитининг оми, маҳсули тарзида тушунади. Эслатилган масалаларга доир Ҳамид Олимжон томонидан билдирилган фикрлар ҳамон ўз илмий қувватини сақлаб келаётир. Бу эса Ҳамид Олимжон илмий кузатишларининг яшовчанлиги, законлар талабига мос хизмат қилаётганлигидан дарак беради. Ҳамид Олимжон — катта истъедод соҳиби. Ўйрик совет адиби Николай Тихонов ибораси билан айтганда, қалбан шоирдир. Ҳаёт воқеа-ҳодисаларига, одамлар тақдирига қалбан ёндошиш,

катта ҳиссиёт ва учқур хаёл билан қараш заминиди бу фавқуллоҳда истеъдод соҳибининг сатрлари қуйилиб келади. Шу маънода, менга бу ноёб салоҳият соҳибининг аксарият шеърӣй мероси қуйма назмӣй дурдоналар бўлиб кўринади. Ҳамид Олимжоннинг илмӣй асарларини кўздан кечиран эканмиз, унда шоирлик ва олимлик фазилатларининг қоришиқ ҳолда келишини кўрамиз. Илм ва ижод оламида бундай ноёб хислат камдан-кам инсонларга насиб этади. Шу икки қутбни тенг олиб бориш эса санъаткордан катта маҳорат талаб қилади. Чунки шоирлик устунлик қилиб фикр сояда қолиши ва аксинча, олимлик ғалаба қилиб ўта илмӣйлик биринчи ўринга чиқиб олиши мумкин. Забардаст қаламкашларгина бу икки қутбни тенг кўриб, тенг бошқаришлари мумкин.

Ҳамид Олимжон адабиёт илмининг нозикфаҳм зукколарида бири эди. Шунинг учун ҳам унинг илмӣй мақолалари шеърдай оҳангдор, равон ва енгил ўқилади. Улардан ўқувчи бадийй завқ-шавқ ва билим олади. Шундай ҳолни биз оташнафас адибнинг Алишер Навоӣй ҳақидаги илмӣй-оммабоп мақолаларида ҳам кўрамиз. Унинг «Фарҳод ва Ширин» ҳақида» деб номланувчи тадқиқоти бу жиҳатдан характерли бўлиб, Ҳамид Олимжоннинг навоӣйшунослик соҳасидаги улкан кузатишларидан бири ҳисобланади. Адибнинг мазкур илмӣй мақоласи ҳажм жиҳатидан катта бўлишига қарамай, зўр ихлос билан ёзилган, силлиқ ва эҳтирос билан ўқилади. Бунинг боиси аниқ. Чунки у бадийй ва публицистик услубни омихта тарзда олиб борган. Сунъийлик, баландпарвозликдан сақланган ҳолда самимӣй, асосли, мантиқли ва равон мушоҳада юритади. Адабий парчаларни керагидан ортиқ қалаштириб ташлашдан сақланади, уларни саралайди, ўз нуқтаи назарига мосларинигина танлайди. Ўша сатрларнинг замонавий моҳиятига, маърифӣй аҳамиятига диққат қилади, давр манфаатларига хизмат қила олишга қодирларинигина мақоласига киритади.

Адиб таянган бундай услуб унинг тадқиқотларида сохта, сийқа, мантиқсиз хулосалар йўлини имкони борида беркитишга хизмат қилган. Ана шу гапни «Фарҳод ва Ширин» ҳақида» мақоласи хусусида ҳам айтиш мумкин. Ҳамид Олимжон — тафаккур доираси кенг тадқиқотчи. Бу ноёб фазилат унинг илмӣй кузатишларида ҳам ўзини кўрсата олган. Жумладан, адиб Алишер Навоӣйнинг «Фарҳод ва Ширин» поэмаси таҳлиliga киришар экан, унда ўртага қўйилган масалалар,

Милиция

олга сурилган ғояларнинг моҳиятига жаҳон адабиёти талаблари, умумбашарий муаммоларнинг ҳал этилиши нуқтаи назаридан қарайди ва баҳо беради. «Фарҳод ва Ширин»,— ёзади Ҳамид Олимжон ўша мақоласида,— жаҳон адабиётининг ўлмас мавзуларидан бўлган муҳаббат ва ҳаёт ҳақида куйлайди. Муҳаббат, ҳаёт ва ўлим мавзуи, инсон ва замон мавзуи, киши шахси ва жамият мавзуи доимо буюк санъаткорларнинг диққат марказида, бадий идеалларнинг марказида бўлиб келгандир» (V, 54-бет).

Ҳамид Олимжоннинг мазкур мақоласи ўзининг ҳажми жиҳатидан анча салмоқли. У яхлит илмий ишни эсга солади. Мақоланинг ички мантиқий қурилиши ҳам шундан далолат беради. «Фарҳод ва Ширин» Алишер Навоий «Хамса»сининг иккинчи достони. Анъанавий «Хамса»лар занжирида бу мавзуга мурожаат «Лайли ва Мажнун»лар номи билан боғлиқ афсонадан кейин етакчи ўринда туради. Аксарият қаламкашлар Хисрав, Ширин, Фарҳодларнинг ишқий саргузашти билан боғлиқ бу жонсиз ишқнома-меҳнатномани четлаб ўтолмаганлар. Мавзунинг «назм силки»га тортилиши ўлмас Фирдавсий ва унинг «Шоҳнома»сидан бошланади. Ҳамид Олимжон мақоласида ҳам гап ана ўшандан ибтидо топади. Бу қадимий ишқий саргузаштнинг илдизлари халқ оғзаки бадий ижодига бориб уланади. Ҳамид Олимжон ҳам бу ҳақиқатни четлаб ўтмаган. Икки-уч жумлада мавзунинг пайдо бўлиши ҳақида фикр юритгач, унинг ёзма адабиётга кўчиши, «Шоҳнома»да ишланишига доир мулоҳазалар ўртага ташланади. Тадқиқотчининг мушоҳадалари сиқик. Албатта, у бир мақола доирасида бундан бешқача йўл тутishi ҳам қийин эди. Лекин у шу ифода услубига содиқ қолади. Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий поэмаларига доир дастлабки мулоҳазаларини баён этади. Бундай уриниш мақолада юзакиликнинг бирмунча кучайишига олиб келган. Аммо мазкур тадқиқотга бугунги кун савияси нуқтаи назаридан эмас, балки ёзилган даври талаблари, навоийшуносликнинг ўша йиллардаги аҳволи жиҳатидан қарайдиган бўлсак, Ҳамид Олимжон фойдасига хизмат қиладиган изоҳлар юзага келади. Шунинг учун бўлса керак, проф. С. Эркинов таҳлил этилаётган мавзуга доир йирик тадқиқотида Ҳамид Олимжоннинг «Фарҳод ва Ширин» поэмасига бағишланган мақолалари хусусида ижобий мулоҳазалар айтиш билан чекланади⁵.

⁵ Эркинов С. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. Тошкент, 1972, 8-бет.

Мақолада публицистик руҳ баланд. Адиб дoston ҳақида жўшқин кайфият билан сўзлайди. Алишер Навоий асари мазмунининг қисқача баёнига тўхталади. Ёрни-ёрни билан чоғиштира таҳлил услубига ҳам мурожаат қилиб туради. Таҳлил этилаётган мақола-нинг йирик илмий қимматида яна бири сифатида унда Алишер Навоийнинг ўз мактаби, услубига эга ижодкор сифатида таъкид этилишини кўрсатиш мумкин. Тўғри, масаланинг бу томони бугунги кун учун аҳамиятсиздай кўринади. Бироқ классик адабиётни, жумладан, Алишер Навоий қолдирган адабий меросни янгича қараш ва таълимотлар асосида изчил ўрганиш энди бошланаётган 30—40-йиллар учун эса Ҳамид Олимжоннинг бу фикри муҳим эди. Яна Алишер Навоий номидан «тақлидчи» ва «таржимон» тамгаси тўла олиб ташланмаган, соғлом навоийшунослик равон йўлга чиқиш бўсағасида турган бир вазиятда унинг ўзига хос қаламкашлигини таъкидлашнинг зарурияти ёрқин кўринади. Ана шу ҳаётий тақозони Ҳамид Олимжон ўз вақтида пайқаган ва уни илмий ҳал этган адабиётшунос сифатида гоят қадрлидир.

Ҳамид Олимжон Алишер Навоийнинг ноёб салоҳият эгаси эканлигини кўрсатишда гоят тўғри ва илмий йўлни танлаган. Муайян адабий лавҳа ва парчаларни таҳлил этиш, қиёслаш, ўхшашлик ва фарқли саҳифаларини ойдинлаштириш заминида лўнда, қимматли хулосаларни баён этган. Масалан, баҳсимизга асос бўлган мақолада гап фақат Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» поэмаси устида боради, деса адолатдан бўлмайди. Аксинча, танқидчи масалага жиддий назар солади. Алишер Навоий буюклигини кўрсатмоқ учун Фирдавсий, Низомий, Хисрав Деҳлавий сингари Шарқ халқлари адабиёт тарихида ёрқин из қолдирган даҳоларга муносиб баҳо беради, уларни улуғлайди. Қўлланган бундай услубни қўллаш даркор. Чунки унинг мустаҳкам пойдевори бор. Модомики, Алишер Навоий буюклар сафида экан, унинг ўзи ҳам ўша юксакликда туришга тўла лойиқ. Мантиқ шундай лўнда хулосага келиш имконини беради. Ҳамид Олимжоннинг Алишер Навоийга аталган мақолаларини кўздан кечиран эканмиз, уларнинг маъзида «Фарҳод ва Ширин» дoston туришига қаноат ҳосил қилдик. Бунинг боиси нимада?

Фикримизча, масаланинг бу қирраси ҳар бир шахснинг қизиқиши, дунёқараши, ҳаётий ва адабий ҳодисаларга муносабати, гўзаллик олами, нафосат дунёсига нигоҳи, завқи сингари турли хил омилларга узвий

боғлиқдир. «Фарҳод ва Ширин» достони Ҳамид Олимжонга манзур тушган экан, уйғонган бу меҳрнинг ундаги биз санаган ҳолатларга алоқадорлиги шубҳа туғдирмайди. Оташнафас шоир ҳақидаги кўп сонли хотиралар, ўзи боқий қолдирган маънавий хазина, ёзишмалар уни жўшқин табиатли инсон сифатида характерлайди. У вужуд-вужуди билан байналмилалчи эди. Дўстлик, қардошлик, аҳиллик, сулҳу амният Ҳамид Олимжон мисраларини жунбушга келтирувчи бош қон томиридир. Айтилганларга ишқу ошиқлик, севги-муҳаббат, садоқат ва вафо, поклик ва вафодорлик, жасорат ва фидойилик, мардлик ва қаҳрамонлик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, халқ ва халқпарварлик каби олий инсоний фазилатларни қўшмоқ жоиз. «Фарҳод ва Ширин» бу жиҳатдан ибрат мактабидир. Шунинг учун ҳам Ҳамид Олимжон бу асарни дилдан, тилдан, қаламдан туширмаган. У ҳақда айтган ва такрор-такрор ёзган.

«Фарҳод ва Ширин» достонида дўстлик шаънига айтилган мадҳиялар беҳад кўпдир. Халқ ва халқпарварлик ғояларининг тараннум этилиши нуқтаи назаридан ҳам мазкур асар «Ҳамса» достонлари ичида ажралиб туради. Асарнинг кенг оммалашуви сирларини ундаги айримларигагина айтилган фазилатлардан излаш жондир.

Ҳамид Олимжон Алишер Навоийнинг кўп сонли лирик мисраларини, шунингдек, «Фарҳод ва Ширин» достонидан катта парчаларни ёд билган ва лозим топилган пайтларда уларни мароқ билан айтган. У неча-неча туиларни бедор ўтказган, инжиқ араб алифбеси ва улуғ ўзбек шоири асарларини китобат қилган котибларнинг эътиборсизлиги туфайли туғилган машаққатларга бардош берган, дил қўри, кўз нурини тўккан. Ана шундай серзаҳмат меҳнатнинг меваси бўлиб, улуғ бобокалон шоирнинг сеҳргар сатрлари Ҳамид Олимжон шуурида, тафаккурида ўрнашиб қолган. Шоирдаги бу ҳавас қилса арзигулик фазилат кейинчалик заррама-зарра унинг илмий-оммабоп мақолаларига кўчиб борган. Бу жиҳатдан Ҳамид Олимжоннинг «Навоий ва замонамиз» мақоласи эътиборга лойиқдир. Мазкур мақола ҳажми жиҳатидан анча катта бўлиб (V, 27—48-бетлар), 1940 йилда ёзилган. Мақола улуғ ўзбек шоирининг 500 йиллик тўйига тўёна сифатида пайдо бўлган. Бунда муаллиф Алишер Навоий адабий меросининг бош мавзу ва ғоялари устида баҳс юритади, Навоий меросининг муҳим бир нуқтаси устида тўхталади. Характерлики, мақолани муҳим бир ғоя, мақсад

ва ният яхлитликка, мантиқий бутунлик томон тортиб туради. Бу ҳам бўлса, Алишер Навоий, унинг лирик мероси, «Хамса»си таркибидаги дostonларда кўтарилган ғоя ва мавзуларнинг жамиятимиз кишилари маънавий камолотида қай даражада хизмат қила олиши масаласидир. Дарвоқе, ҳар қандай бадий асар китобхоннинг тарбияси учун маърифий кўмак келтирмас экан, у ўликдир. Кўринадики, Ҳамид Олимжон ўзақ маънога ургу беради. Тадқиқотчининг бадий ижод оламидаги тажриба ва маҳорати, теран тафаккури зиммага олинган ўша оғир вазифани уддалаш имкониини берган. Яна муҳими, Ҳамид Олимжон Алишер Навоийнинг шеърий бўстонида ўз мақсад-муддаосига мос бўлиб тушувчи кўп сонли характерли мисраларни топган. Ҳамид Олимжон Алишер Навоий ижодида ватанпарварлик ғояларининг қуйланиши ҳақида мулоҳаза юритар экан, унинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжу гурбат ҳавас айлама (V, 45-бет).

Шубҳасиз, бу мисралар бугунги кун учун ҳам хизмат қила олади. Алишер Навоий назмий бўстонида танланган ибратли сатрлар шаънига айтилган жумлалар ўзининг теран маъноси, нишонга беҳато етганлиги билан диққатни тартади. «Дўстлик ва қаҳрамонлик,— ёзади Ҳамид Олимжон,— ҳақиқий одамлар учун зарур хусусиятдир. Дўстлар бир-бирларининг ишларини тугаллайдилар, бири бошлаб кетганини бири охирига етказди, бири яратолмаганини бири барпо қилади, бири тикламаганини бири ўрнатади... Навоий инсондаги муҳаббат, садоқат, вафо, дўстлик ва ботишлик хислатларини номардлик, икки юзламалик, қўрқоқлик, нодонлик ва хушомадгўйликка қарши қўяди ва сўнгиларни қарғайди» (V, 40-бет).

Кўчирилган парча ҳар икки жиҳатдан ҳам алоҳида эътиборга сазовор. Яъни ўртага қўйилган мавзуларга доир Алишер Навоий қарашлари ҳам, Ҳамид Олимжон ақидалари ҳам замонамиз учун долзарб ва катта тарбиявий моҳият касб этади. Хусусан, миллатлараро муносабатлар риштаси таранг тортилган, инсонлараро меҳр-оқибат тақчиллашаётган бир вазиятда ўша доно ўғитлар замондошларимиз фойдасига хизмат қилади. Ҳамид Олимжоннинг навоийномамиз саҳифаларини бойитишга хизмат этувчи мақолаларида бундай ўринлар беҳисоб. Суюкли адибнинг навоийшунос-

ликка қўшган улкан ҳиссаси ҳақида гап борар экан, унинг яна бир фазилатини таъкидламоқ лозим. Маълумки, Ҳамид Олимжон Алишер Навоий ижодиётига доир ўнга яқин мақолалар ёзган, чоп эттирган. Аммо адиб шулар билан ҳам қаноатланмаган. У Алишер Навоий асарларининг қардошлар диёрида шуҳрат топишини истаган. Ундан зиёд катта-ю кичик мақола ва нутқларини рус тилида тайёрлаган. Улардан аксарияти ўша йилларда босилиб чиққан эди. Ўша мақолалар шоир «Мукаммал асарлар тўплами»да тугал ҳолида (IX, 45—108-бетлар) нашр қилинган.

Ҳамид Олимжоннинг навоийшуносликка оид кузатишлари айрим нуқсонлардан ҳам холи эмас. Биз айни бир фикрнинг мақоладан мақолага қўчганлигини кўраемиз. Алишер Навоийга ўта маҳлиёлик оқибатида адабий заминдан узилган мулоҳазалар ўқувчи ҳукмига ҳавола қилинади. Фикрдан ҳис-ҳаяжон баланд келган саҳифалар учрайди. Айрим парчалар таҳлилида замондан узилиб қолиш ҳоллари кузатилади. Лекин улуг ўзбек шоири адабий-ижтимоий фаолиятини яхлит баҳолашда Ҳамид Олимжон соғлом мушоҳада юритди, тўғри, илмий асосланган мулоҳазаларни ўртага қўйди. Кейинги йилларда Ҳамид Олимжоннинг шахсияти, адабиётшуносликка доир айрим ишлари ҳақида зиддиятли фикрлар баён этилди. Юз қатла шукрки, бундай дашномлар унинг Алишер Навоийга доир мақолаларга дахлдор эмас.

Бугунги кунда совет навоийшунослиги янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Совет олимлари томонидан буюк Алишер Навоий асарларини излаб топиш, илмий ўрганиш, имкони борича мукаммал ҳолида авлодларга етказиш соҳасида жиддий ишлар қилинмоқда. Совет навоийшунослигининг бундай улкан одимларини таъминлашда оташнафас шоир, ноёб талант эгаси, улкан жамоат арбоби, адабиётимизнинг теран тадқиқотчиси Ҳамид Олимжоннинг таъкидлашга сазовор хизматлари борлиги ғоят қувончлидир.

НАВОИЙНИНГ РУҲИ БАРҲАЁТ...

Самарқанднинг муҳташам Роҳистон майдони тумонат одам билан гавжум. Ҳамма ўз ташвиш-тараддудлари билан банд. Одамлар ҳаракатида безовталиқ. Инсоннинг табиати қизиқ. У ҳамиша шошилади, югуради, елади. Инсон орзулари чексиз. Бири ушалса, бошқаси кўндаланг бўлиб туради. Ўша ниятлар оғушида умр кечганини сезмай қоласан, киши. Улар сени ҳушёр торттиради, тинимсиз ҳаракатга солиб туради. Бугунги Роҳистонда ҳам ўша таниш манзара ҳукмрон. Фақат Чорсу савдо растасининг ташқи қиёфасида сокинлик. У «Шердор» мадрасасининг ложувард деворларига нималарнидир уқтираётгандай... Гўё ягона оқим — бош йўл вужудга келади. Серқатнов катта ҳаёт йўлининг икки томони — икки дунё манзарасини кўз-кўз қилади. Бир ёнда кўҳна тарих шоҳидлари — сокин, салобатли, бағрида не-не асрорлар яширин мадрасалар. Иккинчи тарафда осмонўпар ҳашаматли иморатлар виқорли турибди. Улар юзма-юз туну кун сирлашади. Тарих зарварақларини очиш, унинг қават-қаватларига нигоҳ ташлаш, гоҳ майин, гоҳ мунгли ҳикояларини тинглаш нақадар мароқли. «Улуғбек», «Тиллакори», «Шердор» мадрасаларининг саргузаштлари... Ахир, аجدодларимиз ақлу заковатининг тимсоли бу қадимий обидалар мўъжизанинг ўзгинаси-ку! Уларнинг ёнидан ҳайрат-ҳаяжонсиз ўтишни тасаввур қилиш қийин. Уларда Қозизода Румий, Улуғбек Мирзо, Али Қушчи, Аълоий Шоший, Фазлуллоҳ Абуллайсий, Нуриддин Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Шайхим Суҳайлий сингари юзлаб забардаст олимлар, мударису шоирлар, мураббий ва арбобларнинг муборак қадамлари муҳрланган. Ер юзининг сайқали — нуроний ва навқирон Самарқанднинг сийнаси гул ғунчасини эслатади. Унинг қават ва қатламлари бағоят кўп. Очганинг сари сирлар хазинаси қалашиб келади. Та-

рих даракчиси — Роҳистонга уланадиган шарқона расталар, йўлақлар бағрида ҳам буюк аждодларимизнинг табаррук хоки пойи қолган. Бу йўллардан йигит ёшидаги Алишер Навоий юрган... Гавжум Роҳистоннинг мағрибида мўъжазгина кинохона жойлашган. У ҳазрат Алишер Навоий номи билан юритилади. Томошахонадан шимоли-ғарбга қараб юрилса, Самарқанднинг қадимий Алишер Навоий юрган расталари бошланади. Шилдираб сув оқаётган ариқ ёқалаб ётқизилган равон йўлдан баланд қоматли, озғинроқ, ўйчан, нигоҳлари дилкаш ва самимий бир киши эҳтиётлик билан юриб келмоқда. Унинг кийиниши одми. Ортиқча салобатдан холи. Одамлар билан муомаласида табиий назокат мужассам. Хоксорона рафторгина уни бошқа йўловчилардан ажратиб кўрсатади. Ҳамиша чуқур хаёл оғушида юрадиган бу инсон ҳозир нималар ҳақида ўйлаётган экан? Кўп сонли шогирдларига Алишер Навоий ҳақида айтадиган сабоқи хусусида-ми? Эҳтимол, у улуғ ўзбек шоири ижодиётига доир номзодлик рисоласига нуқта қўйган навбатдаги шогирди тақдирини ўйлаётгандир. Вилоят, дорилфунун, кафедра, умуман маданий-адабий ҳаётга доир ташвишлар кам-ми?! Кичкина бўлса-да, тоза гапи бор бўлган илмий мақола ёзиб, уни талабчан ўқувчилар имтиҳонидан ўтказишнинг ўзи бўладими? Нашрга ҳозирланиши лозим матилар, янги мақола ва рисоалар, тақриз ва дарслар, суҳбат ва нутқлар... Буларнинг барчаси фикрлашни, хаёл суриш, ўйлашни тақозо этади. Ҳар бир ижодкор, олим ва санъаткорнинг изланишлари занжирида бош ҳалқа бўлади. Айни ўша ҳалқа унинг хаёлини ҳамиша ўзига тортиб туради. Муҳташам Самарқанднинг Набирахўжа Валихўжаев номидаги кўчасида истиқомат қиладиган бу донишманд инсоннинг илмий фаолиятидаги марказий нуқта эса Алишер Навоий ижодиёти масалаларидир. У айни кунларда улкан алломанинг беш ярим асрлик тўйи ташвишлари билан банд. Самарқандда бунёд этиладиган Алишер Навоийнинг уй-музейи, улуғ ўзбек шоири қадамжоларига қўйиладиган ёдгорлик лавҳалари, илмий анжуманларда айтиладиган гаплар, тўёна мақолалар. Буларни бекам кўст уддалаш ҳам фарз, ҳам қарз. Ҳазрати Алишер Навоийнинг ҳамиша барҳаёт руҳи олдидаги бурчдорлик олимдан шуни кутади. Яна устоди Воҳид Абдуллаевнинг сафда йўқлигини билдирмаслик масъулияти ҳам унинг елкасида. Ахир, унинг ўзи «Маҳбубул-қудуб»га аталган дарсида шогирдларини шунга ундаган,

Алишер Навоийнинг қуйидаги байти маъзини чақишга даъват этган эди-да!

Хақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.

1979 йилда таниқли олим Алибек Рустамовнинг «Навоийнинг бадий маҳорати» номли салмоқли асари босилиб чиқди. У ўз касбдошига китобини дастхат билан тақдим қиларкан, «олимларнинг ботири — Ботирхонга»,— деб ёзган эди. Уринли эътироф. Ботирхон Валихўжаев ўзининг теран тафаккури, чуқур илмий тадқиқотлари билан обрў қозонди. Олтмиш ёш бўсағасида турган олимни нафақат жумҳуриятимизда, балки унинг сарҳадларидан олисларда ҳам эътироф этишади.

Ботирхон домланинг илм оламида қозонган эътибори, тадқиқотлари олган баҳо фидойилик маҳсулидир. Улар мангуликка, боқий умрга дахлдор. Унинг қаламидан чиққан, заковатидан нур эмган мақолалар адабиётшунослигимиз равнақиға муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

У — ўзбек ва форс-тожик адабиётлари тарихи, адабий алоқа ҳамда ўзаро таъсир, бадий сўз санъатининг назарий муаммоларига доир жиддий тадқиқотларнинг муаллифи. У — ўзбек, тожик, рус тилларида бирдай фикрлайди, равон ёза олади. У — бағри кенг, эзгулик ва маърифат ёғдусига катта ишонч қўйган байналмилалчи олим. Устознинг ишхонаси ортиқча анжом ва ҳашамлардан холи. Ундаги жавонлар ҳам камтарона. Аммо бу хонада катта маънавий бойлик мужассам: нодир қўлёзмалар, тошбосма нашрлар, Шарқ халқлари адабиёти буюк сиймоларининг асарлари, илмий китоблар, журнал ва тўпламлар... Ботирхон домланинг иш столидан Алишер Навоий асарлари канда бўлган кун бўлмайди, десам, бунга ишонинг. Чунки қирқ йилдирки, у Алишер Навоий ҳақида ўйлайди, ёзади. Олим режаларининг марказида ҳам ўша улуғ сиймонинг нуроний қиёфаси туради...

МАЗМУНЛИ ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Ботирхон домланинг Алишер Навоийга доир тадқиқотларини бақадри ҳол таҳлил қилмоқчи бўлдим-у, иккиландим. Шундай қилинса, тузук бўлармикин, деган савол менга ором бермади. Узундан-узоқ мулоҳазалардан кейин бир қўнимга келгандай бўлдим. Устознинг

босиб ўтган ҳаёт йўли, адабиёт илми оламидаги заҳматлари хусусида фикр юритиш маъқул кўринди. Бундай уринишим Сизни қойитмас, азиз китобхон! Ботирхон домланинг таржимаи ҳоли ўзи сингари оддий. У Самарқанд шахрининг фарзанди. Ун ёшида, ўқувчи либосида Улуғ Ватан урушини пешвоз олди. Қувноқ болалик ўрнини жиддий эгаллади. Халқнинг бошига тушган кулфат, очлик, алам ва изтироблар уни ҳам ўз домига тортди. Меҳнат ва ўқишни ёнма-ён олиб борди. Адабиётнинг сеҳрли олами уни мафтун қила бошлади. Ботир Валихўжаев маърифатли хонадонда улғайди. Илк сабоқни падари бузрукворидан олди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Набирахўжа Валихўжаев ўз фарзандидаги салоҳиятни вақтида илғади. Ўзида бўлган шеър завқини ўғлига ҳам юқтирди.

Н. Валихўжаев Самарқандда маориф равнақини таъмин этишда умрини бағишлаган фидойи инсон эди. У узоқ йиллар давомида математикадан сабоқ берди. Аммо унинг шеърят билан машғулияти инқилобга қадар бошланди. Ўзбек ва тожик тилларида қалам юритди. Шеърларида «Хилъат» таҳаллусини қўллади. Унинг замондошлари ҳукмига ҳавола қилинган қалдирғоч тўртликлари 1916 йилга тўғри келади. У умрининг охиригача шеърят ва сўзшуносликни тарк этмади. Н. Валихўжаев Тожикистонда тайёрланган икки жилдлик «Фарҳанги забони тоҷикӣ» («Тоҷик тилининг изоҳли луғати»)нинг фаол муаллифларидан бири эди. Отадаги ноёб фазилатлар фарзанд табиатида такмилига ета борди. Ботирхон домла ҳам зиёли бўлди. Инсонни улуғлаш, замондошларга фақат яхшилиқни раво кўриш, уларни ардоқлаш, одобни яшаш мазмуни деб билиш Ботирхон домлага ота меросдир. Бундай фазилатлар Хилъатда мўл бўлган. У эзгулик уруғини нафақат фарзандлари балки кўп сонли шогирдлари дилига ҳам жо қилиб кетган. Бугун улар самара бермоқда. Халққа зиё таратган чароғбонни эли алқади у яшаган кўчани унинг номи билан аташди. Ҳар гал Ботирхон домла билан мулоқотда бўлганингда ундаги сўз билан ифодалаш қийин бўлган муомалани кўриб, дилинг ифтихорга тўлади. Шундай комил инсонга шогирд бўлиш бахти насиб этганлиги учун ҳам тақдирга шукрона айтасан.

Донишманд отанинг панду ҳикматларига амал қилган Ботирхон домла завол кўрмади. Обрў-эътибор қозонди. Халқи, ҳамкасблари, шогирдлари назарига тушди. У филология фанлари доктори (1968), профессор

(1971), СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1978), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), Бутунитифоқ шарқшунослар жамиятининг аъзоси (1982), Самарқанд Давлат дорилфунуни адабиёт кафедрасининг мудирини (1974 йилдан ҳозирга қадар) каби кўплаб илмий даража, унвон ва лавозимларга сазовор бўлди. Оддий талабаликдан бундай юксак чўққиларга чиқишнинг ўзи бўлмайди. Улар ортида фидойилик, катта меҳнат ва сабру бардош бор. Энг муҳими, Ботирхон домла ўша унвону мукофотлар ортидан қувган эмас, балки мукофоту унвонлар Ботирхон домлани топиб олган...

Устознинг илм даргоҳидаги фаолиятини саховатли деҳқонга қиёслашнинг келади. Ерига танти ва ҳалол меҳнат сарф қилган деҳқоннинг ҳосили мўл бўлади. У бировдан ҳадиксирамайди, тили қисик эмас. Шу фазилатлар Ботирхон домлада мужассам. Илм оламида шуҳрат изидан қувиб, шов-шувларга маҳлиё бўлган олим ҳосил ўрнида қоғоз қоралаб, юзи шувит бўлган «деҳқон»га ўхшайди. Фанга фидойилик қалб эҳтиёжи, ҳақиқий инсон учун довруғ эмас, сарфланган меҳнатнинг илмга қўшган ҳиссаси муҳим.

Ботирхон домла шуурида ана шу ақида муқим ўрнашган. У ўзи ва шогирдларига ўта талабчан мураббий, маромига етмаган ишни хуш кўрмайди. Баъзан шогирдни ишлатишдан кўра, унинг ёзганларини енгилелпи таҳрир қилиш осонроқ кўринади. Ботирхон домла асло енгил йўлни танлаган эмас. У шогирдларини маънавий чиниқтириш йўллари излайди, уларнинг ютуғидан беҳад қувонади. Марҳум Шарофиддин Шарипов домла раҳбарлигида тадқиқот олиб борди. Қисқа умри давомида илм фидойиси эканлигини кўрсата олди. Яхши мақолалар, мазмунли китоб яратди. Алишер Навоий номидаги музей илмий ходимлари ўртасида эътибор қозонди. Унинг «Лисонут-тайр»га бағишланган номзодлик рисоласининг муҳокамаси иштирокчиларда катта таассурот уйғотган. Шу йиғин иш раҳбарига миннатдорчилик мактуби йўллашга қарор қилган. «Совет навоийшунослигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган мазкур ишнинг юқори илмий савияда ёзилиб, муваффақиятли тугалланишида,— деб ёзилади ўша расмий мактубда,— бевосита раҳбарлик қилганингиз учун ва шундай истеъдодли шогирдни тайёрлаб унга мураббийлик қилганингиз учун музей илмий Кенгаши номидан Сизга самимий миннатдорчилик билдираман». Таассуфлар бўлсинки, бу қувончлар узоққа чўзилмади.

Шарофиддин навқирон ёшида бизни тарк этди, дилида тугилган орзулари билан ҳаётдан кўз юмди. Бу жудодикдан устознинг қанчалик изтироб чекканини айтиб адо қилиб бўлмайди...

Инсоннинг табиати ажиб бир мўъжизага ўхшайди. Уни тайёр қолипга солишнинг иложи йўқ. Чунки ҳар бир шахс бош йўлга ўз йўлагидан кириб келади. Яхшими, ёмонми, қатъи назар, ўз изини қолдиради, тақдир синовларига дош беради. Ҳаётининг маълум довонларида ўзига сарҳисоб беради, янги ҳаракат режаларини тузиб олади. Шу тариқа, умр деган оғир карвон йиллар ва йўллар оша силжиб туради. Олисда турган бир нур ҳамиша уни ўзига даъват этади... Ботирхон домла ҳам ўша эзулик, илм-маърифат ёғдуси сари тинимсиз интилади. Устозни излаиш, янги-янги ниятлар бағрида кўриш бизга ҳузур бағишлайди. Устоз қалам ва қоғоз билан сирлашади, ёвузликка қарши жанг очади, адабиётимиз тарихининг нурсиз саҳифаларига равшанлик киритади, шогирдлари учун янги, ҳали ҳеч ким айтмаган гап топади. Мутолаа, тафаккур уммонида сузиш, ақл тарозусида тортиш, ёзиш — булар Ботирхон домланинг ҳаракат дастури! Унинг ортида қолган изларига разм соларканмиз, қалбимиз беҳад ифтихор туйғуларига тўлади. Устозга ҳавас ва ҳаяжон билан боқамиз. Унинг қўша-қўша китоблар саҳифаларида қолган навқирон ёшлигининг зое кетмаганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Қирқ йилга яқин ҳаёт мазмуни шу асарларнинг ўзбеку тожик адабиётшунослиги хазинасига улуш бўлиб қўшилганлиги қувончли ҳолдир.

Шарқ халқлари адабиёти тарихи билан шуғулланишни зиммасига олган тадқиқотчи олдида жуда кўп талаблар кўндаланг бўлиб туради. Қадимий қўлёзмаларнинг инжиқликларига бардош бериш, тил билиш, ислом ва тасаввуф тарихидан хабардорлик, энг муҳими, шу соҳага юксак меҳр билан қараш, назмий нозикликларни ҳис эта олиш... Ана шу талаблар тақозосидан келиб чиққан ҳолда Ботирхон домланинг илмий фаолиятига назар ташланса, ижобий жавобларнинг қаторлашиб келиши намоён бўлади. Орадан ўтган йиллар давомида унинг ибратли инсоний фазилатлари, илм оламидаги ютуқлари ҳақида қизғин муҳокама-мулоҳаза юритувчи бир қатор қизиқарли мақолалар эълон қилинди¹. Олимнинг таржимаи ҳоли, асарларига

¹ Қаранг: Усмонов А. Боз як доктори фан.— «Ҳақиқати Ўзбекистон», 14 май соли 1968.

доир маълумотлар Ўзбекистон ва Тожикистонда чоп этилган қомуслардан ўрин олди². Олимнинг эллик йиллик тўйи муносабати билан эълон қилинган мақолалардан бирида ўқиймиз: «Ҳамиша тадқиқот иштиёқида ёниб, янгилик илинжида изланиш Б. Валихўжаевни адабий манбалар, ҳодисаларни Ўрта ва Яқин Шарқ адабиётининг умумий контексти билан узвийликда қараш, ҳам матншунослик, ҳам адабий-тарихий йўналиш ва ўзаро алоқа масалаларини чамбарчас боғлиқликда ўрганиш сари етаклади. Форс, араб, француз тилларини яхши билган олим совет ва чет эл тадқиқотчилари яратган ишлардан бохабар ҳолда жаҳон адабиётшунослиги талабларидан келиб чиқиб, қиёсий мулоҳаза юритиш заминидан сўз санъатининг ички хоссаларини очиб кўрсатишга муваффақ бўлади»³. Аслида Ботирхон домлага ҳалол обрў-эътибор келтирган, уни илмий жамоатчиликка таъинлаган асосий омиллар ҳам ана ўшалардир. Хизмат тақозосига кўра, Кобул дорилфунуни профессори Жалолиддин Сиддиқ билан суҳбат қуришга, Бухоро обидаларини кўрсатишга тўғри келди. Гап илмий маҳсул ҳақида кетганда, меҳмон бир йилда икки юз элликтагача иш чоп эттираганини айтди. Ростини мен жуда ҳайратга тушдим. Учрашувларимиздан бирида буни домлага айтдим. У киши мийиғида кулиб қўйди. Чунки сонга маҳлиёлик, маромига етмаган ҳар бир нарсани ўқувчи ҳукмига ҳавола қилиш яхши оқибатларга олиб келмаслиги тайин. Маҳсулдорлик сифат ва савия билан эгиз келган жойдагина фаннинг маълум тармоғи наф кўриши мумкин. Ботирхон домланинг шуурида муқимлашган ақидаси ана шундай ва у ҳамиша бунга қатъий амал қилиб келади. Шунинг учун ҳам олим бисотида ҳайратангиз даражадаги босилган ишлар йўқ. Унинг салкам қирқ йиллик илмий фаолияти сарҳисоб қилинадиган бўлса, 150 га яқин илмий иш ва 200 га яқин илмий-оммабоп мақолаларни кўрсатиш мумкин.

Ботирхон домланинг жумҳурият матбуотидаги қалдирғоч мақоласи 1953 йилда босилган. Олим гарчи бугун классик адабиёт тарихи мутахассиси сифатида танилган бўлса-да, унинг катта майдондаги биринчи

² Ўзбек совет энциклопедияси. 2-жилд. Тошкент, 1972, 601-бет; Энциклопедия советин тоҷик. Ҷилди I. Душанбе, 1978, саҳ. 579; Энциклопедияи адабиёти ва санъати тоҷик. Ҷилди I. Душанбе. 1988, саҳ. 317.

³ Комилов Н., Воҳидов Р. Саодатнинг калити.— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1982 йил 2 апрель.

қадами Абдулла Қаҳҳор ижодиётига тегишли эди. 1954 йилда «Шарқ юлдузи» журналида босилган мақоласида озар адиби Самар Вурғун адабий фаолияти ҳақида баҳс этади. Мазкур дадилларни келтиришдан мақсад рўйхатни бойитиш эмас, балки олим қизиқишлари доираси ҳақида мушоҳада юритиш, ўша мазмундор асарларининг байналмилал моҳиятини таъкидлашдир. Тадқиқотчи ҳамон тожик, ўзбек, рус тилларида, озар, форс-тожик, туркман адабиётлари хусусида, уларнинг ўзбек адабиёти билан қардошлик алоқалари борасида донишмандлик билан касбдошларига манзур мақолалар ёзиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, биродарлигимиз саҳифаларини янада нурлантиришга ҳисса қўшмоқда.

Бадий асар сингари илмий иш ҳам ўз муаллифининг фарзанди қаторида туради. Ўзини дунёга келтирган ижодкор руҳи, ақлу заковати, тафаккуридан озиқланади. Бунёдкор қалбнинг тафтидан ҳарорат олади. Муаллифнинг нимага қодир эканлиги унинг ёзганларида намоён бўлади. Шу маънода Ботирхон домла илмий асарларида закий, кенг қамровли, чуқур мулоҳазали, одоби юксак ва ўта андишали комил инсон сиймоси қўзга ташланади.

Шу нуқтаи назардан унинг «XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан» сарлавҳали йирик илмий тадқиқоти катта аҳамият касб этади. Тан олмоқ даркор, мазкур асар ўз муаллифини илмий-адабий жамоатчиликка янада кенгроқ таништирди. Фаннинг чинакам фидойиси, эътирофга молик салоҳият эгаси эканлигини намоён қилди. Тадқиқот яхлит, якунланган, бўлиқ хулосаларга бойлиги билан ҳам диққатни тортади. Унинг ўқувчи назарига тушадиган яна бир нуқтаси китобхонга тақдим этилган илмий умумлашмаларнинг етарли адабий парчалар билан далилланишидир. Олим юзлаб нодир қўлёзма манбаларга мурожаат этади, сарғайган саҳифалар бағридан маънавий жавоҳирот дурдоналарини излайди, уларни топади, сайқаллаб ўқувчиларига тухфа этади. Илмий рисолада фазилатлар ғоят сероб. Уларнинг ҳаммасини илғаш, ўшалар ҳақида мулоҳаза юритиш имкондан ташқари, албатта. Бироқ мазкур китобда умуман, олимнинг илмий бисоти ўртасидан бош қон томиридек ўтиб турадиган ўзига хосликни айтмай иложим йўқ.

Ботирхон домланинг илмий кузатишларида ҳалоллик, холисона ва беғараз мушоҳада юритиш майли баланд туради. Олимнинг қайси бир мақоласини қўлга

олманг, унда таҳлилга тортилган мавзунинг ўрганилиш тарихига мурожаат қилинганлигининг шоҳиди бўласиз. Тадқиқотчи ўтмишдошлари томонидан амалга оширилган ишларни эринмай йиғади. Мазкур мақолаларни синчковлик билан ўрганади, тасниф этади, ютуқ ва нуқсонларини одоб доирасида айтади⁴. Бундай мураккаб таҳлил жараёнининг илм учун қиммати нимада? Савол ўринли. Эслатилган ўрганиш услубининг қиммати эса бор. Ўтмишдошлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда ҳал этилган масалалар занжирининг ойдинлаштирилиши, ёритилиши зарур бўлган мавзуларни кўндаланг қилиб қўяди. Фақат шугина эмас. Маълум миқдорда мақоладан мақолага кўчиб юрувчи қарашлар, хулоса ва мулоҳазалар йўлини тўсиш имконияти туғилади. Яна адабиётшунослик оламида ўзаро ҳурмат, авлодлараро тарафайн самимият туйғусини шакллантириш, ҳар бир тадқиқотчига сарфлаган хизматига яраша тош қўйиш имконини ҳозирлайди. Таассуфки, кейинги йилларда бундай ҳалол услуб «Қизил китоб»дан жой олиш арафасида турибди. Шунинг оқибатида бўлса керак, қатор рисола ва илмий мақолаларда ўша адолат йўли кўзга ташланмайдди. У ёки бу мавзуга доир олдин фикр билдирган тадқиқотчилар хизматини муносиб тақдирлаш, ўшалар ҳурматини жойига қўйишдан кўра, у ёки бу масала таҳлили ва ечимиди кашшофликни даъво қилиш қабарикроқ кўринмоқда. Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида, жумладан, инсоният тақдири — турмушида ворисийлик, авлодлараро узвийлик, давомлилик ҳалқаси амал қилади. Бундай анъана адабиёт ва адабиётшунослик учун ҳам бегона эмас. Йиллар давомида тўпланган ўшандай муқаддас тажрибаларни асраш, адабиётшуносларнинг янги-янги авлодига уларни сингдириш шу соҳага меҳр қўйган, муттасил шуғулланувчи холис ниятли тадқиқотчилар зиммасидаги юксак бурчдир. Биз шунга эришсак, нафосат ҳақидаги илмда одиллик тантана қилади, фандаги шов-шувга маҳлиёлик, такаббурликнинг пайи қирқилади. Адабиётшунослик илми бундан фақат наф кўради. Айтилганларни рўёбга чиқариш учун Ботирхон домла ва унинг тенгдошларида йиғилган бой тажриба сабоқлари асқотади.

⁴ Валихўжаев Б. XV—XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан.— Ўзбек шеърини ва адабиётшунослиги тарихидан. СамДУ асарлари, 138-нашр, Самарқанд, 1964, 16—159-бетлар.

Мазкур тадқиқотда беш асрлик адабиётимизда адабий-танқидий қарашлар тараққиётининг ички қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда тегишли босқичларга ажратилган. Муаллифнинг адабий-танқидий қарашларнинг ифодаланиши «жанр»ларига доир илмий хулосалари мароқли. Аввало улар «фахрия», «кичик лирик парчалар», «илми одобга доир асарлар», «тазкира», «маноқиб — ҳолотлар», «таржималар ва солиштирма матн», «дебоча», «журнал ва газеталарда босилган мақолалар» тарзида тасниф этилади. Асарда ҳар бир жанрнинг назарий ва амалий жиҳатдан етарли асослаб берилиши унинг илмий моҳиятини янада оширган.

Ишда олимнинг тафаккур майдони кенг. Тадқиқотчи халқ оғзаки ижоди хазинаси, кўп сонли ёзма манбалар, XIX асрнинг иккинчи ярмидан нашр қилина бошланган мажалла ва рўзномалар бағрида яшириниб ётган далилларга мурожаат қилган. Шу йўсинда тадқиқотда кўпгина адабий ҳужжатлар йиғилган. Иш саҳифаларидан муаллифнинг омилкорлиги, маълумотномаларни қўллашда меъёрни ҳаминша диққат марказида тутишга интилиши яққол сезилиб туради. Рисола фазилатини оширган омиллардан яна бири сифатида чоғиштирма таҳлилга урғу берилишини кўрсатиш мумкин. Муаллиф ўз назарий қарашларини етарлича асослаш мақсадида форс-тожик, озарбайжон ва қатор қардош адабиётлар фактларига мурожаат этади, бой адабий парча ва маълумотлар йиғади, уларни қиёсий ўрганади. Адабий далиллар юзлашган, ақл мезони мувозанатини йўқотмаган саҳифаларда ўртага келадиган хулосалар шубҳага ўрин қолдирмайди. Асарда ёрқин кўринадиган фазилатлар сирасига Алишер Навоий даҳосига юксак муҳаббат балқиб туришини киритмасликнинг имкони йўқ.

Ботирхон домланинг мурғак қалбига Алишер Навоий маънавий меросига бўлган садоқат Хилъатнинг шеърий қироатлари орқали сингган. Бу гапни Шарқ шеърляти, қадимий қўлёзмалар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Чунки шоир халқи бисотидаги катта бойлик китобдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин!? Хилъат хазинасида ҳам ана шундай дурдоналар — нодир қўлёзма китоблар талайгина бор эди. Улар ота мероси сифатида Ботирхон домлада қолди. «Зар қадрига заргар етур»,— дейди доно халқимиз. Хилъатнинг бахти ва заковати шундаки, у бош ўғил дилида ўша ноёб асарларга бўлган чексиз иштиёқни, адабиётсеварлик завқини пайдо қила олди. Ботирхон домла Алишер Навоий

асарларини эски ўзбек ёзувида ўқиб саводини чиқарган. Унинг иш мизиди ҳамон сарғайган саҳифалар, биз унутишга улгурган ёзувдаги китоблар саф тортиб туради. Олимнинг яна бир бебаҳо хазинаси бор. Бу ҳазрат Алишер Навоий номидаги дорилфунун кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари бўлиmdir. Ботирхон домла бу мулк оталиғини жамоатчилик асосида ўз зиммасига олган. Уни янада бойитиш, мавжуд қўлёзмаларни авайлаб-асраш, кўрсаткичини тузиш ва нашр этиш фидойи олим ўҳдасида. Бу даргоҳдаги анчагина кўҳна китоблар Алишер Навоий асарларидир. Уларнинг меҳриғиси зукко олимни чорлайди, унга зарофат бағишлайди. Олим тинимсиз ўқийди ва ёзади. У нима ёзган бўлса унинг ёзишмаларида Алишер Навоий руҳи кезиб юради. Таҳлил этилаётган рисола мисолида ҳам шу фикр далилини кўришимиз мумкин. Асарда халқимиз адабий-танқидий қарашлари равнақида Алишер Навоий фаолияти ва унинг даври алоҳида босқич сифатида ажратилган. Муаллиф бу борада тўла ҳақ. Чунки Алишер Навоий ўзининг серқирра ижодиёти билан ўзбек адабиётини шундай бир юксакликка кўтарадик, ҳамон у чўққи орзу ва интилиш нуқтаси бўлиб келади.

Олим тадқиқотида Алишер Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари «Бадий сўзнинг ижтимоий функцияси, мазмуни ва формаси тўғрисида Навоийнинг мулоҳазалари», «Навоий ва адабий мерос масаласи», «Алишер Навоий ва замондошлари», «Навоийнинг «Мажолисун-нафоис»ида адабий-танқидий ақидалари», «Мажолисун-нафоис»да шоирнинг ижодий ва ахлоқий қиёфаси масаласи», «Мажолисун-нафоис»да бадий маҳорат масаласи» каби мавзуларга бўлиб ўрганилади. Ҳар бир масалага доир талқинлардан сўнг ўртага қўйилган ва атрофлича таҳлил этилган адабий маълумотномалар табиатига мос мантиқий пишиқ хулосаларга келинади. Ботирхон домла ўз ифода услубини шакллантириб олган тадқиқотчи. Унинг илмий мақола ва китобларини кузатиб борган ўқувчи бундан юракдан ҳис этади. Олимнинг фикрлари ва ёзиш услубида рус шарқшунослик мактаби сабоқларининг чуқур из қолдирганлигини сезиш қийин эмас. Айтилганларни фикр баёнида академизмга роя қилинишида, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларнинг атрофлича ёритишга уринишида, хулосаларни кўламли ва мантиқий асослашда, юқорида таъкид этилгандай, ўзига қадар бунёдга келган ишларни қадрлашда равшан кўришимиз мумкин. Булар Ботирхон домланинг ишлари-

даги сокинлик, ётиғи билан ўз фикрини айтиш, ортиқча дабдабадан сақланиш имконини берган. Айни фазилатлар унга ҳалол қадр-қиммат, касбдош ва сафдошлар даврасида обрў-эътибор келтирди.

70-йилларда жумҳуриятимиз катта шодиёнанинг шоҳиди бўлди. Аниқроғи, тўйбошилиқ қилди. Илму урфон, санъат ва маданият маскани, не-не алломаларнинг юрти — жаннатмакон Самарқанднинг 2500 йиллиги нишонланди. Шу воқеа сабаб бўлди-ю, ниҳоятда кўп хайрли ишлар амалга оширилди. Кўплаб мазмундор, ажойиб асарлар яратилди. Она Самарқанд бағрида пинҳон маънавий маъданларнинг эшиги очилди. «Асрлар нафаси» асари ҳам ўша улкан тўйга тўёна сифатида яратилди. Рус тилида бунёд этилган тадқиқот ўқувчилар томонидан самимий кутиб олинди, Самарқандга ташриф буюрган меҳмонларга туҳфа этилди. Валихўжаев мазкур асарни устози академик В. Абдуллаев билан ҳамкорликда яратди⁵. Китоб беш қисмдан таркиб топган. Унинг марказида Самарқанд кўҳна Машриқнинг қадимий маданий-адабий марказидир, деган бош ғоя туради. Китоб саҳифаларида муаллифларнинг мақсади амалга ошган. Юзлаб донишманд самарқандликларнинг табаррук номи тирилтирилган. Олимлар тарих, адабиёт, тил, мусиқа, санъатнинг яна қатор турлари тадқиқотчилари зиммасига масъулият юклаганлар. «Асрлар нафаси»нинг келажакда яратилиши муқаррар бўлган жуда кўплаб илмий изланишларга хамиртуруш бўлиши ҳар қандай шак-шубҳадан холидир. «Асрлар нафаси»да кўзга яққол ташланадиган яна бир нуқтани алоҳида урғу билан айтмоқ даркор. Асар икки забардаст навоийшунос олимнинг қаламидан дунёга келган. Шундай экан, унда улуг ўзбек шоири ижодиётининг четлаб ўтилиши мумкин эмас эди. Дарвоқе, шундай. Устоз ва шогирд ҳазрат Алишер Навоий ҳақида, айниқса, унинг Самарқанддаги фаолияти хусусида (94—114-бетлар) мароқ билан қалам юритганлар. Китобнинг улуг ўзбек шоирига бағишланган саҳифаларининг иккинчи қисми Самарқандда навоийшунослик ва бу хайрли иш билан шугулланган олимлар ҳақида баҳс этади. «Асрлар нафаси»да рўйхати берилган олиму шуаро, мударрису муаррих, мусиқа илми сардафтарию санъат фидойилари аксарияти

⁵ Абдуллаев В. А., Валиходжаев Б. Н. Дыхание веков (Этюды о науке и литературе дореволюционного Самарканда). Самарканд, 1970.

нинг Алишер Навоий тақдири билан у ёки бу миқдорда алоқадорлиги бор. Хуллас, мазкур асарда ҳам улуғ Алишер Навоийнинг уйғоқ руҳи кезиб юради...

Ушбу мазмунли китоб офтобдан узилиб тушган бир тарам ёғдуга ўхшайди. Қуёш нури башарият йўлини мунаввар этса, яхши китоб ҳазрати инсон қалбида маърифат машъалини ёқади, унинг онги, шуури ва тафаккурига ноёб жавоҳирот қўшади, эзгулик, поклик ва истиқболга ундайди.

Б. Валихўжаевнинг «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» асари ҳам китобхон қалбида янги олам кашф этди, унинг тафаккурини янги билим дурдоналари билан бойитди, Шарқ халқлари адабиёти тарихи тўғрисидаги тасаввури уфқларини янада кенгайтди, тиниқлаштирди. Булар ўз-ўзидан вужудга келган эмас, албатта.

«Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» китобининг биринчи бўлимида поэма жанрининг пайдо бўлиши тарихи, шаклланиш йўллари, тараққиёт босқичлари, даврлаштирилиши, асосий хусусиятлари, таснифи ва номланиши каби қатор масалалар ўртага қўйилади. Олим ана шу муаммоларни ҳал этишда турк, форс-тожик, ҳинд, араб адабиётларидан олинган адабий далилларга таянади. Ўртага қўйилган мавзуларни ойдинлаштириш мақсадида туркий халқларнинг энг қадимга ёзма ёдгорликларига ҳам мурожаат этади. Улардан мақсадига мувофиқ мисоллар топади, чоғиштиради, таҳлил этади ва шулар асосида зарур илмий хулосаларга келади. Натижада эпик поэзиямиз илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалиши, унга хос хусусиятлар Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғотит турк» ва Ўрхун-Енисей, руний ёдномаларида ҳам мавжудлиги исбот этиб берилади. Бу билан классик адабиётимизнинг энг қадимий ва улкан жанри саналган поэманинг пайдо бўлиш сабаблари хусусидаги айрим бир томонлама фикрлар рад этилади. Шу жиҳатдан олимнинг қуйидаги фикрлари характерлидир: «Туркий халқларнинг қадимий адабиётида эпик поэзия «этук», «ўткунч», «сов» номлари билан аталган ва улар ҳам, ўз навбатида, турли характерга эга бўлган, жумладан, қаҳрамонлик совлари, маиший ва дидактик совлар...». Олимнинг бу таъкидидан туркий халқларда қадимда нафақат эпик поэзиянинг бор бўлганлиги, балки у ғоявий йўналиши, мавзулари жиҳатидан тасниф этилганлиги ҳам маълум бўлади. Китобда этук, ўткунч, сов, қисса, нома, достон, маснавий атамаларининг пайдо бўлиши, луғавий маъ-

носи, хусусиятлари ҳақида айтилган фикрлар адабиёт-шунослигимиз хазинасига қўшилган дурдоналардир.

Маълумки, ўзбек классик адабиёти тарихида поэмачилик равнақи Алишер Навоийнинг табаррук номи билан боғланади. Улуғ ўзбек шоири ўз адабий фаолиятида туркий адабиётнинг шу жабҳадаги тажрибаларини ҳисобга олди ва ўз даҳоси билан ғоят баланд поғонага кўтарилишга муяссар бўлди. Айниқса, бир-бири билан мантиқан узвий боғланган поэмалар туркуми — «Хамса»ни бунёд этиш туфайли ўзбек классик адабиётига жаҳоний нуфуз келтирди. Мураккаб фалсафий масалаларни бадий, гўзал қилиб ифодалаш бахти ҳам Алишер Навоий зиммасига тушди. Унинг фалсафий масал-достони «Лисонут-тайр» ўша йўлда қўйилган ғоят жиддий қадамдир. Бунда тасаввуфнинг ниҳоят чигал ва мураккаб муаммолари навоиёна завқ, теран тафаккур билан ҳал этилади. Алишер Навоий поэмачилик соҳасида ҳам сабоғи аср-асрларга татигулик мактаб яратиб қолдирди. Асарда масаланинг ана шу нозик жиҳатлари бағоят зукколик билан инobatга олинган. «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» китобининг дебочасидан хотимасига қадар бўлган масофани Алишер Навоий нигоҳи нурлантириб туради. Нафаси руҳ бағишлайди. Зеро, асар муаллифининг ўзи ҳам ўша табаррук нафасу руҳдан холи эмасдир...

Академик Воҳид Абдуллаев масъул муҳаррирлигида босилиб чиққан «Ўзбек эпик поэзияси тарихидан» китоби нафақат ўзбек классик адабиёти, балки Шарқ халқлари адабиётлари тарихи тараққиётининг кўпгина масалаларини тадқиқ этишга катта ёрдам бера оладиган асар сифатида эътиборга лойиқдир.

«Адабиёт тарихида Саъдий («Бўстон»), Алишер Навоий («Хамса», «Лисонут тайр»), Абдурахмон Жомий («Ҳафт авранг»)лар ижодида мавжуд бўлган кичик ҳажмдаги маснавий-ҳикоялар ўзбек демократик адабиётининг ижодий методига мувофиқлаштирилган ҳолда майдонга келди⁶. ...Бу ҳол эса Мирийнинг устози Алишер Навоийнинг бадий асарларида психологик тасвирнинг (дард, сўз) кучли бўлиши лозимлиги тўғрисидаги қарашларга амал қилганидан далолат беради⁷. Кўчирилган бу икки ихчам иқтибос олимнинг навбатдаги китобидан олинди. Қизиғи шундаки, парчаларнинг

⁶ Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Мирий ва унинг замондошлари. Тошкент, 1977, 12-бет.

⁷ Ўша асар, 130-бет.

бири асарнинг муқаддима, иккинчиси хотима қисмидан келтирилди. Мазкур китоб XIX асрда Каттақўрғон атрофларида яшаб фаолият кўрсатган Очилдимурод Мирий (1841—1899) ҳаёти ва ижоди таҳлилига аталган. Гарчи китоб матни мағзида Мирий адабий мероси таҳлили турса-да, асарнинг деярли ҳар бир саҳифасида Алишер Навоийнинг номи, унинг шаънига айтилган меҳрли сўзларга дуч келиш мумкин. Бундай ҳодиса ўрганилаётган адабий маълумот ва асарларнинг ички мантиқидан келиб чиқади. Сунъийликдан батамом холидир.

Маълумки, Алишер Навоий вафотидан кейин адабий ҳаётда унга издошлик қилиш ўзига хос қутлуг анъана тусини олди. Ҳамма даврлар ва адабий муҳитларда ана шундай хайрихоҳлик амал қилиб келди десак, асло муболаға бўлмайди. Очилдимурод Мирийнинг ўша сафда камарбаста турганлиги, поэмачиликни ривожлантиришда Алишер Навоийга пайравлик қилганлиги қувончли ҳолдир.

ЭЗГУЛИК — СЎЗ ЖАВҲАРИ

Алишер Навоий ўзининг туркий тилда ёзган лирик шеърларидан бунёдга келган йиғма девонини «Хазойинул-маоний» атаб сира янглишмади. Унинг ҳар бир асари бир хазина, ҳар бир сўзи ўша маҳзанни дунёга келтирувчи жавоҳиротдир. Ҳали бу баҳри кабирнинг бағрида қанчадан-қанча дурру гавҳарлар ўз гаввослари — талабгорларини кутмоқда. Алишер Навоийнинг буюклиги шундаки, у сўз қудратини юксак даражада қадрлади, унинг мағзида мазмун жавҳар бўлиши, эзгулик ва инсоният учун хизмат қилиши зарурлигини тўғри илғади, бу борада башоратлар қила олди. Сўзни инсониятнинг олий белгиси, зебу зийнати деб билган улуг ўзбек шоири бутун онгли фаолиятини шу йўлда хизмат қилишга сарфлади. Бу борадаги айрим қарашларини «Ҳайратул-аброр» достонида ифодалаб берди.

Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,
Гулшани одам самари сўз дурур.
Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,
Яхши керак кўнглида андешаси⁸.

Жавҳари йўқ сўздан не фойда? У кимга манзур бўли-

⁸ Алишер Навоий. Хамса, Тошкент, 1960. 104-бет. Бундан кейинги парчалар ҳам шу нашрдан олинади ва саҳифалари матндан кейин қавс ичида берилади.

ши мумкин? Ҳеч кимга! Модомики, сўз гавҳар экан, у инсониятга наф келтириши, унинг умр йўлини нурлантириб туриши шарт.

Сўз — кураш, сўз — адолат, сўз — истиқболга интилиш, сўз — маҳбубага рози дил айтиш; сўз — жасорат ва мардлик, меҳнат ва фидойиликка ундаш; сўз — диллар қулфини очишда калит, сўз — гўзаллик, нафосат, меҳр, оқибат, самимият даракчиси; сўз — шеърят, сўз — бадий калом дояси, сўз — қаҳру ғазаб, дарду изтироб, нафратни ифодалаш воситаси... Сўз талқинини яна ва яна чўзишнинг имкони бор. Аммо унга зарурат йўқ. Негаки, улуғ шоирнинг ниятлари кундай равшан. Жамият ва табиатдаги ҳамма нарса, жумладан, сўз ҳам инсоният равнақи йўлида хизмат қилиши лозим. Айни лўнда умумлашма Алишер Навоий бадий каломининг ҳам жавҳаридир.

Улуғ шоирнинг ўзи эса бадий сўз мулкининг бетакрор жавҳаршуносидир. Унда шундай юксак қобилият бор эдики, «Маликул-калом» — Мавлоно Лутфий, сарбадорларнинг журъатли шоири Мир Шоҳий, фасоҳатли сўзшунос Мавлоно Сайфий Бухорий, маънавий пир, нақшбандияликнинг XV асрдаги улуғ пешвоси, бадий сўз қутбларини самовий кенгликларга чиқара олган Нуриддин Абдурахмон Жомий, «ёри азиз», «ҳар ниҳон нуктада ҳамроз» Амир Шайхим Суҳайлий, саркарда, давлат ва жамоат арбоби, сўз санъати фасоҳатини намойиш қила олган адиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари даҳоларни қадрлай билди. Улар билан юзмаюз мулоқотда бўлди, ёхуд қалам ва қоғоз кўмагида сирлашди. Алишер Навоий ва унинг даҳоси ҳақида гап кетар экан, унинг ана шундай давradoшлари — устоз, шогирд, сафдош ва издошлари ҳақида хомуш қолишнинг иложи йўқ. Шундай қилинганда, навоийшуносликда адолатсизлик, кемтиклик вужудга келган бўлур эди. Энг муҳими, Алишер Навоий маънавий хазинасининг теран томирларини аниқлаш имкониятидан маҳрум бўлинарди.

Навоийшунослигимизнинг ютуғи шундаки, ана ўша ҳақиқат ўз вақтида пайқалди ва шу йўналишдаги вазифалар тўғри белгилаб олинди. Улуғ ўзбек шоирининг адабий муҳити, устоз ва замондошлари билан алоқаси манзараларини ойдинлаштиришга хизмат қилувчи талайгина сара асарлар яратилди ва эълон қилинди. Шу нуқтаи назардан масалага нигоҳ ташланса, «Навоий ва адабий таъсир масалалари» (1968), «Навоий ва ижод сабоқлари» (1976), «Алишер Навоий

«Хамсаси» (1985) каби етук адабиётшунос олимлар ҳиммати билан рўёбга чиққан бақувват тўпламларнинг нашр этилиши олқишга сазовордир.

Ботирхон домла адабиётимиз тарихининг қайси даври ҳақида ёзмасин, унинг асарларида иккита чўнг қоя кўзга ташланади. Адабий ҳаётдаги барча ҳодисалар ўша қоялар атрофидан айланади, хулосалар ҳам ўша марказга уланади. Олим шуурини оҳанграбодек ўзига тортувчи бу муқаддас нуқталар — Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ижодиётидир. Чунки форс ва турк тилларидаги адабиётларнинг барча фазилатлари шу икки даҳо сўз санъаткори адабий меросида муҷассамдир. Олим ўз вақтида ғоят ўринли белгилаб олган ўша нуқта чоғиштирма таҳлил, адабиётлараро алоқа ва ўзаро таъсир муаммоларини илмий ҳал қилиш қалитини ҳам беради. Ботирхон домла аксарият илмий мақолаларининг адабий қардошлик мавзуйига тааллуқдорлигининг изоҳлари ҳам шундадир. Олим икки халқ, икки адабиёт ўртасида ҳамиша муштараклик борлигини сезади, уларни баробар кўради. Биродарлик, инсоф, имон ва адолат туйғуси олим илмий кузатишларининг тамал тоши, Хоразмий ибораси билан айтганда, «маҳаки имтиҳон»и бўлиб хизмат қилади. Ботирхон домла учун ҳар иккала адабиёт ҳам ўзиники. Чунки у ўша адабиётларни бирдай севади, чуқур билади, тадқиқ этади. Мир Шоҳий Сабзаворий, Амир Шайхим Суҳайлийлар ҳаёт ва ижод йўлларида доир дастлабки жиддий илмий мақолалар ҳам Ботирхон домла томонидан яратилган. Шу мақолаларни кузатар эканмиз, уларда рус шарқшунослигида, Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон ва Эронда зикри ўтган қаламкашларга доир билдирилган мулоҳазаларнинг инobatга олинганлигини кўрамиз. Бундай ютуқ ўз-ўзича келмайди, албатта. Бунинг учун бардош, қунт, сабот, фидойилик, заҳматкашлик даркор.

XI аср адабий ҳаёти манзаралари фақат бадий калом тараққийси билан эмас, балки илми адабнинг равнақи жиҳатидан ҳам диққатни жалб этади. Бу борада Ҳусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Ҳусайний, Сайфий Бухорийлар пешқадамлик қилганлар. Муҳими шундаки, мазкур адибларга Алишер Навоийнинг назари тушган ва улар асарларининг дунёга келишида унинг мураббийлик ҳиссаси бор. Илми арузда Дарвеш Мансурдан сўнг рисола ёзган Сайфий Бухорийдир⁹,

⁹ Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис»да Дарвеш Мансур

Шарқ халқлари адабиёти назарий масалаларига ҳамиша таважжуҳ қилиб келган Ботирхон домла Сайфий тақдири билан қизиқиб қолди. Айниқса, унинг аруз илми таҳлилига доир рисоласи олим нигоҳини тортади. Унинг Сайфий Бухорий ғазалиёти ва аруз рисоласига доир мазмундор мақолалари бунёдга келди. Аммо Сайфийнинг мураккаб тақдири бой ва гўзал ижодиёти ҳамон адабиётшуноснинг эътиборида. Ботирхон домланинг бу шоир ҳақида қилган ишларидан кўнгли ҳамон тўлгани йўқ. Чунки Сайфий Бухорий ўзининг ноёб шеършунослик фазилати, ҳамиша янгиликка интилиш майлига мойиллиги билан Алишер Навоий ҳурматини қозонган. Майхўрликка ружу қилиши билан эса улуг ўзбек шоири танқидига, ҳақли эътирозига сазовор бўлган.

Кўринадики, табиат Сайфийдан меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам дариг тутмаган. Ана шу икки бир-бирига қарама-қарши қутб ўртасида шаклланган шоир ўз даври адабий муҳитида ўчмас из қолдирди. Касб-ҳунар аҳлини улугловчи ғазаллар девонига тартиб берди. Унинг бундай ҳаракати форс-тожик адабиёти тарихида таъкидга сазовор янгиликдир. «Рисолаи аруз»и ҳам ўтмиш ва ҳозирги арузшунослар тилидан тушмай келади. Сайфий салоҳияти адабий ҳаёт учун нодир ҳодиса бўлмаганда, Алишер Навоий у ҳақда бу қадар куйиниб ёзмас эди. Шундай устивор ақида Ботирхон домланинг тафаккурида чарх уради, унга ором бермайди. У ҳамон Сайфий Бухорийнинг адабий-илмий тақдири билан қизиқади. Олим уни яхлит ва бақувват иш даражасига кўтаради. Бунинг учун унга нафосат илмига ташна шогирдлари кўмакка келади, устоз ғояларини ривожлантиради, янги далиллар, адабий маълумотлар билан тўлдиради. Зеро, Сайфий Бухорий номини элга танитмоқ, асарларини шеърят муҳибларига етказмоқ буюк Алишер Навоий руҳини шод қилмоқдир.

XV аср, хусусан, унинг иккинчи ярми адабий ҳаётида Нуриддин Абдурахмон Жомий кўшган улуш ғоят салмоқлидир. У ҳам адабий ижоди, ҳам илмий-мураббийлик фаолияти билан маданий ҳаёт равнақини таъмин этди. Ғоявий пир сифатида Ҳиротда мувозанатни барқарорлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийлар раҳнамолик қил-

ҳақида гапириб «аруз ва саноеъда Мавлоно Яхъё Себак шогирди эрди, икки аруз тасниф қилди»,— деб ёзади (40-бет).

ганликлари учун ҳам XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротнинг илмий, адабий, маданий марказ сифатидаги мавқеи янада юксалди.

Алишер Навоий даври ҳақида ёзмоқ учун айтилганларни ҳисобга олмасликнинг қандай оқибатларга олиб келиши маълум. Яна давр адабий ҳаётини, хусусан, Алишер Навоий меросини Абдураҳмон Жомий ижодиётидан холи тадқиқ этишни тасаввур қилиб бўлмайди. Ана шу заруратни инobatга олган Ботирхон домла муттасил Абдураҳмон Жомий маънавий мероси билан шуғулланиб келади¹⁰. Уша мутолаа ва қизиқишларнинг ҳосиласи сифатида олимнинг қатор илмий ва илмий-оммабоп мақолалари майдонга келган. Улар моҳият эътибори билан бир йўналишдаги ишлар эмас. Адабиётшунос олим Абдураҳмон Жомийнинг ўзбек адабиётига кўрсатган ижодий таъсирини ёритишга алоҳида урғу беради. Шунингдек, тожик-форс адабиёти улкан алломасининг адабий-танқидий қарашлари, у ҳақда ёзилган айрим мақолалар таржимаси ҳам Ботирхон домланинг диққат марказида турган масалалардан ҳисобланади. Аммо масаланинг моҳияти майдонга келган ишларнинг сони, ҳажми ва қайси йўналишга тааллуқли эканлигида ҳам эмас. Балки ёзилажак ҳар бир ишда, олим таъбири билан айтганда, лоақал кичик бир янгиликнинг бўлишидадир. Адабиётшунос олимнинг Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг инсоний ҳамда ижодий алоқаларига доир мушоҳадалари ҳам эътиборни тортади.

Алишер Навоий ижтимоий ва адабий ҳаётда кўринган ҳар бир янгиликни (унинг катта-кичиклигидан қатъи назар) тез илғай ва қадрлай олган. Бунинг учун, ҳатто масофа муаммолари ҳам монелик қила олмаган. Ана шундай гапни Алишер Навоийнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бўлган самимий муносабати ҳақида ҳам айтиш ўринлидир. 15—16 ёшлар чамасида довюрак Бобурнинг улуғ бобоси Темур давлатининг пойтахти азим Самарқандни қўлга киритиши анча кексайиб қолган Алишер Навоийни беҳад қувонтирган. Улуғ ўзбек шоири ўша ҳаяжонли шодлигини Бобурга йўналтирилган номада акс эттириб, жасур ҳукмдорга юбор-

¹⁰ Валихочаев Б., Шукуров Ш. Чомӣ ва адабиёти ўзбек.— «Масъалаҳои филология тоҷик». Душанбе. 1967, саҳ. 5—18; Чомӣ ва адабиёти ўзбек.— «Абдураҳмони Ҷомӣ», чилди II. Душанбе, 1973, саҳ. 93—105; Валихочаев Б. Дарахти дӯстӣ биншон...— «Ҳақиқати Ўзбекистон», 19 апрели соли 1989.

ган. Бу тарихий мактубни ўқиш эса Заҳириддин Муҳаммад Бобурга насиб этган эди...

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўша эътиборни сира унутмади. Балки ҳамиша эсида тутди. Тўлқинли тақдири имкон берганда, улкан замондошини эзгулик билан йўқлади. Дил тубида муқим ўрнашган эҳтиромини ўрни-ўрни билан асарларига кўчирди, ўзи билганларини келгуси авлодларга қолдирди. Бу жиҳатдан «Бобурнома» катта қизиқиш уйғотди.

Маълумки, XVI аср бошига келиб темурийлар давлатининг тақдири хавф остида қолди. Шайбонийхон бирин-кетин уларга зарба бера бошлади. Юз берган вазият темурийларни бир ёқадан бош чиқаришга ундади. Хусусан, улуғ бобоси Темур қароргоҳини икки карра қўлдан чиқарган Бобур учун Шайбонийхонга қақшатқич зарба бериш армон эди. Кучларни бирлаштирмай туриб, бундай сиёсий тадбирни амалга оширишнинг имкони йўқлиги ҳам Бобурга кундай равшан бўлган. Шунинг учун у темурийларни ягона мақсад йўлида бирлашишга даъват этди. Гўё мазкур фикр Хуросону Мовароуннаҳрда ҳукм сураётган темурийларга маъқул тушди ва улар Ҳиротда кенгаш ўтказишга аҳд қилдилар. «Бобурнома»нинг «1506—1507 йиллар воқеалари баёни» қисмида шу хусусда алам ва армон билан ёзилади. Асар гувоҳлигига кўра, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Афғонистондан Ҳиротга ўтган ва у ерда йигирма кунча яшаган. Гарчи бу кенгаш сиёсий жиҳатдан ижодий натижа бермаган бўлса ҳам, аммо Бобур ҳали Алишер Навоийнинг иссиқ нафаси кезиб юрган Ҳирот билан, улуғ шоир давраларида иштирок этиш бахтига муяссар бўлган илм, адабиёт ва санъат аҳллари билан учрашиш имконига эришди. Ўша лаҳзалар ҳақида «Бобурнома»да ёзиб қолдирди. «...Боғи Навда бир кеча бўлдум, ани муносиб кўрмай, Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳириддин чиққунча Алишербекнинг уйларида эдим... Алишербекнинг ўлтурур уйлариким, «Унсия» дерлар, мақбара ва масчиди жомийниким, «Қудсия» дерлар, ҳаммом ва дорушифосиниким «Сафоия» ва «Шифоия» дерлар, борини андак фурсатта сайр қилдим».

Булар Бобур адабий фаолияти учун изсиз кетган эмас, албатта. Аксинча, ўша омиллар Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур асарларидаги муштаракликни, адабий-танқидий қарашларидаги уйғун нуқталарни вужудга келтирди. Бобурнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-ахлоқий қарашларида, инсон ва уни шарафлаш туйғу-

сининг устивор ўрнашишида сабаб бўлди. Бас, шундай экан, Ботирхон домланинг «XV—XIX асрларда адабий-танқидий қарашлар тарихидан» асарида масаланинг ана шу муҳим нуқтасига жиддий эътибор қилиши тасодикий эмас. Адабиётларимиз бу икки қояси қарашларида ҳамоҳанглик туйган олим ҳамон Бобур ва Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқотларини изчил давом қилиб келади. Унинг ана шу йўналишдаги илмий маҳсулининг ўзи ўртача бир умрга етгуликдир. Аввало айтиш жоиз, Ботирхон домла жумҳурият доирасида амалга ошириладиган тадбирлардан четда қолган эмас. У ҳамиша фаоллар сафида туради, ўз гапини айтади. Бу жиҳатдан «Ўзбек адабиёти тарихи» академ нашрининг беш жилдлиги диққатни тортади. Адабиётшунос олим шу нашрнинг учинчи жилди учун «XVI асрда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт» ҳамда «Заҳриддин Муҳаммад Бобур» мақолаларини ёзди¹¹. Рўйирост тан олмоқ зарур, мазкур тадқиқот алоҳида бир рисола қимматига эга. Унда бобуршуносликда Иттифоқимиз ва унинг сарҳадларидан ташқари амалга оширилган барча ишлар ҳамда қарашлар заргарона зукколик билан назардан ўтказилади. Ҳар бир фикрга ётиғи билан муносабат билдирилади. Олим ўқувчига тақдим этган хулосалар бой адабий парча ва маълумотлар билан асосланади. Заҳриддин Муҳаммад Бобур шахсияти, серқирра ижодиёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти хусусида яхлит манзара яратилади. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот афғонистонлик касбдошлар назарига тушган, рисола аввалида таъкид қилганимиздек, уларнинг ижобий баҳосини олиб, «Юлдуз»да нашр қилинган эди. Ботирхон домланинг рус тилида босилиб чиққан «Ўзбек адабиёти тарихи» икки жилдлик китобидаги иштирокининг ҳам дарсхонаси кенг асар мухлислари томонидан хуш қабул қилинишига шубҳамиз йўқ¹². Забардаст адабиётшуноснинг «Бобур ва Самарқанд», «Бобур ва тожик адабиёти» сарлавҳали илмий ишлари ҳам катта қизиқиш билан ўқилади¹³. Мен бу ўринда адабиётшунос олимнинг кейинги

¹¹ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 3-том. Тошкент, 1978, 7—88-бетлар.

¹² История узбекской литературы. В 2-х томах. Том 2. Ташкент, 1989, с. 9—28, 61—75. Мазкур мақолалар акад. В. Абдуллаев билан муаллифдошликда ёзилган.

¹³ Валих ўжаев Б., Тоҳиров Қ. Бобур ва Самарқанд.— «Ленин йўли», 1970 йил 14 март; Яна: Бобур ва Самарқанд.— «Бобур ва унинг замондошлари ижодини ўрганиш масалалари». Самарқанд, 1983, 25—35-бетлар.

мақоласи ҳақида айрим гапларни айтиш билан чекланаман. Ботирхон домланинг фаол зуллисонайн тадқиқотчи эканлиги шу илмий мақола шоҳидлигида яна бир карра тасдиқланади. Чунки олим бу мақолани дастлаб тожик, сўнгра ўзбек тилида яратди. Мақоланинг ўзбек тилидаги нусхаси мукамаллиги, муаллиф илмий тадқиқот юритиш тажрибасида таҳрир ва ўз ўзини имтиҳон санъати мавжудлигини тасдиқ этиши билан диққатни тортади. Мазкур мақолани бобуршуносликнинг ютуқларидан бири сифатида қарамоқ даркор. Унда Бобур ижодий фаолиятининг байналмилал қирралари рад этиш қийин адабий маълумотлар кўмагида очиб берилади. Адабиётшунос бобуршуносликда биринчилардан бўлиб Бобур таҳаллусининг ёзилишига адабий жамоатчилик эътиборини қаратади. Жумладан, шу мақолада бу ҳақда ўқиймиз: «Ўзбек адабиётшунослигида Заҳириддин Муҳаммаднинг таҳаллуси «Бобир» шаклида ишлатилиб келинмоқда. Аммо шу таҳаллус рус ва ғарб шарқшунослиги, турк ва тожик адабиётшунослигида «Бобур» тарзида ёзилади. «Бобур» сўзининг луғавий маъноси шердан кучли бўлмиш йиртқич ҳайвон бўлиб, мажозан кучли, бақувват, ғайратли, шижоатли маъноларида ишлатилган. Заҳириддин Муҳаммад ҳам «Бобур» сўзини ўзига таҳаллус сифатида қабул қилганда, сўзнинг шу маъносини назарда тутган кўринади. Жумладан, бир рубойида ўз таҳаллусини шундай ишлатган:

Шеъринг эшитур фикрини Бобур қилди,
Не фикри хушу яхши тасаввур қилди.
Кўзни ёруқ айлади саводи бирла,
Мазмун ила қулоқни пурдур қилди.

Бунда «Бобур» сўзи «тасаввур», «пурдур» сўзлари билан қофияланиб келган¹⁴. Айни фикр олимнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» учинчи жилди учун ёзган мақоласида ҳам ўртага қўйилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 500 йиллиги кунларида таниқли адабиётшунос олим А. Абдуғафуров яна адабий жамоатчилик эътиборини шу масалага қаратди¹⁵.

Б. Валихўжаев «Бобур ва тожик адабиёти» мақоласида ўзининг навбатдаги изланишлари учун мавзу-

¹⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва адабиёти тоҷик.— «Масъалаҳои филологияи робитаи адабӣ. Самарқанд, 1977, саҳ. 5—11; Яна: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва тоҷик адабиёти.— «Адабий мерос», 1977, 8-сон, 78—90-бетлар.

¹⁵ Абдуғафуров А. Бобир эмас, Бобур!— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил 18 март.

ларни белгилаб олади. Бу жиҳатдан унинг сарбадорларнинг жасур шоири Оқомалик бин Жамолиддин Мир Шохий Сабзаворий (1385—1453) ҳақидаги дастлабки қайдлари эътиборга лойиқдир. Маълумки, Ботирхон домла кейинчалик Мир Шохий ва унинг Алишер Навоий билан муносабати ҳақида ҳам махсус мазмундор мақола эълон қилди. Мақоланинг тожик тилидаги илк нусхасига кўра, унинг ўзбек тилидаги таҳрири деярли икки марта мукаммаллаштирилган. Янги-янги масалалар, адабий ҳужжатлар эвазига тўлдирилган. Айрим баҳсли нуқталарга аниқлик киритилган. Адабиётшунос олимнинг В. Самадов билан мунозарарага киришган жойларида илмий баҳс одобига қаттиқ риоя қилинади. Холисона тортишув маданияти диққатни тортади.

Мақоланинг алоҳида аҳамиятга молик саҳифаларидан яна бири Ҳажрий таҳаллусли шоирларга дахлдордир. Маълумки, тожик адабиётшуноси, проф. Р. Мусулмонқулов 70-йилларнинг бошида «Ҳажрий Бобурнинг таҳаллуси эмас-ми?» («Маориф ва маданият» газетаси, 1973 йил 11 январь) мақоласини эълон қилди. У Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Рисолаи аруз» асарида номаълум котиб ёхуд адабиёт муҳиби томонидан киритилган хато ишорага таяниб ўшандай хулосага келган эди. Ботирхон домланинг «Бобур ва тожик адабиёти» мақоласининг тожик тилидаги нусхасида Р. Мусулмонқуловнинг мазкур мулоҳазасига муносабат билдирилганди. Аммо фикрни биринчи бўлиб кўтариб чиққан тадқиқотчи бундан қаноат ҳосил қилмади. У ҳам ўз навбатида «Ҳажрий Бобурнинг иккинчи таҳаллуси» деган ғояни асослашга интилди. Адабиёт тарихида Ҳажрий Андижоний, Ҳажрий Бухорий, Ҳажрий Кошоний, сайрамлик, соғарчилик, теҳронлик, жомлик Ҳажрий таҳаллусли шоирлар ўтганлигини аниқлашга эришди ва мақолани анча мукаммаллаштириб тўпламига киритди¹⁶. Атоуллоҳ Ҳусайнийга доир китобида эса Ботирхон домла билан мунозарани анча чуқурлаштирди¹⁷.

Адабиётшуносликда холисона баҳснинг ривожини қувончли ҳодиса. Айниқса, тожик адабиётшуносининг Бобур мероси атрофида теран мушоҳада юритиши, унинг ижодиётига доир номаълум нуқталарни равшанлаштиришга жиддий бел боғлаганлигини фақат олқиш-

¹⁶ Мусулмонқулов Р. Дарахти дўстӣ биншон... (Маҷмуаи мақолаҳо). Душанбе, 1987, саҳ. 131—144.

¹⁷ Мусулмонқулов Р. Атаулла Махмуд-и Ҳусайни. Душанбе, 1983, саҳ. 172—173.

лаш даркор. Аммо касбдош дўстимизнинг «Бобур ва тожик адабиёти» мақоласининг «Адабий мерос»да чоп этилган нусхасидан беҳабар қолганлиги ачинарлидир. Айни гапни Р. Мусулмонқулов мақоласининг таржимони ва ношири ҳақида ҳам айтиш мумкин. Айниқса, таржимон изоҳидаги мана бу таъкид бизни ажаблантирди. «Ҳажрий — Бобур эмасми?» мақоласида олим йирик ўзбек классик шоири Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Ҳажрий» таҳаллуси билан ҳам ижод этганлиги ҳақидаги тахминни ўртага ташлайди ва турли далиллар, мантиқий мушоҳадалар воситасида бу илмий тахминни исботлашга ҳаракат қилади. Гарчи Р. Мусулмонқулов ўз ғоясини ишонарли даражада асослашга эришган бўлса-да, камтарлик юзасидан уни «тахмин» деб аташдан нарига ўтмайди»¹⁸. Мутаржим юқоридаги гапларни ёзган-у, бироқ айтганларидан ўзининг ҳам кўнгли тўлмаган, иккиланган. Фикр қанчалик мантиқий жиҳатдан асосланилмасин, уни мустаҳкам кўтариб туришга қодир бўлган ҳужжат ва далиллар бўлмаса, унинг умри ўткинчидир. Ана шу ақида таржимонни ўйлашга чорлаган ва у мулоҳазаларини давом қилиб, ёзади: «Албатта, муаллиф билан мунозарага киришиш мумкин ва лозим, шунингдек, масалани узил-кесил ҳал қилиш учун **янада ишонарли далиллар тақозо қилинади**» (68-бет). (Таъкид бизники — Р. В.). Мен Р. Мусулмонқулов, Б. Валихўжаев, Ё. Исҳоқовлар тарафидан айтилган гапларни такрорламоқчи эмасман. Чунки қўлимда зикр этилган муаллифлар назари тушмаган тоза, ишонарли далиллар йўқ. Ана ўшандай қуролсиз жангга кирмоқ ҳам яхши натижага олиб келмайди. Фақат битта ақидани айтишдан сақлана олмадим. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзбек адабиёти тарихида тўла маънода жасур ва ростгўйлиги билан ажралиб туради. Бунга «Бобурнома» гувоҳ. Бобур адабий ҳаёт ҳодисаларига бефарқ қарамаган ижодкордир. Ўзининг биринчи байтидан тортиб омаду омадсизлигини ошкор айтган адибнинг «Ҳажрий» таҳаллуси билан ижод этиши ақлга сиғмайди...

БЎЛМАСА ИШҚ, ИККИ ЖАҲОН БЎЛМАСИН

Она табиат Алишер Навоийга нисбатан катта саховат кўрсатган, унга ноёб қалб ато этган. Эрка ўғлига

¹⁸ Мусулмонқулов Р. Ҳажрий — Бобур эмасми? — «Ёшлик», 1988, 11-сон, 68—70-бетлар.

атаган ўша қалб ришталарини эса ишқу ошиқликка мустаҳкам улаб қўйган. Ошиқ қисматининг поёнида рўшнолик эмас, алам, интизорлик ҳукмрон. Зотан, умр бўйи ошиқлар зор-зор йиғлаб, ёруғ дунёни тарк этганлар. Шундан бўлса керак, улуғ Фузулий «Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар», дея фиғон чеккан эди...

Алишер Навоий шеъриятида бу афғон янада дардчил, армонлироқ қулоққа чалинади. Чунки у кўнгил қўйган санам ўз ёрига вафони эмас, охиратга қадар жафони раво кўрди, зор қақшатиб бошқанинг этагини тутди, аҳдига хиёнат қилди. Айни йигитлик айёмида қисматига тушган бу дард улуғ шоирни умри давомида тарк этмади. Унинг сатрларига кўчди. «Лисонут-тайр» да Шайх Санъотнинг севги саргузаштига нуқта қўяр экан, яна ўзининг жавобсиз муҳаббатини эслайди:

Кел, Навоий, сўзни ҳоло хатм қил,
Ишқ аро изҳори даъво қилмағил,

Бир кеча кун умрдин топсам амон,
Шарҳи ишқим назм этай бир достон.

Анда билгай кимгаким инсофдур,
Ким сўзум чинмудурур ё лофдур¹⁹.

Минг таассуфлар бўлсинки, табиат эҳсонини дариг тутди, шоир умри вафо қилмади. Унинг ўз ишқи шарҳига аталган достони хазон ғунчасидек шоир қалбида кетди. Ҳазрат Алишер Навоий муҳибларига эса сўнгсиз саволлар боқий қолди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийдай улуғ зотнинг танҳо ўтиши сабаблари ҳаммани қизиқтиради, поёни йўқ сўроқу шубҳаларга юзлаштиради. Йигирма йилдан зиёд давр ичида дарсхона, йиғин, учрашув, суҳбатларда шу мавзуга доир бир-биридан ўткир, гоҳ армонли, гоҳ тугёнли, баъзида қочиримли саволлар ёғилади. Навоийшунослигимиз ҳам ўша доимий саволга жавоб излайди. Шу маънода, Ботирхон домланинг мана бу жумлаларига интиқлик билан кўз югуртирамыз: «Ғаройибус-сиғар» девонига киритилган бу ғазал Навоийнинг йигитлик даврида ёзилганга ўхшайди. Чунки у «Илк девон»да учрамайди. Демак, шоир йигитлигида Ҳиротда экан (1460—1465 йиллар), шу даврда бир гўзални севиб қолган. Аммо 1465—1466 йилларда у Хуросон ҳокими Абу Саид Мирзо томонидан маълум са-

¹⁹ Алишер Навоий. Асарлар. II том, 102-бет.

баблар билан Самарқандга сургун қилинган. Шу орада, яъни унинг Самарқанддалиги вақтида Навоий севиб қолган гўзал уни кўп кутишга тоқат қилмаган ёки ота-онаси ихтиёри билан бошқа бировга турмушга чиққан...»²⁰. Гап Алишер Навоийнинг матла ва мақтаи кўчириладиган ғазали устида кетади.

Эй кўнгул, келким, иков бўлуб нигоре кўзлоли,
Сарвақдде истабон, сиймин узоре кўзлоли.
Эй Навоий, бўлмоғунг андин булар бирла халос,
Келки, ҳам васлин тилаб сабру қароре кўзлоли²¹.

Мазкур ғазал замирида шоир таржимаи ҳолига, айниқса, ишқ саргузаштига доир ишоралар яширинган. Муаллиф оҳангида изтироб, гинахонлик, кесатиш майллари қоришиқ. Хусусан, мана бу байтларда ўшандай руҳий кайфият равшанроқ кўзга ташланади:

Ерлнғ кўз тутқанимиз кўзлади чун, ўзга ёр,
Бизда ҳам кўз бор, бориб бир ерда ёре кўзлоли.
Гар анингдек шўхн шаҳрошуби офат топмасак,
Бир фақирн меҳрибоне, ғамгусоре кўзлоли.

Алишер Навоий дастлаб бу ғазални «Бадойиъ ул-бидоя» девонига киритган. Асар ундан сўнг «Ғаройибус-сигар» дан жой олган. Модомики, мазкур ғазал Алишер Навоийнинг номурод муҳаббати ҳақида сўзлар экан, унинг изоҳи Самарқанд «ихрожи»га боғланаркан, «Илк девон»да учрамаслиги табиий ҳол, албатта. Чунки зикр этилган тўплам шоирнинг расмий китоби эмас. Балки у Алишер Навоий бадий каломн мухлислари томонидан тартиб берилган ва улар қўлларига тушган шеърларнигина унга киритишган. Иккинчидан, Алишер Навоий Самарқандга жўнаган пайтда бу девон тузилмоқда ёки тартиб бериб бўлинган эди. Демак, ғазал шоирнинг ўз тақсимот-таснифига кўра, унинг умр гулшанининг «шабоб» даврига мансубдир. Энди юқорида кўчирилган парчага қайтайлик. Олимнинг Алишер Навоий муҳаббатининг барбод бўлиши омиллари ҳақидаги бундай мулоҳазалари қизиқиш уйғотади. Айни

²⁰ Барҳаёт шеърият.— «Ленин йўли», 1986 йил, 8 февраль.

²¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. Тошкент, 1987, 543—544-бетлар. Шу ғазал мазкур нашрнинг 3-томига ҳам (462—463-бетлар) киритилган. Аммо ёзувдаги тафовутлар ўқувчини ранжитади. «Бадойеул-бидоя»даги «кўзлоли» радифи «Ғаройибус-сигар»да «кўзлали»га айланиб қолган. 3-томда «о»нинг «а»га айланиши, изофанинг берилиши, сўзларнинг ажратиб ёхуд қўшиб ёзилиши билан боғлиқ хатолар ўнга яқиндир.

талқин навоийшунослигимизда масалага янгича ёндашувдир. Уни янада такомилга етказиш, ўртага қўйилган фикрларни жиддийроқ қилиб айтиш, ўқувчилар дарсхонасини кенгайтириш заҳматкаш адабиётшунос олим зиммасида турган навбатдаги вазифа ҳисобланади. Ботирхон домла ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган яна бир рақам диққатни тортади. Алишер Навоий таржимаи ҳолига доир мушоҳада юритган жуда кўп тадқиқотчилар унинг 1456 йилда Хуросон давлати ҳукмрони Абулқосим Бобур Мирзо билан бирга Ҳиротдан Машҳадга кетганлигини яқдил қайд этишади. Аммо шоирнинг Машҳаддан Ҳиротга қайтиши хусусида шундай қатъият кўзга ташланмайдн. Бу борада турли хил рақам ва талқинларга дуч келамиз.

Академик В. В. Бартольд ўзининг «Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт» номли илмий ишида шу масалага доир қатъий фикр билдирмайдн. У биринчи манбалар гувоҳлигига таяниб иш кўради. Аммо ўша қўлёзмаларда ҳам айни мавзуга доир аниқ маълумотлар учрамайдн. Шунинг учун таниқли тарихшунос олим кичик ишоралардан умумлашма хулосаларга келиш йўлидан боради. Илмий таҳминларга суяниб, Алишер Навоий вақти-вақти билан Машҳаддан Ҳиротга келиб-кетиб турган, 1464 йилдан сўнггига эса донмий яшаш учун имкон топган, деган хулосага келади²². Е. Э. Бертельснинг фикрига биноан, Алишер Навоий 1464 йилда Ҳиротга қайтиб келиб, Абу Саид Мирзога мурожаат этади ва унинг мулозаматига киради²³.

Проф. Иззат Султоннинг асарида ҳам шунга яқин фикрларга дуч келамиз. У Мирхонд, Хондамир ва Алишер Навоийнинг ўз асарларига мурожаат этади. Тарих саҳифаларидаги маълумотларни юзлаштириш асосида шоир 1464 йилда қисқа муддатга Ҳиротга келган, Абу Саид Мирзодан илтифот кўрмагач, яна қайтиб Машҳадга кетган деган хулосани ўртага қўяди²⁴. Ўзбек ва рус тилларида нашр этилган «Ўзбек адабиётини тарихи» китобидаги хулоса эса ғоят лўнда: «Алишер Навоий 1464 йилда Ҳиротга қайтди»²⁵. Бундай хилма-хиллик улуғ ўзбек шоири таржимаи ҳоли ҳақи-

²² Бартольд В. В. Сочинения. Том II. Часть 2. М., 1964, с. 224—225.

²³ Бертельс Е. Э. Навои. Опыт творческой биографии. М.—Л., 1948, с. 8.

²⁴ Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969, 108-бет.

²⁵ Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том, 47-бет.

да баҳс этувчи бошқа ишларда ҳам кўзга ташланади. Масаланинг бундай тус олиши ҳаммамизни ўйга толдиради, зиммамизга масъулият юклайди. Негаки, улуғ Алишер Навоий ҳаёт йўлининг ҳар бир лаҳзаси кундай равшан бўлмоғи даркор. Унда тахминлар, чамаларга йўл қўйилмаслиги зарур.

Хусусан, шоирнинг Машҳаддан Ҳиротга қайтиши санаси жуда муҳим масалалар сирасига киради. Чунки ўша санага қараб, шоир ҳаётининг кейинги тақдири, унинг Абдураҳмон Жомий билан илк учрашуви, муҳаббати можароларига доир аниқ мулоҳазаларни айтиш имкони туғилади. Бас, шундай экан, улуғ инсон ва катта сўз санъаткори тақдирида майда-чуйдаларнинг бўлмаслиги равшанлашади. Мазкур таъкиддан эса Ботирхон домла ўртага қўйган рақамнинг илмий-адабий, тарихий моҳияти бўртиб кўзга ташланади. Олимнинг фикрича, Алишер Навоий 4—5 йилча (1456—1460) Машҳадда қолиб ўқиган. Ўша даврда Машҳаднинг унча катта бўлмаган маданий марказ бўлганлиги инобатга олинса, айтилган санани қувватлаш мумкин.

Дарҳақиқат, Ҳирот мадрасаларида, махсус муаллимлар қўлида сабоқ олган Алишер Навоий Машҳадга келгунга қадар ҳам ўша замоннинг анчагина билимларидан хабардор эди. Унинг муқаддас Машҳадда қолиши фақат ўқиш-ўрганиш учунгина бўлса, ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган муддат чиндан ҳам етиб ортади. Яна устод Садриддин Айнийнинг тавсия қилган рақами ҳамда ўртага қўйган ақидалари ҳам Ботирхон домланинг фойдасига хизмат қилади²⁶. Айтиш жоиз, адабиётшунос олимнинг йиллар давомида улуғ Алишер Навоийни йўқлаш, хотирга олиш муносабати билан Самарқанд вилоят рўзномасида чоп қилинган илмий-оммабоп мақолаларида фанимиз учун гоят муҳим мушоҳадалар кўтариб чиқилган. Улар Алишер Навоийнинг ҳаёт ва ижод йўлини чинакам илмий изчиллик билан ёритишга хизмат қиладиган туркум мақолалардир. Уларда масалалар занжири вужудга келган. Уларни мутолаа қилиб ҳайқиргинг келади. Нега, ахир бу янгиликлар бир вилоят доирасида қолиб кетиши керак? Уларни йиғиш, яна бир назар ва таҳрирдан ўтказиб, адабий-танқидий мақолалар тўплами сифатида нашр эттириш вақти етган. Умуман, «Ленин йўли» рўзномаси таҳрир ҳайъатининг фаолияти олқишга сазовор. 30—40-йилларда устод Садриддин Айнийнинг

²⁶ Ай н и. С. Алишер Навой. Сталинобод, 1948, саҳ. 20.

навоийшуносликка дахлдор ажойиб ишларини ёритган рўзнома ўша йўлини собитқадамлик билан давом эттираётир. Унинг В. Абдуллаев адабиётшунослик мактаби билан ижодий ҳамкорлигига фақат ҳавас қилиш мумкин... Олимнинг ўша рўзнома саҳифаларида ёритилган яна бир илмий-оммабон мақоласини варақлаймиз. Ундаги мана бу жумлага жиддий эътибор қилмасликнинг имкони йўқ: «...Жумладан, Навоий Самарқандга келгунга қадар Ҳиротда Абдурахмон Жомий билан танишиб, унинг муаммога бағишланган рисоласини чуқур муталаа қилди ҳамда Жомийнинг Абулқосим Бобур номига ёзган қуйидаги муаммосини ёд олган эди:

Қабо бар қадди ту медўзад, айём,
Барор аз қоф то қоф, эй писар, ном.

(яъни, даврон сенинг қаддингга мос қабо (тўн) тикади. Эй ўғил, қофдан қофгача ном чиқаргин)»²⁷. Бу фикрлар ҳозирга қадар ҳукмрон бўлиб келган айрим мулоҳазаларни инкор этади. Уни шов-шув билан айтиш, кимларнингдир номини тилга олиш, «савалаш» ҳам мумкин эди. Аммо бундай услуб Ботирхон домла табиатига зид. Унинг сокин дарё оқимини эслатадиган ҳаёт ва ижод йўли учун номуносибдир. Аммо юзадаги сокинлик тубдаги жунбушни сира-сира инкор этмайди. Уларнинг ўз садоси, оқим шиддати, кўзлаган манзиллари бор. Улар ҳали анча олисда. Яна ва яна шижоат, шиддат кутади.

Кўчирилган иқтибосда навоийшунослигимиз учун ғоят муҳим масалалар қаламга олинган. Ушалардан бири улуғ ўзбек шоирининг Абдурахмон Жомий билан илк учрашувидир. Жомийшунослик ва навоийшуносликда бу борада якдил хулоса кўзга ташланмайди. Мазкур масалада баҳсу мунозаралар бўлган ва ҳамон давом этаётир. Чунки XV аср манбаларида шу мавзуга доир қатъий рақам ёхуд ишоралар кўзга ташланмайди. Жумладан, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг ўз асарларида ҳам шу аҳвол ҳукм суради. «Хамсатул-мутаҳаййирин» асари айтиши масалада аниқлик киритиши керак эди. Чунки бу асар Жомий ва Навоийнинг инсоний, ижодий муносабатлари, улар ўртасида содир бўлган ғаройиб воқеалар ҳақида баҳс этади. Шундай бўлишига қарамай, Алишер Навоий ўша илк мулоқот ҳақида жумбоқли бир жумлани ёзиш

²⁷ Валихўжаев Б. Узилмас ришталар.— «Ленин йўли», 1989 йил 8 февраль.

билан чекланади. «Бу фақир ҳақир бу сўнгги жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақига мумтоз бўлдум...»²⁸.

Алишер Навоийнинг ўз сўзларига қараганда, Абдурахмон Жомий Шоҳрух Мирзо салтанатининг ўрталаридан (XV асрнинг 20-йилларидан — Р. В.) Абу Саид Мирзо ҳукмронлигининг аввалларигача (1458—1468) Ҳирот шаҳрининг марказида яшаган. Кейинчалик эса Хиёбонга устози Саъдиддин Кошғарий мазори бошидаги ҳовлисига кўчган. Аслида навоийшунос ва жомийшуносларнинг турлича рақам ҳамда фикрларни айтишларига ҳам шу ишоралар сабабдир. Боз устига устак Алишер Навоийнинг Машҳаддан қайтиши санасининг мунозарали эканлиги тадқиқотчиларни қийнаб қўяди.

Кўринадики, улуғ шоир ҳаёти босқичлари занжир ҳалқалари сингари бир-бирига мустаҳкам боғлиқдир. Машҳаддан қайтиш, Алишер Навоий муҳаббати, Абдурахмон Жомий билан илк учрашув ҳам ўшалар сирасига киради. Ботирхон домла эса ана ўша чигалларни ечишга жазм этганки, бу бағоят хайрли қадамдир. Энди Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг илк учрашувига қайтадиган бўлсак, бу борада адабиётшунос олимнинг юқорида баён этган мулоҳазаси билан фикрдошлик қилиш мумкин. Негаки 1460 йилда Машҳаддан қайтган Алишер Навоий бирон-бир жойда расмий иш билан банд бўлган эмас. Шубҳасиз, таҳсилни, ўқиш-ўрганишни давом эттирган. Модомики шундай экан, унинг Абдурахмон Жомий даргоҳига келмаслиги асло мумкин эмас эди. Яна таъкидлаймиз, агар ўша қайтиш санаси тарихий-бадий ҳужжатлар гувоҳлигида атрофлича асосланса, анча ноаниқ масалаларни ойдинлаштиришга эришилади, шунингдек, илк учрашувга доир хилма-хиллик ҳам бартараф қилинади. Мавзунинг бу даражада ёритилиши эса навоийшунослигимизнинг бугунги тараққиёти савиясига мос келмайди. Чунки ўқувчи турли хил рақамлар билан тўқнашади. Масалан, устод Садриддин Айнийнинг қатъий таъкидига кўра, икки даҳо ижодкорнинг аввалги тарихий мулоқоти Алишер Навоийнинг 18—19 яшарлигида, 1459—1460 йилларда воқеъ бўлган²⁹. Профессор Е. Э. Бертельс эса шу масала хусусида атрофлича мушоҳада юритар экан, дастлабки мулоқот 1469 йилдан

²⁸ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том. Тошкент, 1967, 13-бет.

²⁹ Айни С. Алишер Навоӣ, саҳ. 20.

кейин, Алишер Навоий Самарқанддан қайтиб Хуросон давлати ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралаша бошлагандан кейингина амалга ошган деб ҳисоблайди. Унинг ақидасига кўра Жомий ва Навоий ўртасидаги пиру муридликнинг расмий эътироф қилиниши маросими 1476 йилда содир бўлган³⁰.

Таниқли навоийшунос олим А. Ҳайитметов «Ўзбек адабиёти тарихи» китобининг иккинчи жилди учун ёзган мақоласида шу масалада анча батафсил фикр юритади. Олимнинг лўнда хулосаси қуйидагича: «Бизнингча, бу 1464—1465 йилларга тўғри келади. Бу йилларда Навоий ҳали бирон бир сиёсий мавқега эга эмас эди. Шунинг учун у ўзини Жомийни зиёрат қилгани борган кишиларнинг энг камбағаллари гуруҳига қўшиши ҳам бежиз эмас»³¹. Истеъдодли тожик адабиётшуноси, проф. Аълохон Афсаҳзод Абдурахмон Жомий ҳаёти ва маънавий меросига доир кўп сонли тадқиқотларида унинг Алишер Навоий билан ижодий ҳамкорлигига оид муҳим хулосаларни ўртага қўяди. Жумладан, икки даҳо ижодкорнинг дастлабки танишуви ҳам олим эътиборини ўзига тортган масалалардандир. У шу мавзуда махсус «Аҳду вафо» мақоласини эълон қилди, китобида эса ўша қарашларини ривожлантирди. Жомий ва Навоийларнинг бу тарихий учрашувлари 1464—1466 йиллар оралиғида содир бўлган, деган хулосага келди³².

Хуллас, аини масалага доир мунозара ана шу тариқа давом қилаётир. Фанда баҳснинг бўлиши аниқ. Йиллар, даврлар, авлодлар ўз гапини айтади, таҳририни киритади. Аммо Жомий ва Навоийлар ижодиётининг муҳиблари аҳволини ҳам тасаввур қилиб кўрайлик. Битта учрашув санасига доир рақам ўртасидаги тафовут ўн йилга чўзилмоқда. Аҳволнинг бундай тус олиши бу икки улкан даҳога доир амалга ошираётган ишларимиз қиёфасини беэмайд. Ана шундай бир вазиятда Ботирхон домланинг жиддият билан майдонга чиқиши, қатъий рақамни ўртага қўйиши қувончли ҳолдир. Албатта, олим бу йўналишдаги шарофатли ишларини давом эттириши, айтган яхши фикрларини ҳамма тарафлама ёритиши, илмий жамоатчиликни қаноатлантириши лозим. Юқоридаги парчада диққатга молик яна

³⁰ Бертельс Е. С. Навои, с. 148.

³¹ Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2-том, 48-бет; История узбекской литературы. Том I, с. 235—236.

³² Аълохон Афсаҳзод. Рўзгор ва осори Абдурахмони Чомӣ. Душанбе, 1980, саҳ. 62—63.

бир факт бор эди. Масаланинг бу учи Алишер Навоийнинг Самарқандда яратган асарларига дахлдордир. Академик В. Абдуллаевнинг мазмундор асарида бу борада анча мулоҳазалар бор³³. Бироқ бу йўналишда қилинган ишлардан кўра, бажарилиши зарур бўлган вазифалар кўпроқ кўринади. Ботирхон домла ана шу заруратни тўғри илғай олди ва мазкур мавзуга чуқурроқ киришмоқда. Зеро, буюк Алишер Навоий ҳамда унинг хассос муҳаққиқи устоз Воҳид Абдуллаев руҳи поклари олдидаги мухлислик масъулияти ҳам Ботирхон домладан шуни кутади... Баъзан илмий ҳаётда ажиб ҳодисалар юз беради. Бир гап тилга тушдими, тамом, унинг ўнгу сўлига қараш йўқ. Уша рақам, далил ёхуд гап парвозини давом қилади. Мақоладан мақолага, китобдан китобга кўчади. Шундай ҳодиса Абдурахмон Жомийнинг Хуросон давлатининг ҳукмрони Абулқосим Бобур номини ўзида яширган муаммосининг ҳам бошига тушади. Асли Абдурахмон Жомийники бўлган бу асар иштибоҳан Алишер Навоий мулкига айланиб қолган. Бу хато кейинги даврларда пайдо бўлган. Эҳтимол, бунга Ғиёсиддин Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ» асари сабаб бўлгандир. Хондамир ўз асарида «Латифа» сарлавҳаси остида қуйидагиларни ёзади: «Ўғзал ва ҳусндор ёш бир тикувчи бор эди. Бир кун у Самарқандда саодатли Амир учун мулозимлари олдида тўн бичди. Шу чоқда Амирдан, менга бирор муаммо ўргатсангиз, деб илтимос қилди. Ул ҳазрат Бобур исмига айтилган бу муаммони унга ўқиб берди»...³⁴ (таъкид бизники — Р. В.).

Дарҳақиқат, муаммо муаллифининг номи тилга олинмаган бу жумла моҳиятини дарров пайқаб олиш қийинроқ. Шунинг учун унинг янги-янги талқинлари шаклланган ва муаммо Жомийдан Навоийга ўтиб қолган. Устод Садриддин Айний ўша муаммони келтиришдан олдин Хондамир латифасига «Навоий бу муаммоники, ундан Бобур номи чиқар эди, бадиҳатан (зудлик билан айтди ва ўқиди (гуфта хонд — таъкид бизники — Р. В.) жумласини қўшади³⁵. В. Абдуллаев эса «Макоримул-ахлоқ»дан олинган форсий парчани «Олий ҳазрат (Алишер — В. А.) Бобур исмига бу муаммони туздилар», — тарзида ўгиради³⁶. Мана шундай йўллар

³³ Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. Тошкент, 1968, 67—93-бетлар.

³⁴ Хондамир. Макоримул-ахлоқ. Тошкент, 1968, 109-бет.

³⁵ Айний С. Алишер Навоий, саҳ. 33.

³⁶ Абдуллаев В. Навоий Самарқандда, 79-бет.

билан бу муаммо Алишер Навоий шеъри сифатида шуҳрат қозониб келади. Тан олиш керак, бундай хато ўша мақолага қадар Ботирхон домланинг ҳам бошқа ишларида такрорланади. Жумладан, олимнинг мақоаларидан бирида ўқиймиз: «...Шулардан Аълоий Шоший ва тўн тикувчи ҳунарманд Бобур ҳақидаги муаммоларни, отахони Саййид Ҳасан Ардашерга йўллаган маснавийномасини, бир неча ғазалларини, Ҳусайн Бойқарога бағишланган «Ҳилолия» қасидасини эслатиш мумкин³⁷. Бу гапларни айтишдан мақсад, гуноҳкорларни аниқлаш, уларни танқид қилиш эмас, албатта. Муҳими, кеч бўлса-да, кичкина ҳақиқат тикланди, муаммонинг ҳақиқий муаллифи аниқланди.

Энди масаланинг яна бир қиррасига аниқлик киритиш лозим кўринади. Ўша муаммо қандай қилиб Алишер Навоий хотирасида ўрнашди ва у айтиб юрди. Масалага ойдинлик киритишда Ботирхон домла қандай манбаларга асосланди қабiliдаги саволлар ҳаммамизнинг шууримизда кезиб юради. Ботирхон домлага Абдурахмон Жомийнинг муаммо жанрига доир рисоалари ва Алишер Навоийнинг «Хамсатул-мутаҳаййирин» асари асос бўлиб хизмат қилди. Улуғ ўзбек шоири таржимаи ҳолидан равшанки, у Абдурахмон Жомийдан сабоқ олган. Айниқса, XV асрнинг 60-йилларида, Самарқандга жўнагунга қадар, устоздан сабоқ тинглаш билан бирга, унинг «Қофия», «Муаммо» ҳақидаги рисоаларини ҳам мутолаа қилган. Улуғ шоирнинг ўзи эътироф қилади: «...Яна «Муаммо»нинг иккинчи рисоласидурким, «Ҳулиятул-ҳулал»дин сўнграроқ битилибдур»³⁸. Нуриддин Абдурахмон Жомийнинг «Ҳулиятул-ҳулал» — «Муаммога доир кабир (катта) рисола»си Хуросон ҳукмрони Абулқосим Бобурга аталган. Баҳсимизга сабаб бўлган муаммо эса шу рисоладан жой олган. Алишер Навоий рисолаи мутолаа қилиш жараёнида эса сақлаш унча қийин бўлмаган муаммони ёд олиб, айтиб юрган. Зарур ўринларда улкан шоирнинг қудратли ҳофизаси кўмакка келган, уни вазиятдан чиқарган.

Улуғ шоир ҳаётининг 60-йиллардан кейинги саҳифа-

³⁷ Валихўжаев Б. Самарқандга мафтун эди.— «Ленин йўли», 1988 йил 9 февраль. Олим Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжоларини аниқлаб, шу мақоласига илова тарзида нашр қилдириди. Ўша тарихий жойларни И. Назаров, И. Оллаёров, Л. Тўраевалар Самарқанднинг тарҳига тушириб бердилар.

³⁸ Алишер Навоий. Асарлар тўплами, 15 томлик. 14-том, 60-бет.

ларида нафақат ўша муаммо, балки Абдурахмон Жомийнинг нуроний сиймоси устивор ўрнашиб қолди. Тақдир ўз чорраҳаларида уларни тез-тез юзлаштирди. Ҳатто бир муаллимдан дарс олиш, бир дарсхонада ўтириш, бир йўлдан юриш бахтини ҳам насиб этди. Бундай ажиб воқеа чорак асрнинг нари-берисида, «фирдавс монанд» Самарқандда кечган эди. XV асрнинг 40-йилларида Абдурахмон Жомий юрган йўлларида унинг табаррук изларини Алишер Навоий топди. Шу юз йилликнинг 60-йилларида ўша муборак излар уни Улуғбек Мирзо мадрасасига, донишманд муаллим Фазлуллоҳ Абуллайсийнинг хонадони ва дарсхонасига бошлади. Ҳиротда уланган ришталар Самарқандда билвосита чирмашди...

Тарих — мўъжиза мактаби. Унинг бағрида меҳр ҳам, қаҳр ҳам пинҳон. Тарих — адолат даракчиси. У ёвузлардан, қабоҳатдан, жоҳиллардан баланд туради. На зар, на зўр олдида бош эгади. Закий одамларнинг шижоатига умид боғлаб яшайди, уларга бағрини очади. Ботирхон домланинг Абуллайсийлар хонадони ҳақидаги туркум мақолаларини ўқиб, ниҳоят тўлқинланасан киши. Ушалар бизнинг завқимизни оширди, руҳ бағишлади. Яна бир ҳақиқат кашф этилгандай, яна бир асрор хазинасининг эшиги очилгандай бўлди. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг таниқли фикҳ олими Фазлуллоҳ Абуллайсийдан таълим олгани ҳақ гап. У сабоқ айтган хонақоҳ ўз маҳалласида бўлган. Энди сўз навбати устоз адабиётшуноса.

«...Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий... тахминан XV асрнинг 70-йиллари бошларида ҳаётдан кўз юмган. Унинг жасади ўзи қурдирган хонақоҳ яқинида жойлашган ота-боболарининг гумбази — мақбарасида дафн этилган. Бу мақбара ҳозир қайтадан тикланган. Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий қурган хонақоҳ сақланмаган бўлса-да, аммо унинг территориясида аллома (хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий — Р. В.) номидаги 15-ўрта мактаб жойлашган»³⁹. Ана шу мактабда Ботирхон домла ҳам ўн йил таҳсил кўрган. Уша табаррук ер парчасида ўрнашган дарсхоналарда улғайган. Фазлуллоҳ Абуллайсий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийлар руҳи нурафшон этган ёдгорликларга суқланиб қараган, уларда мўъжиза туйган. Уша совуқ тошлар остида мангу оромда ётган зукколар тарихи ҳақида кўпроқ билишни орзу қилган. Муаллимларнинг Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳақидаги суҳбатлари унинг билимга чанқоқ юрагига ўт ташлаганлиги турган гап.

Эҳтимол ўша йилларда у навоийшунос бўлишни, улуғ шоирнинг устоз, сафдош, издошлари ҳақида бир нималар ёзишни орзу қилгандир. Бугун забардаст олимнинг «Абуллайсийлар хонадони» туркум мақолаларини ўқиш бизни шундай хулоса сари етаклайди. Мақола мўйсафид тарихнинг олис қатламларидан, хонадоннинг асосчиси Фақеҳ Абуллайс Самарқандий ҳақидаги маълумотлар билан бошланади. Шарқда довруғ таратган бу ҳуқуқшунос олим 984 йилда вафот этган. Бироқ у асос солган анъанани хонадоннинг кейинги авлодлари муқаддас билиб асрашган, такомиллаштириш йўлидан боришган. Мақолаларда келтирилган бой тарихий, адабий-бадий ҳужжат ва маълумотлар айни ўша ҳақиқат фойдасига хизмат қилади.

Олим мазкур мақолаларида ўзини нафақат адабиёт тарихчиси, балки халқларимиз ижтимоий-сиёсий, маданий тарихи, урф-одатлари, илм-фани ривожланишини холисона баҳолай оладиган кенг қамровли тадқиқотчи сифатида ҳам кўрсата олган. Муҳими, у она шаҳрининг фидойи фарзанди сифатида кўзга ташланади. Мазкур мақолалар ҳақида яна кўп гапларни ёзиш мумкин эди. Айни замонда, уларда баҳсли, такмилини кутаётган, тўлдириш, қўшимча далиллар билан асослашга муҳтож ўринларнинг борлигини инкор этмоқчи эмасмиз. Чунки бугун ўқувчи ҳукмига ҳавола этилган маълумотлар, мулоҳаза ва хулосалар келажақда амалга оширилиши лозим вазифаларнинг дебочасидир. Биз бу ўринда бир гапни айтиш билан чекланамиз. Ушбу мақолалардан Самарқанд вилоятининггина хабардор бўлиши етарли эмас. Мазкур ишлар жумҳурият ва унинг сарҳадларидан олисларда яшаётган Шарқ адабиёти, маданияти, айниқса, Алишер Навоий ижодиёти мухлислари савиясига мос ёзилган. Навоийшунослик тарихи учун муҳим янгиликларнинг бу мақолаларда сероблиги кишини қувонтиради. Ушалардан алоҳида таъкидга молик бир нуқтани айтмай иложимиз йўқ. У ҳам бўлса адабиётшунос олим навоийшунослигимизда биринчилардан бўлиб Фазлуллоҳ Абуллайсий ва Алишер Навоий ўртасида шаклланган ота-ўғиллик муносабатларининг тарихий илдизларини кўрсатишга эришган. Жумладан, унинг мана бу жумлалари катта қизиқиш уйғотади: «...Фазлуллоҳ Абуллайсий... бир неча марта Ҳиротга борган. Шоҳруҳ даргоҳида хиз-

³⁹ В а л и х ў ж а е в Б. Абуллайсийлар хонадони.— «Ленин йўли», 1988 йил 27, 28, 29 сентябрь сонлари.

матда бўлганлар, жумладан, Ғиёсиддин Бахши, яъни Алишер Навоийнинг отаси билан таниш бўлганга ўхшайди»... «Ленин йўли», 1988 йил 29 сентябрь.

Ҳа, бугун улуғ ўзбек шоири муаллимларини йўқлаш, улар ҳақида ёзиш ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки муаллимсиз дунё ғариб, файзу шукуҳдан холидир. Айниқса, Фазлуллоҳ Абуллайсийдай бағри кенг устодлар ҳақида ёзмаслик гуноҳи азим ҳисобланади. Шу маънода Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари ўзгача маъно, айрича оҳанг касб этади.

Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор,
Форобий, Дантени такрор ва такрор.
Барини ўқидим, лол қолди ақлим,
Барига устозсан ўзинг муаллим.
Алишер қалбига солган сеҳр — файз,
Сенсан, эй муаллим, устоз Абул-лайс.

Чиндан ҳам Абуллайсийлар хонадони узоқ юз йилликлар давомида илму адаб арбоблари тарбияси йўлида беқиёс ҳисса қўшиб келди. Юқорида зикр этилган мақолаларда ана шу авлоднинг XVII асрга қадар бўлган тақдири хусусида жуда кўп тарихий манбалар, тазкира ва ёдномалар гувоҳлигида қизиқарли фикру мулоҳазалар баён этилган. Олимнинг улар номини абадийлаштиришга доир таклифлари ҳам аҳамиятлидир. Алқисса, адабиётимиз тарихининг маълум босқичларида фаол кўрсатган, ўзидан салмоқли маънавий мерос қолдирган ижодкорлар, уларнинг устоз ва муаллимлари ҳақида илмий-оммабоп мақолалар эълон қилиш йўлидаги ташаббус олқишга сазовор. Келажакда бу йўналишдаги изланишларни давом эттириш адабиётшунослигимиз олдида турган муҳим вазифалардандир...

Ботирхон домланинг мақолаларидан яна бири⁴⁰ навоййшуносликнинг назарий томонлари, умуман, адабиёт назариясига бағишланганлиги билан диққатга молик. Масалага юзаки қараганда, мақолада кўтарилган мавзу фан учун унча муҳим эмасдай кўринади. Чунки унда икки сўз ҳақида гап боради. «Туркий» ва «туркийгўй» сўзларининг маъно жиоларига доир баён этилган мулоҳазалар билан танишгач, ўқувчининг фикри ўзгаради, фаннинг маълум тармоғи учун масаланинг катта-кичиги бўлмаслигига қаноат ҳосил қилади. Ма-

⁴⁰ В а л и х ў ж а е в Б. Алишер Навоий туркий ва туркийгўйлик ҳақида.— «Адабий жанрлар ва бадний маҳорат масалалари». Самарқанд, 1988, 56—62-бетлар.

қолага жалб этилган бой мисоллар «қилни қирқ ёриш» қабилида таҳлилга тортилади. «Туркий» ва «туркийгўй»нинг сўз ҳамда атама сифатидаги маънолари заргарона аниқлик, сезгирлик билан кўрсатилади. Ўртага қўйилган мушоҳадалар кўп сонли мисоллар кўмагида тасдиқланади. Мақолада атрофлича илмий таҳлил замиридан келиб чиқадиган мана бу дастлабки умумлашмаларнинг борлиги унинг фандаги аҳамиятини янада оширади. Алишер Навоий «туркий» сўзини асл маънода (муайян халқ ва тил) ҳамда адабиётшунослик термини сифатида қўллаган. У шундан келиб чиқиб, «туркийгўй» сўзини ҳам икки хил маънода — биринчиси, қадимги ўзбек тилида бадий асар ёзувчи ва иккинчиси туркий жанрдаги ғазаллар битувчи маъноларидан ишлатган. Алишер Навоийнинг туркий ва унинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги фикрлари халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт ўртасида давом этган қадимий ижодий ва ҳаётбахш алоқалар ҳақидаги маълумотларни янада кенгайтиради.

Ботирхон домла учун такрор мулоҳазалар баёнидан иборат катта масалаларга доир мақолалардан кўра, янгилиги бор кичик мавзулар афзал кўринади. Ана шу нуқтаи назардан адабиётшунос олимнинг «Риёзаш-шуаро»да ўзбек адабиёти намояндалари», «Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ» илмий мақолалари катта аҳамият касб этади⁴¹. Биринчи мақолада биргина манбада Алишер Навоий таржиман ҳоли, ижод йўли ҳақида билдирилган мулоҳазалар ғоят синчковлик билан ўрганилади, шу манбадаги янги факт ва қарашларни ажратиб кўрсатишга урғу берилади. Иккинчи мақоланинг номидан равшанки, у Шарқ шеъриятининг жажжи жанрларидан бўлган туюқни назарий жиҳатдан тадқиқ этишга қаратилган. Ҳар иккала мақола ҳам ўз муаллифи табиатидан келиб чиқадиган ажойиб фазилатларга бейлиги билан ажралиб туради. Алишер Навоий ижодиётининг назарий муаммолари Ботирхон домла илмий кузатишлари занжирида бош ҳаяқалардан ҳисобланади. Бу, айниқса, унинг «Хамса»га доир тадқиқотларида равшан намоён бўлади.

ЭМАС ОСОН БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ

Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»и Шарқ халқлари адабиёти тарихида Абулқосим Фирдавсийнинг

⁴¹ Валихўжаев Б. «Риёзаш-шуаро»да ўзбек адабиёти намояндалари.— «Адабий мерос», 1988, 4 (46)-сон, 21—26-бетлар;

«Шоҳнома»сидан кейинги мўъжиза сифатида майдонга келди. Бу, ўз навбатида, шеърият оламида инқилобий ўзгариш ясади, жуда кўп ижодкор қалбларни жунбушга келтирди. «Панж ганж» бадий сўз санъати майдонида ижодий мусобақанинг авж олишига ижобий туртки берди. Маҳорат даражасини синаш, қалам қудратини намоёиш этишнинг ўлчов бирлиги бўлиб хизмат қилди. Бадий калом оламида туғилган бундай қутлуғ анъана қадимий шеърият заминиде вужудга келди. Шарқ халқларининг теран томирли бадий завқи, тафаккурининг ҳосиласи сифатида дунёга келган «Панж ганж» йирик ҳажмли, кенг қамровли асарлар ижод қилиш ҳаракатини авж олдирди. Шубҳасиз, қизғин ижодий изланишларнинг ўртасида чўнг қоя бўлиб Низомий Ганжавийнинг ўша ўлмас асари турди. Шарқ халқлари адабиётида «Қони фазилат гуҳарига амин, Баҳри балоғат аро дурри самин» — Низомий Ганжавийга издошлик авж олди. Бундай ижодий беллашув хилма-хил йўналишларда давом этди. Айрим ижодкорлар «Панж ганж»га жавоб айтишни орзу қилсалар, бошқалари ўша баҳри кабир бағридаги бирон-бир асарга татаббуъ қилишни лозим топишди. Шундай ноёб хазинадан ўз халқи бебаҳра қолишини истамаган табъ аҳллари эса ижодий эркин таржима йўлини маъқул кўрдилар.

Равшан бўлаётирки, Низомий Ганжавийнинг «Панж ганж»и чиндан ҳам бадий сўз санъати оламига ғулғула солган, янги-янги асарлар, адабий ҳодисаларнинг туғилишида доя бўлган эди. Улуғ озар шоиридан роп-пa-роса уч юз йил кейин дунёга келган Алишер Навоий адабий ҳаётга қадам қўяркан, уч асрлик тараққиёт йўлини бошидан кечирган анъана билан юзма-юз келди. Туркий адабиёт бўстониға разм солди, унинг нигоҳи туркийда битилган хамсаға тушмади, нозик қалбида ўкинч уйғонди. Она халқи адабиётидаги бундай бўшлиқ, кемтикликни тўлдиришға аҳд қилди. Шарқ халқлари адабиёти ва кўҳна тарихи саҳифаларини варақлашға тушди:

Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих
Борида иста бу фархунда тарих.
Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз

(«Хамса», 164-бет).

Яна: Алишер Навоий ва унинг издошлари талқинида туюқ.— «Адабий мерос», 1973, 3-сон, 148—151-бетлар.

Алишер Навоий қалби истаган далиллар, маълумотларни тўплади. Ўзига қадар яратилган «Хамса»лар билан ошно бўлди, уларни синчковлик билан назардан ўтказди. Устозларнинг ютуқ ва нуқсонларини белгилаб олди. Улар ҳақида дадил ёзиш учун ўзида поэтик жасорат туйди. Аммо шарқона одобни унутмади, хоксорлик журъатдан баланд келди. Шоир уни ўқувчиларидан сир тутмади, балки бу ҳақда рўйирост ёзди.

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ.
Тутайким қилди ўз чангини ранжа,
Неким урди анинг чангига панжа,
Керак шер оллида ҳам шери жанги,
Агар шер ўламаса, бори паланги
(«Хамса», 158-бет).

Алишер Навоий Самарқандда толиби илм бўлиб юрган кезларида устози, отахони Саййид Ҳасан Ардашерга йўллаган шеърий мактубида «Агар хосса маъно гар ийҳом эрур, анинг кунда юз байти ҳолвам эрур»,— деб ёзади. Улуғ шоир фикрини давом эттириб, лозим топилса, бир кунда икки юз байт шеър ёза олишга қурбн етажагини таъкидлаган эди. Маснавий давомида Фирдавсий ўттиз йилда ниҳоясига етказган «Шоҳнома»ни ўттиз ойда якунлаш имконияти мавжудлиги устида гап боради⁴². Алишер Навоийнинг бундай сатрлари муболағали, камтарликдан йироқ бўлиб кўриниши мумкин. Аммо улуғ ўзбек шоири табиасти учун ноўрин лоф уриш, йўқ нарсани бор қилиб кўрсатиш каби нуқсонлар мутлақо ётдир. У бундай ўринларда Шарқ классик шеърлятида мавжуд бўлган фахрияга таянган ва ўзининг муайян имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мушоҳада юритган.

Зеро, Алишер Навоийда ўшандай улкан қобилият бор эди. Унинг парвози учун эса ҳали зарур шарт-шароит етилмаган, моддий ва маънавий имкониятлар тўсқинлик қиларди. XV асрнинг 80-йилларида ўшандай вазият етилди. Адабий ҳаёт, туркий тилдаги адабиётнинг шу даврдаги нуфузи, Алишер Навоийнинг ижодий камолати «Хамса»дай йирик ҳажмли асарнинг бунёдга келишини тақозо қила бошлади. Улуғ ўзбек шоири бундай заруратни зукколик билан илғади ва енг шимариб ишга киришди. Тарихан ниҳоятда қисқа бир муддат ичида 51.230 сатрдан иборат нодир асар ёзиб

⁴² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. Тошкент, 1988, 529—530-бетлар.

тугатилди. Асар учун сарфланган умр вақтини шоирнинг ўзи «Хамса» хотимасидаги «хаёлий туш» тасвирига тегишли саҳифаларида қуйидагича ифодалайди:

...Ўқ эрса эрур асру савдойи хом,
Ики йилда бир «Хамса» қилмоқ тамом!
Қаю «Хамса», беш гавҳар отуда ганж,
Тасарруф жафосидин осуда ганж...

(«Хамса», 850-бет).

Алишер Навоий «Хамса»си ҳаққоний шуҳрат билан эгизак туғилди. Асар ижод аҳли ва шеърят муҳиблари томонидан хуш кутиб олинди. У ҳақдаги дастлабки жиддий ва салмоқдор мулоҳазаларни Нуриддин Абдурахмон Жомий айтди...

Совет навоийшунослигида туркий тилдаги бу ягона «Хамса»га қизиқиш асримизнинг 40-йилларида бошланди⁴³. Бирин-кетин С. Айний, Ойбек, О. Шарафуддинов, Е. Э. Бертельс, А. Қаюмов, А. Хайитметов, Т. Жалолов, П. Шамсиев, С. Нарзуллаева, С. Эркинов, А. Абдуғафуров, Т. Аҳмедов, М. Муҳиддинов, М. Ҳамидова ва яна бир қатор олимларимизнинг Алишер Навоий «Хамса»сига доир мақола, рисола ҳамда китобчалари босилиб чиқди. Айниқса, бу шоҳ асар ниҳоясига етганлигининг беш юз йиллигини нишонлаш муносабати билан хамсашунослик анча олға силжиди. Асар матни қисқартиришлар билан нашр қилинди. Вақтли матбуотда илмий-оммабоп мақолалар босилди, мажмуалар тузилди. Агар кейинги йигирма йилдан ортиқ давр ичида жумҳурият миқёсида Алишер Навоий ижодиёти тадқиқига доир уч тўплам нашр қилинган бўлса, кейингиси «Алишер Навоий «Хамса»си» номи билан (Тошкент, 1986) тўлалигича шу туркум дostonлар йиғиндисига бағишланди. Кўринадики, хамсашунослик бобида талайгина ишлар амалга оширилган. Аммо шу тадқиқотлар бу жабҳада бажарилиши зарур ишларининг қилинганларидан анча кўп эканлигини кўрсатди...

Шарқ халқлари адабиётида хамсачилик анъанаси ва Алишер Навоий «Хамса»си ҳақида гап кетар экан, Ботир Валихўжаев номини алоҳида таъкидламоқ лозим. Чунки заҳматкаш олим ана шу ниҳоят салмоқли мав-

⁴³ Алишер Навоий «Хамса»си таркибидаги дostonларни қиёсий таҳлил услубида ўрганиш ҳаракатини марҳум адабиётшунос Олим Шарафуддинов бошлаб берган эди. Қаранг: Шарафуддинов О. Танланган асарлар. Тошкент, 1978, 104—155, 163—180-бетлар.

зу тадқиқиға ҳам катта ихлос ва айрича иштиёқ билан киришган навоийшунослардандир. Унинг кузатишларида «Хамса»га муносабат икки катта йўналишда давом этади. Олимнинг ўзбек эпик поэзияси тарихини яхлит ўрганишга қаратилган илмий кузатишлари марказида «Хамса» дostonлари туради. Адабиётимиз тарихининг Алишер Навоийга қадар ва ундан кейинги даврларида вужудга келган дostonлар «Хамса» таркибидаги «Хайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъан сайёр», «Садди Искандарий» дostonлари билан қиёсланади. Қиёсий таҳлил ёрдамида пишиқ илмий хулосалар ўртага ташланади. Олимнинг кўнгли бу билан ҳам таскин топмайди. У «Хамса»га доир бир даста махсус тадқиқотлар яратишга улгурди. Унинг шу йўналишдаги дастлабки йирик илмий мақоласи 60-йилларда Самарқанд Давлат дорилфунунининг «Асарлари»да чоп қилинган эди. Орадан ўтган ўттиз йилга яқин давр ичида эса унинг ўндан зиёд илмий ва илмий-оммабоп мақолалари жумҳурият нашрларида босилиб чиқди. «Хамсачилик анъанасининг айрим хусусиятлари», «Хамса такмили», «Алишер Навоий «Хамса»си ҳақида замондошлари», «Алишер Навоий «Хамса»си ва унинг Шарқ халқлари адабиёти тараққиётида тутган ўрни», «Хамса» ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати» каби мақолалари ана шулар жумласидандир.

Бу мақолалар, аввало, ўз муаллифи талаблари ва табиатига мос савияда ёзилганлиги билан диққатни тортади. Уларда кўп сонли адабий далиллар замиридан келиб чиқадиган бўлиқ назарий хулосалар сероб. Шунинг учун бу мақолалар адабий-илмий жамоатчилик диққатини ўзига қаратади, мароқ билан ўқилади. Адабиётшунос олим «Хамса»ни Шарқ кўҳна шеърятининг адабий жанри сифатида тушунади ва талқин этади. Ана ўша ўзак гоё унинг барча мақолаларида ўзини кўрсатади ва уларда бу мустақил адабий жанрнинг маълум қирраси атрофлича таҳлил этилади. Олимнинг «Хамса»га доир кузатишлари шу жиҳати билан мазкур йўналишда яратилган бошқа тадқиқотлардан ажралиб туради. Албатта, бу таъкид билан бошқа устоз адабиётшуносларнинг хизматлари камситилмайди. Уларда ҳам назарий қарашлар, «Хамса»ни дунёга келтирган омиллар, Алишер Навоий асарининг фазилатлари, бадинияти, адабий анъанага муносабати каби кўламдор масалаларга доир пишиқ хулосалар ўртага қўйилади. Шу жиҳатдан таниқли навоийшунос олим

А. Ҳайитметовнинг мана бу жумлалари катта қизиқиш уйғотади: «Навоийни эса энг мураккаб, энг юқори, бор жаирларга ўхшамайдиган, шу вақтга қадар туркий халқлар адабиётида учрамаган жанр, унинг қалбидаги ғоя ва мақсадларини тўла тасвирлаш имконини берадиган жанр қизиқтирар эди. Навоий учун шундай жанр «Хамса» эди. «Хамса»нинг Навоийга энг ёққан томони, унда фикр ва туйғуларни ифодалашга имкониятнинг кенглиги, сунъий ғовларнинг йўқлиги эди. «Хамса» бир неча дostonларни ўз ичига олган йирик шеърий туркум, дostonлар йиғиндиси бўлиб, бу анъанани улуг озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141—1209) бошлаб берган»⁴⁴.

Кўринадики, кўчирилган иқтибосда ҳам анчагина назарий мушоҳадалар ўртага қўйилган. Бундай манзарани хамсашуносликка улўш бўлиб қўшилган яна талайгина илмий кузатишларда ҳам кўришимиз мумкин. Бироқ ҳар бир тадқиқотчида ғоя ва мақсадлар, қизиқишлар доираси бўлиши табиий эканлигини ҳам унутмаслик даркор. Шундай экан, ана ўша бош ғоя ва мавзу уни ўзига чорлайди, қалам ушлатади. Ботирхон домланинг хамсачилик анъанаси занжиридан топиб олган бош ҳалқаси, сиғинадиган нуқтаси жанр табиати, унинг туғилиши ва такомили масалаларидир. Ана шу нуқтаи назардан олимнинг «Навоий ва ижод сабоқлари» (1981) тўпламида эълон қилинган мақоласи катта қизиқиш уйғотади. Мазкур мақолада уйғониш даврининг юксак бадий обидаси бўлган «Хамса» жанрини келтириб чиқарган омиллар тадқиқ этилади. Рўйирост айтиш керак, форс-тожик адабиёти, айниқса, эпик поэзиясининг тараққиётидан пухта хабардор бўлмай туриб, «хамса»нинг шаклланиш йўли ҳақида ишонтирарли гап айтиш имкондан ташқари, албатта. Ботирхон домла икки, бир-бирига қардош адабиёт далилларини қўш кафтларида тенг тутгани ҳолда мунозара майдонига киради ва зарур бўлганда керакли маълумотларни ишга сола олади. Шубҳасиз, бундай услуб ижодий мушоҳада майдонини кенгайтиради. Бу мақолада очиқ-ойдин кўринади. Адабиётшунос олим Абу Абдулла Рудакийнинг «Калила ва Димна», «Синдбоднома», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Абдулжамид Санойининг «Вис ва ромин» асарларини тилга олади,

⁴⁴ Ҳайитметов А. Навоий эстетикасининг юксак босқичи.— Алишер Навоий «Хамса»си, 35-бет.

уларга таянган ҳолда дадил умумлашмаларини баён этади.

Адабиётшунос олим ўн йилдан зиёд давр ичида дорилфунун тожик тили ва адабиёти кафедрасини бошқарди. Ўзбек ва тожик гуруҳлари талабалари учун икки адабиётдан икки тилда баб-баравар дарс берди. Икки адабиёт тарихини тенг кўриб тадқиқ этди, тожик ва ўзбек тилларида ажойиб мақолалар ёзди. Шунинг учун зикри ўтган асарлар ҳақидаги мулоҳазалар ҳақиқатга рост келади, дадил жаранглайди. «Юқорида эслатилган асарларнинг бир гуруҳи шаклий жиҳатдан моносюжетли бўлса, иккинчи гуруҳи полисюжетли ва яна бир хили мақолотлардан иборат. Буларнинг ичида машҳур «Шоҳнома» ўзининг бадий структураси билан ажралиб туради. Чунки у мифологик, афсонавий ва тарихий мавзудаги поэмалардан ташкил топган бўлиб, ягона ғоя уларни маълум бир қолига — циклга бирлаштиради. Шунинг натижасида «Шоҳнома» ғоявий-бадий бир бутун шоҳ асарга айланган. «Хамса» ана шундай мавжуд аъъана заминида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган адабий жанр сифатида адабиёт тарихига кириб келди» (29-бет).

Олимнинг бундай ҳар тарафлама асосланган хулосасини фақат маъқуллаш мумкин, холос. Чиндан ҳам хамсалар таркибидан жой олган дostonлар билан «Шоҳнома» қисмлари ўртасида воқеабандлик, ҳаётий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантириш санъати нуқтаи назаридан муштараклик равшан кўзга ташланади. Ботирхон домланинг хамсачилик аъъанасига доир қарашларида яна талайгина алоҳида қадрланишга сазовор нуқталар бор. Маълумки, жумҳуриятимизда нашр қилинган бир қатор дарслик ва қўлланмаларда «Хамса» таркибидаги дostonларни мустақил асарлар сифатида тақдим этиш ҳоллари кўзга ташланади. Масалага бундай ёндашув «Хамса»нинг жанр сифатидаги ўзига хослигига путур етказди, унинг оҳорини тўкади. Олим бундай муносабатга хайрихоҳ эмас. У «Хамса» таркибидаги дostonларни «ғоявий-бадий жиҳатдан яхлит бир цикл, туркумни ташкил этувчи» асарлар сифатида қараш тарафдоридир.

«Хамса» таркибидан жой олган дostonлараро ғоявий-бадий боғлиқлик борлигини тан олиш проф. А. Ҳайитметовнинг тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади. Шунингдек, олимнинг «Хамса» туғилишининг байналмилал моҳиятига доир мулоҳазалари эътиборга сазовор. Дарҳақиқат, «Хамса» бадий сўз санъатининг

нодир ҳодисаси ўлароқ Озарбайжонда — Ганжада дунёга келди, Ҳиндистонда ривожланди, Хуросонда — Ҳиротда такмилига етди, «озарбайжон, ҳинд, форс-тожик, ўзбек ва бошқа халқларнинг бадий тафаккури муваффақиятларини ўзида мужассам этди» (Ўша тўп-лам, 30-бет). Мақолада баҳсга киришилган саҳифалар кўзга ташланади. Жумладан, «Хамса» атамаси ва унинг адабий ҳаётда қўлланилиши билан алоқадор мунозара алоҳида қизиқиш уйғотади. Олим шу масалада А. Н. Болдирев, Ч. Г. Байбурди каби таниқли шарқшунослар билан баҳслашади. Унинг адабий маълумотлар гувоҳлигида баён этган хулосасига кўра, XIV асрдан бошлаб «Панж ганж» билан ёнма-ён равишда «Хамса» ҳам муомалага кирган шоир ва олимларнинг асарларида қўлланила бошлаган. Модомики, ўша давр адабий асарларида бу атамалар кўзга ташланар экан, мунозара учун асос йўқлиги ўз-ўзидан аён ҳақиқатдир.

Таҳлил этилаётган мақолада кузатиладиган яна бир ноёб фазилатни алоҳида таъкидлашни истардик. Биз баъзан асални истеъмол қиламиз-у, уни йиққан табиат мўъжизаси — асалари заҳматини унутиб қўямиз. Биз устоз асарларини алоҳида бир ҳайрат билан ўқир эканмиз, асаларининг машаққатли заҳмати кўз ўнгимизда гавдаланади. Устоз ўша мақоласида хамсачилик анъанасининг давоми ҳақида гапириб, шу қадар кўп мисоллар келтиради. Муҳими шундаки, мақолада зикри бериладиган ижодкорлар турли даврларда, ниҳоятда кенг жуғрофий тарқоқликда яшаб ўтганлар. Уларнинг барчаси ҳақида яхлит маълумот берувчи манба эса учрамайди. Кўринадики, йиллар давомида турли манбалар бағридан уларни йиғишга тўғри келади. Бундай ҳаракат катта сабру бардош, қунт ва чидам, синчковликни тақозо этади.

Шарқ халқлари адабиётида хамсачилик анъанаси ҳақида гап кетганда, Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг номларини тилга олиш расм бўлган эди. Ботирхон домланинг тадқиқотлари туфайли ўзбек адабиётшунослиги бу борада янада кенгроқ маълумотларга эга бўлди. Мақолада Ҳожу Қирмоний (1281—1352), XVI—XVII асрларда яшаган турк шоирлари Ҳамидулла Ҳамдий, Яҳё Наргисий, ҳиндистонлик Муҳаммад Амин Шаҳрустоний (вафоти 1673), Бадриддин Қашмирийларнинг (XVI аср) бешлик ва еттиликлари номманом келтирилади. Абдибек Шерозий (XVI аср) бир

эмас, балки уч бешлик яратган: «Жоми Жамшидий», «Ҳафт ахтар», «Мажнун ва Лайли», «Мазхарул-асрор», «Оиннаи Искандарий», «Жавҳари фард», «Дафтари фард», «Тарабнома», «Фирдавсул-Орифин», «Анвари тажалли», «Равзатус-сифат», «Давҳатул-азҳар», «Жаннатул-асмор», «Зинатул-авроқ», «Саҳифатул-ихлос». Мақоланинг муваффақияти маълумотларнинг бир жойда жамланишида эмас, албатта. Биринчидан, турли юртларда яшаган ижодкорларга мурожаат этиш билан олим туркум дostonлар яратиш доирасининг асрлар оша кенгайиб, байналмилал моҳияти чуқурлашганини асослашга эришган. Иккинчидан, Низомий Ганжавийдан бошланган хамсачилик анъанасининг замонлар оша такомиллашиб, турли хил йўналишларда амал қилганини кўрсатишга муваффақ бўлган.

Олимнинг Алишер Навоий «Хамса»си, унинг кейинги даврлар хамсачилик анъанасига ўтказган ҳаётбахш таъсири хусусидаги мулоҳазалари мароқ уйғотади. Ўзининг хамсачилик анъанасига доир фикрларини ривожлантириш, сайқал бериш, янги ва муайян маълумотларга таянган ҳолда чуқурлаштириш йўлидан боради. Яъни ўз-ўзини таҳрир қилиш тажрибаси адабиётшунос олимнинг ижодий фаолиятида амал қилади. Тан олмоқ даркор, бу фазилат ижодкорни камолга етказди. Унга обрў ва эътибор тўхфа этади. Олимнинг энг янги мақоласи шу йили «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида эълон қилинди. Мазкур тадқиқот ҳам хамсачилик анъанаси мавзуга бағишланган. Мақолани назардан ўтказмоқ шуни кўрсатадики, олим ўз мулоҳазалари устида ўйлашни изчил давом эттирган. Янги маълумотлар топиб, айрим қарашларига аниқлик киритган, «Панж ганж», «Хамса» ёзиш даъвоси билан адабиёт майдонида жавлон урган ижодкорларни аниқлашда давом қилган. Олимнинг қатъий таъкидига кўра, бу борада қизгин фаолият кўрсатган қалам аҳлининг сони олтмишдан ортиқдир. Унга шундай ишончли маълумотни дадил айтиш ҳуқуқини эса қадимий тазкиралар берган.

Мақолада уқтирилишича, Мир Қамариддин Сайид Машҳадий адабиёт оламида «Миннат» тахаллуси билан шуҳрат пайдо қилган ва Низомий Ганжавий ҳамда Амир Хисрав Деҳлавийлар таврида ўнта маснавий яратган⁴⁵. «Хамса»нинг Шарқ халқлари адабиёти тарихидаги байналмилал адабий ҳодиса эканлиги адаби-

⁴⁵ «Ўзбек тили ва адабиёти», 1990, 1-сон, 16-бет.

ётшуноснинг олдинги мақолаларида таъкидланган эди. Янги ишида ўша фикр сақлангани ҳолда, унинг асрлараро масофа майдони кенгайтирилади, XII—XIX асрлар тарзида талқин қилинади. Равшан бўлаётирки, хамсачилик анъанаси Шарқ халқлари адабиёти тарихида етти асрлик тараққиёт йўлини бошидан кечирган. Масаланинг бундай тус олиши бу жабҳадаги илмий изланишларни янада маҳсулдорроқ давом эттиришни тақозо қилади. Ботирхон домланинг хамсачилик мактаби ичида юз берган янги-янги йўналишлар ҳақида қуйида келтирадиган таъкидлари ҳам бизнинг фикримизга қувват беради. «XII—XV асрлар давомида, яъни Алишер Навоий «Хамса»си яратилгунга қадар, бир томондан, Низомий Ганжавий асос солган хамса ёзиш анъанаси, яъни ғоявий-бадий жиҳатдан яхлит дostonлар туркумини яратиш йўналиши давом этган бўлса (масалан, Хусрав Деҳлавий), иккинчи томондан, XIV асрдан бошлаб бу анъанага бешта дostonдан иборат туркум асарлар — панж ганж ёзиш (масалан, Ҳожу Кирмоний) анъанаси ҳам бошланган эди. Алишер Навоий бадий қомуси «Хамса»сини хамсатайн (Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари) йўналишида яратгандан сўнг, юқорида уқтирилганидек, туркум дostonлар (хамсатайн, панж ганж) яратиш анъанасида янги — сабъа, яъни етти дostonдан ташкил топган туркум, кейинчалик эса ситта, яъни олти дostonдан иборат туркум майдонга келди. Бундан шундай хулосага келиш мумкин-ки, Алишер Навоий «Хамса»си бу янги туркумларнинг майдонга келишига туртки бўлган кўринади⁴⁶.

Мақолада бундай бўлиқ умумлашмалар анчагина топилади. Шу ўринда яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Маълумки, навоийшунослигимизда «Хамса» яратилган давр 1483—1485 йиллар тарзида кўрсатилади. Алишер Навоийнинг ўзи асар хотимасида бундай салмоқли иш икки йилда ниҳоясига етказилганлигини қайд этган. Кўринадики, бу масалада Алишер Навоий ва навоийшунослик қарашларида ноаниқлик мавжуд. Ботирхон домла ана шу «кичик» масалага ойдинлик киритишга жазм этади. Бунинг учун олим жомийшунослик ютуқларига суянади. Профессор А. Асфаҳзоднинг Абдурахмон Жомий адабий-бадий фаолиятини илмий аниқлик билан ўрганишга қаратилган китобларини синчиклаб назардан ўтказди.

⁴⁶ Ўша мақола, 17-бет.

Хамсачилик анъанасига доир изланишлардан кўринадик, Абдурахмон Жомийнинг «Хирадномаи Искандарий» асари 1484 йилнинг декабрь ойида ниҳоясига етказилган экан. Энди бемалол хулоса чиқариш мумкин. Чунки таянч нуқта топилган ва у Алишер Навоийнинг «Хамса»си 1484 йилда ёзиб тугатилган деган фикрни ўртага ташлаш имконини беради. Сабаби эса аён. Абдурахмон Жомий Алишер Навоий «Хамса»сини ўқиб, ундан олган таассуротини «Хирадномаи Искандарий»да образли ифодалаб берган эди. Агар Алишер Навоийнинг асари Абдурахмон Жомий «Ҳафт авранг»идан кейин 1485 йилда ёзиб тугатилганда эди, биз эслатган ҳолат содир бўлмаган бўлур эди. Шундай қилиб, улуғ ўзбек шоирининг «Хамса»си 1483—1484 йилларда, атиги икки йил ичида ёзиб тугатилган экан. Бу хулосанинг тасдиқ муҳри эса «Садди Искандарий» достони сўнггида берилган «Хаёлий туш» тасвирида яққол кўзга ташланади. Олимнинг хамсачилик анъанасига доир изланишлари унинг ҳаракат доирасини Иттифоқимизнинг сарҳадларидан анча олисларга — Афғонистон, Покистон, Эрон ва Ҳиндистон манбаларига улаб қўйди. Унинг бундай уринишлари ўзининг дастлабки ижобий самараларини бера бошлади. Олимнинг шу йўналишдаги жиддий илмий мақолалари яратилди. Улардан айримлари эса ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. «Алишер Навоийнинг Ҳиндистондаги анъаналарига доир» мақоласи олимнинг ўшандай ишлари сирасига кирази⁴⁷. Мақола эслатилган мавзуда ёзилиши муқаррар бўлган туркум илмий ишларнинг дебочасидир. Шунинг учун ҳам унда Алишер Навоий адабий меросининг Ҳиндистонга кириб бориши йўллари ҳақида батафсил фикр юритилади. Улуғ ўзбек шоири асарларининг Ҳиндистонга кириб бориши ва тарқалиши воситаларини етарли илмий асосламай туриб, унинг анъаналари таъсири ва берган самараси хусусида фикр юритиб бўлмайди.

СЎЗНИ ЖАҲОН БАҲРИДА ДУРДОНА БИЛ

Алишер Навоий сўзни юксак қадрлаган ижодкор. Унинг талқинича, ана шу сўз инсониятнинг муҳим белгиларидан бири ва инсоннинг ҳайвондан тафовутини амалга оширган омилдир. Улуғ ўзбек шоири тасавву-

⁴⁷ Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Ҳиндистондаги анъаналарига доир.— «Адабий мерос». 1982, 1 (21)-сон, 36—40-бетлар.

рида сўз кенг маъноли мўъжиза. Шунинг учун ҳам унинг асарларида сўз таърифи тез-тез кўзга ташланади. Ҳар гал улуғ шоир сўзнинг янги мазмун қирраларини кашф этади. Алишер Навоий ижодиятида яна бир тушунча ҳукмронлик қилади. Бу сўзнинг бекаму кўст авлодларга етиб бориши котиблар — хаттотларга боғлиқлигидир. Шунинг ҳисобга олган улуғ ўзбек шоири «Маҳбубул-қулуб»да «котиблар зикрида» махсус мулоҳаза юритади. У бу тоифанинг бурч ва масъулияти ҳақида тўхталиб, ёзади: «Котиб шуаро сўзининг варақнигоридур ва сўз махзанининг хазонадори. Хозин ҳунари амонат бўлур ва тасарруфи хиёнат бўлур»⁴⁸. Алишер Навоий ана шу лўнда хулосасини ўз асарида батафсил шарҳлайди. Котиб аҳлининг масъулияти, бурчи ва шарафини атрофлича баҳолайди. Улуғ шоир мушоҳадалари мана бу қасамёд-байти билан хотима топади.

Қайси бир китобки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлуқ боши бўлсун қалам янглиғ ишкоф...

Улуғ шоирнинг маънавий хазинасидан кўчирилган бундай иқтибослар ҳар қандай соғлом фикрли китобхонни ҳам ўйлашга мажбур қилади, унинг қалбида талайгина ҳақли саволлар ғулғула солади. Хаттотлар хизматини шу қадар улуғлаган шоир наҳотки ўз қўлёзмаларига бефарқ қаради, уларнинг нодир ёдгорлик сифатида келгуси авлодларга етиб боришини истамади? Шу қабилдаги сўроқлар, уларнинг жавоблари турлича бўлиши турган гап. Бироқ Алишер Навоийнинг табиати ва таржимаи ҳолидан хабардор китобхон улуғ бобокалоннинг ўз қўлёзмаларига нисбатан шафқатсизлик қилмаганига қаттиқ ишонади...

Алишер Навоий дастхати масаласи узоқ йиллар навоийшунослигимиз учун жумбоқ бўлиб келди. Бир гуруҳ олимларимиз ўша нодир қўлёзмаларнинг қачонлардир топилишига умид боғлашса, бошқалари ҳеч иккиланмай, уларнинг сақланмагани ҳақида қатъий фикр билдирдилар. Улуғ ўзбек шоири лирик мероси билан матншунослик йўналишида узоқ йиллар илмий тадқиқот олиб борган Ҳамид Сулаймоннинг қуйида келтирилган жумлалари ана ўша жиҳатдан диққатни тортади. «...Модомики, шундай экан, ҳар бир китобхонда дарҳол савол туғилади — Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган автор оригиналлари (автографлари)

⁴⁸ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том, 22-бет.

сақланганми, йўқми? **Жавоб битта — йўқ!** (таъкид бизники — *Р. В.*). Навоий қўлёзмаларини ўрганиш ва уларнинг палеографик хусусиятларини текшириш борасида олимларнинг узоқ йиллик тажрибалари шуни кўрсатадики, шоир автографлари ўз замонасидаёқ ҳалокатга йўлиққан бўлиши керак, энди уларнинг топилиши эҳтимолдан узоқдир»⁴⁹. Кўринадики, навоийшунос олим бу масалада шошилишч ҳулосага келиб, жиддий хатога йўл қўйган. Проф. Ҳамид Сулаймон юқоридаги мулоҳазаларини қуйидагича шарҳлаб, йўл қўйилган хатони янада чуқурлаштиради: «Буни шундай изоҳлаш мумкин. Навоий ярим аср давомида қалам тебратди, турли мавзуларда жуда кўп асарлар яратди. Мантиқ шуни кўрсатадики, шоир яратган ҳар бир ғазал, ҳар бир байт, ҳар бир прозаик парча оригинали қоғоз парчаларига автор қўли билан оддий хатда, ягона нусхада ёзилган бўлиб, бу асарларга кейинчалик турли тузатиш ва ўзгартиришлар киритилганлиги табиийдир. Бу хилда қора қилинган қоғоз парчаларини беш юз йил давомида сақланиб, бизга қадар етиб келишига ақл бовар қилмайди» (ўша бет).

Олимнинг бу фикрлари мунозарали бўлиб, уларга асло қўшилиб бўлмайди. Наҳотки, Машҳад ва Самарқандда толиби илм бўлиб юрган Алишер Навоий ўз асарларини «қоғоз парчалари»га ёзган бўлса? Алишер Навоий адабий ҳаёт ҳодисаларига ўта талабчанлик билан муносабатда бўлган сўз санъаткори эди. У сўзни, бадий ижодни юксак қадрлаган, унинг авлоддан авлодга кўчиб яшашига қаттиқ ишонган. Ана шундай мустаҳкам интизом эгасининг ўз дастхатларига бу қадар бефарқ қараши, нодир асарларини қоғоз парчаларига ёзишига ақл бовар қиладими? Мана бу ўринда жавоб қатъий бўлиши мумкин: **Йўқ!** Ҳаётнинг ўзи, ҳамма нарсанинг одил ҳаками бўлган вақт ҳам кейинги таъкид фойдасига хизмат қилди. Улуғ Алишер Навоийнинг барча дастхатлари ҳам барҳам еб кетмаган экан. Ботирхон домла Иттифоқ навоийшунослигида биринчи бўлиб улуғ ўзбек шоирининг табаррук дастхати ҳақида маълумот берди. Маълумки, ҳар йили 9 февраль куни — Алишер Навоий туғилган кун адабиёт ва санъат байрами сифатида нишонланади. 1990 йилнинг 9 февралидан бошлаб эса қўшалоқ шодиёна — улуғ бобокалон шоир таваллуди ва ўзбек тили байрами тар-

⁴⁹ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 1-том. Тошкент, 1963, 28-бет.

зида нишонлана бошланди. Шу муносабат билан илмий анжуман ўтказиш расм бўлиб қолди. 1979 йилнинг февралида Алишер Навоий меросини тадқиқ қилиш масалаларига бағишланган 23-анжуман Андижон шаҳрида ўтказилди. Ана шу нуфузли илмий йиғинда Ботирхон домла илк бор Алишер Навоийнинг Техронда, Салтанат кутубхонасида сақланаётган номукаммал девонининг муаллиф дастхат нусхаси ҳақида хабар беролди⁵⁰. Шундан сўнг унинг ана шу мавзуда илмий мақолалари чоп этилди⁵¹. Бунинг учун олимга 1396 ҳижрий — 1976 мелодий йилда Техронда чоп этилган икки жилдли «Қўлёзма девонлар кўрсаткичи» китоби кўмакка келди. Кўрсаткич Эрон олимаси Бадри Отабой томонидан тузилган бўлиб, унда Техронда, Салтанат кутубхонасида сақланаётган нодир қўлёзма китоблар шарҳи берилган. Асарнинг биринчи жилдида Алишер Навоийнинг еттита қўлёзма асарлари ҳақида маълумот бор. Ботирхон домла диққатини 1799-рақами билан ўша хазинада сақланаётган қўлёзмага доир ёзишмалар тортади. Маълум бўладики, мазкур китоб Алишер Навоийнинг иккинчи расмий девони — «Наводирун-ниҳоя»нинг мусаввада нусхаси экан. Кўрсаткичда ўша қўлёзма бир саҳифасининг сурати ҳам чоп этилган.

Бу қўлёзмадаги қимматли ҳужжатлардан яна бири Алишер Навоийнинг шахсий муҳридаги ёзувдир. Девоннинг хотима қисмида унинг котиби ҳақида қуйидагилар битилган: «Қатаба ал-абд-ал фақир Алишер ал машҳур б-ин-Навоий ғаффара зунубаҳи — китобнинг котиби Навоий сифатида машҳур бўлган банда ва фақир Алишердир, унинг гуноҳи кечирилган». Шундан кейин эса Алишер Навоийнинг қуйидаги ёзув нақш этилган муҳри босилган: «кун оша фи-д-дунё к-ал-ғариб ал-фақир Алишер — дунёда ғариб ва фақир Алишердек ҳаёт кечиргил»⁵². Ботирхон домла ўзи қўлга киритган кашфиётнинг навоийшуносликдаги уч катта қимматини алоҳида таъкидлар экан, ёзади: «...Биринчиси, мазкур девоннинг Алишер Навоий қўли билан ёзилганлиги ёки шоирнинг дастхати эканлиги факти, иккинчиси, Алишер Навоий муҳрининг босилгани ва

⁵⁰ Навоий ва ижод сабоқлари, 157-бет.

⁵¹ Қаранг: Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг мўътабар дастхат девони ҳақида. — «Ўзбек тили ва адабиёти», 1979, 3-сон, 41—43-бетлар; Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Навоийнинг дастхати. — «Шарқ юлдузи», 1979, 7-сон.

⁵² «Ўзбек тили ва адабиёти», 1979, 3-сон, 42-бет.

муҳрдаги ёзув ва, ниҳоят, учинчиси, мазкур асарнинг шоирнинг ўзи тузган «иккинчи девони» эканлиги». Дарҳақиқат, ушбу топилма навоийшунослигимиз учун кашфиёт билан тенгдир. Чунки ўша ҳужжат туфайли, Алишер Навоий дастхатлари йўқолиб кетган, деган ақида ўз-ўзидан қимматини йўқотади.

Улуғ шоир ижодининг муҳиблари унинг ҳуснихатини кўриш бахтига муяссар бўлдилар. Шоир дастхати намунасининг мавжудлиги кўп сонли қўлёзмалар ичидан янада янги нусхаларни аниқлаш имконини берди. Шунинг учун ҳам Ботирхон домланинг маърузаси, Алишер Навоий дастхати ҳақидаги мақоласи илмий-адабий жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Проф. А. Ҳайитметов ва олима С. Ғаниевалар шоир дастхати намунасини матбуотда эълон қилдилар⁵³. Мазкур дастхат жумҳуриятимиз вақтли матбуотида айрим баҳсу мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан, шоир Тўра Мирзо «Улуғ шоирнинг дастхати» мақоласини эълон қилди. Мақолада истеъдодли олим, марҳум Шарофиддин Шарипов хотирасининг ёдга олиниши ғоят хайрли иш. У хасталик туфайли ҳаётдан эрта кўз юмди. Уни йўқлаш, чоп этилмай қолган ишларини нашр қилдириш унинг руҳи олдидаги бурчдир. Аммо мақоладаги мана бу жумлалар бўлиб ўтган воқеалардан хабардор кишиларни бирмунча ранжитади: «1980 йили 6 июнда ЎзССР ФА Ҳамид Сулаймон номидаги Қўлёзмалар институтида ўзбек навоийшуносларининг йиғини бўлиши керак эди. Бунда ёш олим, филология фанлари номзоди Шарофиддин Шариповнинг Навоий дастхати топилганлиги ҳақида ахбороти тингланиб, муҳокама қилиниши мўлжалланган эди. 6 июнь куни Тошкенту Самарқанд олимлари йиғилишди, аммо Ш. Шариповнинг ўзи келмади... Каминада унинг «Навоий Самарқандда» драмасининг матни бор»⁵⁴.

Мақола муаллифининг мазкур фикрлари навоийшунослигимизда шу соҳада унинг матбуотга чиқишидан салкам 10 йил олдин амалга оширилган ишларни шубҳа остида қолдиради. Бордию Тўра Мирзо эълон қилинган мақолалардан беҳабар экан, ўзи билмаган нарсалар ҳақида ёзиши шарт эмас эди-ку! Масаланинг ўша томонларини ҳисобга олган профессор С. Мирзаев анча вазминлик ва ётиғи билан масалага аниқлик ки-

⁵³ Ҳайитметов А., Ғаниева С. Табаррук дастхат.— «Совет Ўзбекистони», 1980 йил 8 февраль.

⁵⁴ Тўра Мирзо. Улуғ шоирнинг дастхати.— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил 12 февраль.

ритди⁵⁵. Шундай бўлишига қарамай, Тўра Мирзо яна мавзуга қайтди ва матбуотда чиқиш қилди⁵⁶. Мақола-нинг анча жонкуярлик, фидоийлик билан ёзилганлигини зўр қониқиш билан эътироф этмоқ зарур. Маданий меросимизни, биринчи галда, улуғ Навоий асарларини кенг тарғиб қилиш, ўқиш, сабоқ олишга чорлов яхши гап, албатта. Агар шундай туйғу ҳар биримизнинг қалбимизда жўш урса, аҳвол ҳозиргидан анча ўнганган бўлур эди. Мавжуд вазият учун эса фақат адабиётшуносларни айблаш тўғри эмас. Иккинчидан, мақола муаллифининг қуйидаги мулоҳазаларини жиддийроқ ўйлаб кўришга тўғри келади. «...Бундан ташқари раддия автори ҳозир нашр қилинаётган йигирма жилдлик асарлар тўпламининг муаллифи улуғ Навоийнинг дастхати фақат Эрондаги битта девонда бор холос, деб қафолат бера оладими? «Туркий тилда кўб ва хўб айтқон» (Бобур таъбири) улуғ шоирнинг дастхати наҳотки ўз юртида мутлақо қолмаган бўлса?!» Аввало, С. Мирзаев ўз мақоласида Алишер Навоий дастхатлари тақдири билан боғлиқ ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилиб беришни мақсад қилиб қўйган эмас.

Юқорида таъкид этганимиздек, проф. С. Мирзаев шу кичик масала муносабати билан вужудга келган чалкашликка аниқлик киритишни ўз олдиға вазифа қилиб қўйган, холос. Шунинг учун у мақолада Техрон нусхаси ягона дастхат деган таъкид кўринмайди. Негаки, ундай узил-кесил фикрни айтиш учун етарли асосга эга бўлмоқ лозим. Бундай асосга ҳозирча ҳеч ким эга эмас. Тўра Мирзонинг навоийшуносликка нисбатан айтган маломати ҳам баҳсталабдир. Адабиётшунослик шу соҳа такмили учун ҳисса қўшмоқда. Алишер Навоий дастхатларига доир йигирма йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган фикрга қатъий зарба берилганининг ўзиёқ бир жойда депсинмаётганимиздан далолат эмас-ми? Ошкоралик фақат нуқсонларни айтишдангина иборат бўлмай, ютуқларни ҳам ҳис эта олиш, улар ҳақида маромида айтиш ҳуқуқини беради. Бу ўринда бошқа бир ҳолатни айтиш мумкин. Агар навоийшуносликка бугунги кун талаблари нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, давр шиддатига нисбатан олға интилишимиз озроқ оқсайди. Уни жонлантириш эса барчамизнинг масъулиятли бурчимиздир. Ҳамма-

⁵⁵ Мирзаев С. Яна Навоийнинг дастхати ҳақида.— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1988 йил 9 сентябрь.

⁵⁶ Тўра Мирзо. Навоий мададга муҳтож.— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1989 йил 3 февраль.

миз ҳам Тўра Мирзодай куюнчаклик қилишимиз (албатта, фақат гапда эмас), ҳазрат Алишер Навоийнинг халқимиз шарафи, ифтихорига айланиши учун узлуксиз ҳисса қўшмоғимиз зарур. Ўшандагина гап ва амалиёт бир жойдан чиқади, адабиётшунослик, унинг бағридаги навоийшунослик ҳам манфаат кўради.

Энди юқоридаги мунозарага қайтадиган бўлсак, у ҳақда нима дейиш мумкин? Тўра Мирзо айтган калаванинг бир учи Ботирхон домлага келиб уланади. Рисоламизнинг олдинги саҳифаларида айтганимиздай, Шарофиддин каминага ҳам бегона эмас. Бизлар бир устознинг шогирдлари. Мулоқот, муносабатларимиз, ёзишмаларимиз, устоз ҳузурида учрашувларимиз бўлиб турарди. Беозор, камсухан, ишчан, изланувчан, ўзига талабчан инсон эди. Адабиёт тарихини нозик фаҳм этарди. «Лисонут-тайр»дай ўта мураккаб, сўфизм фалсафаси билан тўйинтирилган дoston ҳақида номзодлик рисоласи ёзиш, асар матни насрий баёнини яратишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун билим, қунт-чидам, қилни қирқ ёриш қабилидаги зукколик ҳам керак эди. Дўстимизда шу фазилатларнинг муҳайё бўлганлиги шубҳа туғдирмайди. Ботирхон домла ундаги шу хусусиятни қадрлар, унинг истиқболдан умидлари катта эди. Афсус... энди қўлёзмага қайтайлик. Маълумки, унинг кашф этилиши 70-йиллар совет навоийшунослигининг улкан ютуғидир. 1978 йилнинг охири, 1979 йилларнинг бошида Ботирхон домла Москвада уч ойлик курсда таҳсил кўриб қайтди. Ана шу муддатнинг кўп қисмини устоз жаҳонга доврўғи кетган В. И. Ленин номидаги давлат марказий кутубхонасида ўтказди.

Ботирхон домла илмий кузатишлари мундарижасидан маълумки, у кейинги йилларда Алишер Навоий фаолияти, илмий-адабий меросига Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон олиму адиблари муносабати масалалари билан қизгин шугулланиб келади. Унинг катта билим хазинасида бўлиши шу йўналишдаги қизиқишларини янада чуқурлаштириш имконини ҳозирлади. Бошқача қилиб айтганда, унинг Бадри Отабой (Комрон) томонидан тузилган «Қўлёзма девонлар кўрсаткичи»га мурожаати тасодифий ҳодиса эмас. Ўша мақсадли изланишларнинг мантиқий давоми, ҳосиласидир. Шунинг учун омад унга пешвоз келди, Иттифоқимизда улуғ Алишер Навоий дастхати ҳақидаги биринчи гапни айтиш Ботирхон домлага насиб этди. Аммо Бадри Отабой китобидаги улуғ шоир дастхати суратини олиш имкони бўлмади. Филология фанлари

номзоди С. Ғаниева ана шу бўшлиқни тўлдирди, улуғ шоир дастхати суратини олиб қайтди ва матбуотда эълон қилди.

Суйима опанинг олқишга сазовор хизмати шундаки, у Алишер Навоий ижоди мухлисларининг анчагинасига ўша сурат нусхаларини улашиб чиқди. Жумладан, Ботирхон домлага ҳам дастхат билан ўша суратнинг бир нусхасини тақдим этди. Шарофиддин ўша йилларда «Бадойиъул-бидоя»ни улуғ шоир мукаммал асарлари йигирма жилдлиги учун нашрга тайёрлаётган эди. У мазкур девоннинг турли даврлардаги нусхалари суратини қўлга киритди. Шоир ҳаёт бўлган XV асрда кўчирилган нусхалардан бири унга Алишер Навоий дастхати бўлиб туюлган. Бу ҳақда у Ботирхон домлага ҳам сўзлаб берган. Устоз қўлидаги «Наводирун-ниҳоя» мусаввадаси бир саҳифаси суратини икки қўлёзма хатларини қиёслаб кўриш мақсадида сўраб олган. Ҳозир ҳам Ботирхон домланинг қўлида Суйима опа дастхати бор, ўша сурат йўқ. Шарофиддиннинг дипломати билан қаердадир қолиб кетган... Бўлган воқеа ана шундан иборат. Уни бўрттириш ҳам, камайтириш ҳам адолатдан бўлмайди. Гап шундаки, Алишер Навоий «Наводирун-ниҳоя» девони дастхат нусхаси суратини Эрондаги Салтанат кутубхонаси хазинасидан олиш, «Илк девон» каби рангли тасвирда нашр эттириш зарур. Эҳтимол, бу ҳаракат улуғ шоир янги-янги дастхатларини топиш калитини берар. Ўшандай иш амалга оширилса, биринчидан, навоийшунослигимиз ютади, иккинчидан, шундай бахтли кунларга етиш насиб этмай, ҳаётдан эрта кетган навоийшуносларимизнинг руҳи поклар шод бўлади...

ХОТИМА

Улуғ Алишер Навоий таваллудининг беш ярим асрлик тўйи тобора яқинлашиб келмоқда. Аммо ҳали тўёналар тайёр бўлгани йўқ. Улуғ ўзбек шоири мукамал асарлари 20 жилдлигининг лоақал ярми китобхонлар қўлига етмайдиган кўринади. Бундай аҳвол навоийшунослик муаммоларига ҳам тўла тааллуқлидир. Адабиётшунослик юкини елкага олган барча тадқиқотчиларни бундай аҳвол ҳушёр торттирмоғи, ишга жиддийроқ киришишга ундамоғи лозим...

Шу нуқтаи назардан Ботирхон домланинг фаолиятига разм соламан. Қалбим ифтихор туйғуларига тўла. Устоз ҳамон фаоллик жиловини қўлдан бергани йўқ. 1990 йилнинг бошида унинг хамсачилик анъанасига доир мақоласи «Ўзбек тили ва адабиёти» журналада чоп этилди. Илк бор тажриба сифатида яратилаётган «Навоий қомуси» учун биринчилардан бўлиб талайгина мақолалар ёзиб беришга улгурди. Иттифоқ шарқшунослари уюшмасининг аъзоси, Совет маданият жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимининг раиси, Самарқанд вилоят халқ дорилфунунлари кенгашининг раиси... Ҳали булар ҳаммаси эмас. Яна қанчадан-қанча жамоатчилик асосидаги вазифалар турибди. Булардан анчагинаси академик Воҳид Абдуллаев зиммасида эди. Бугун улар шогирдга кўчди. Ростини айтганда, устознинг йўқлиги ҳар қадамда ўзини кўрсатиб турибди. Қани, энди, устоз ҳаёт бўлсалар-у улуғ шоир тўйига тўйбошилиқ қилсалар эди... Самарқандда шу тўй билан боғлиқ нимаики амалга ошириладиган бўлса, Ботирхон домла унга бош-қош. Шунинг учун жуда қисқа муддат ичида ойнаи жаҳонда икки марта чиқиш қилди. Алишер Навоий тўйи ҳозирлиги билан боғлиқ мухбир саволларига жавоб берди. Факеҳ Фазлуллоҳ Абуллайсий гузарида қад кўтариши лозим бўлган Алишер Навоий уй-музейи биносининг қурилиши бошланди. Уни тезлаштириш зарур. Аслида бундай режалар бирданига пайдо бўлгани йўқ. Олим айни масалаларни анча илгари ўйлаган, мақолаларида акс эттирган эди. Жумладан, унинг 1988 йилнинг 9 феввали муносабати билан вилоят рўзномасида чоп этилган мақоласида

қуйидагиларни ўқиймиз: «Маълумки, Алишер Навоий Самарқандда 3—4 йил яшаб ижод этди. Кейин эса бу шаҳар билан алоқасини узмади, уни доим эслади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда Самарқандда, хусусан, Фазлуллоҳ Абуллайсий мадрасаси жойлашган Факеҳ Абуллайс маҳалласида Навоий музейини ташкил этиш масаласини яхшироқ ўйлаб кўриш даркор. Бу музейда «Навоий ва Самарқанд»... «Навоий ва Абуллайсийлар хонадони» мавзуи кенг ёритилса, умуман, Самарқанд ва Навоий билан боғлиқ мавзу — Самарқанднинг навоийшунос олимлари, рассомлари, муғанний ва хонандалари, Самарқандда Навоий номи билан аталган жойлар тарихи, шоир анъаналарини давом эттирган самарқандлик ижодкорлар, Навоий асарлари Самарқанд саҳналарида каби масалалар ҳозирги замон талаблари асосида намоиш этилса, мутафаккир туғилган куннинг 550 йиллигига арзигулик бир совға бўлур эди». Халқимизда «Яхши гапга фаришталар омин дейди», деган гап бор. Ҳалоллик ва эзгулик яшаш тарзи бўлган Ботирхон домланинг бу ажойиб ниятлари жумҳурият ҳукумати қулоғига етди. Алишер Навоий тантаналари шарафига бунёд этиладиган тадбирлар рўйхатидан жой олди, рўёбга чиқариш ҳаракати бошланди. Музей биноси қад кўтаргунча, ундан жой оладиган ашёлар ҳам тайёр бўлади. Чунки режалар аллақачон белгиланган, иш бошида Ботирхон домла фидойилик кўрсатмоқда. Унинг «Абуллайсийлар хонадони» сарлавҳали туркум мақолалари, «Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари» харитаси барпо этилажак музейнинг қалдирғоч кўргазмаларидир. Олимнинг Самарқанднинг Алишер Навоий тақдирида ўчмас из қолдирган ўша табаррук хонадони ҳақидаги мақоласида яна бир ширин орзу ўз ифодасини топган. Унда ўқиймиз: «Бу хонадоннинг ана шундай хизматларини ардоқлаш мақсадида Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийларнинг муносабатларини бадний гавдалантирувчи обида — ҳайкал яратиб, у Факеҳ Абуллайс маҳалласида қўйилса, Абуллайсийлар хонадони тарихини ёритувчи музей ташкил этилса, нур устига нур бўларди...». Олим шуурида сайқалланиб, унинг қаламидан жило топган бу жумлаларни ўқиб, беихтиёр хаёлга толасан.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Бу гулшан ичраки, йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, чиқса яхшилик била от,—

сатрларидаги умрбоқий мазмунни Ботирхон домла ўзининг ҳаракат дастури қилиб олганига қаноат ҳосил қиласан, киши. Ботирхон домла — катта олим. Она табиат уни гўё нуқул ўқиш, ёзиш, изланиш учун яратгандай. Унинг кунлик фаолиятига юқоридагилар билан бирга шогирдларга дарс айтиш ҳам қўшилади. У ҳамиша режалар бағрида яшайди. Тинимсиз ёзади, аммо нашр этишга шошилмайди. Ботирхон домланинг имконият ва имтиёзлари улкан. Шу кунларда Ботирхон домла Аҳмад Ҳожибек девонини изламоқда. Бу ширинсухан шоирнинг Алишер Навоий билан ижодий алоқаларини бафуржа ёритиш навоийшуносликдаги бўшлиқлардан бирини тўлдиради. «Девони Фоний»нинг наشري ва ўрганилиши замон талабларига мувофиқ эмас. Бу ишга икки тил ва икки адабиётдан хабардор олимлар киришсалар, адабиётшунослик манфаат кўради. Буни яхши ҳис этган Ботирхон домла мазкур мавзунинг ҳам ўз назоратига олган. Олим фикрини тортган масалалардан яна бири «Девони Фоний»да бўлган татаббуотнинг унинг туркий тилдаги меросида кузатилмаслигидир. Чиндан ҳам татаббуот янгича муносабат ва таҳлил кутади. Навоийшунослик тарихи, етук навоийшуносларимиз қолдирган маънавий мерос ўз баҳосини олмоғи зарур... Ботирхон домла азал-азалдан бир қавм, бир қариндош бўлган икки — ўзбек ва тожик халқлари маънавий балогати йўлида баракали хизмат қилмоқда. Унинг уч шогирди ана шу икки адабиёт алоқаларига доир илмий тадқиқотларини якунлаш арафасида... Тожик адабиётшуноси проф. Р. Мусулмонқулов ҳаққоний ёзганideк, «Проф. Валихўжаев кўп сонли шогирдларнинг устози, адабиёт тарихи қадимий қатламларининг тадқиқотчиси сифатида XX аср маданияти тарихига кирди».

Ботирхон домла ўз илмий фаолиятдан ҳеч қачон қониққан эмас. У ҳамиша изланади, янги истиқболларга интилади. Илм уфқлари уни ўзига чорлайди. Самарқанди азимда ҳамиша барҳаёт Алишер Навоий руҳи уни тиниб-тинчимасликка даъват этади. Падари бузруквори, маърифатпеша Хилъатнинг мана бу сатрлари ҳам уни зиё ва эзгулик қутбларига бошлайди:

Навҷавоно, қоматат сарви хиромон бинамат,
Дониш омӯзи фунуну аҳли ирфон бинамат.
Хилъато, ҳиммат насиби навҷавонон фатҳ бод,
Пеш аз ин маъмуртар ин мулки даврон бинамат...

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Халқпарвар Фарҳодга қўйилди ҳайкал	9
Навийнинг руҳи барҳаёт	23
Мазмунли ҳаёт саҳифалари	25
Эзгулик — сўз жавҳари	37
Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин	46
Эмас осон бу майдон ичра турмоқ	59
Сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил	69
Хотима	78

РАХИМДЖАН ВАХИДОВ

НАВОИ — ВСЕГДА ЖИВ

*На узбекском языке
Ташкент, «Фан»*

*Ўзбекистон ССЖ ФА илмий-оммабон адабиётлар таҳрир
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Х. Зарипова*
Мусаввир *Н. Акромов*
Бадний муҳаррир *А. Баҳромов*
Техмуҳаррир *Н. Абдурахмонова*
Мусаҳҳаҳ *С. Зокирова*

ИБ № 5694

Теришга берилди 28.01.91. Босишга рухсат этилди 07.03.91. Формати 84×108^{1/32}.
Босмаҳона қогози № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма
т. 4,20. Ҳисоб-нашриёт т. 4,1 8700 нуска. Буюртма 21. Баҳоси 50 т.

ЎзССЖ «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
ЎзССЖ «Фан» нашриётининг босмаҳонаси: 700170. Тошкент, М. Горький
шоҳ кўчаси, 79

